

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ


МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

“АХБОРОТ КУТУБХОНА ТИЗИМЛАРИ” КАФЕДРАСИ

ГАНИЕВА БАРНО ИЛҲОМОВНА

**АХБОРОТ КУТУБХОНА
МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАР
КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ
ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК
ИМКОНИЯТЛАРИ**

(Монография)



ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 021
КБК 78.34

Ганиева Б.И. Ахборот кутубхона муассасаларида болалар китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари.– Т.: «Aloqachi», 2019.148 б.

ISBN 978–9943–5643–5–0

Маданий-маърифий муассаса сифатида кутубхоналар узлуксиз таълим тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди. Маълумки, китоб, кутубхона ва китобхон ҳар қандай жамият ривожини таъминловчи муҳим бўғинлардир. Мазкур монографияда китоб ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ижтимоий–педагогик моҳияти тадқиқ этилиб, ўқиш маданиятини тарбиялашда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва унинг китобхонликка таъсири, китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари каби масалалар тадқиқ этилган.

Мазкур монография ахборот кутубхона мутахассислари, ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик таълим йўналиши, магистратура мутахассисликлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, шу жумладан қўлланмадан бошланғич синф ўқитувчилари, ота-оналар болаларда китобхонлик кўникмаларини шакллантиришда фойдаланишлари тавсия этилади

УЎК 021
КБК 78.34

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг Жамиятимизда китоб мутолааси, китобхонлик маданиятини оширишнинг педагогик ва психологик усулларини такомиллаштириш мавзуси доирасидаги лойиҳаси асосида тайёрланди. (ПЗ-20170929262 рақ).

Муҳаммад Ал-Ҳоразмий номидаги Тошкент Ахборот технологиялари университети Илмий-техник кенгашининг 2019 йилнинг 20 феввалидаги 2-19-сонли баённома асосида нашр этишга тавсия қилинди

Масъул муҳаррир:

А.А.Умаров – с.ф.д., профессор.

Такризчилар:

М.А.Раҳматуллаев – т. ф. д., профессор;

А.А.Умаров – с.ф.д., профессор.

ISBN 978–9943–5643–5–0

© «Aloqachi» нашриёти, 2019.

КИРИШ

Ҳозирги кунда юртимизда келажагимиз пойдевори бўлмиш ўсиб келаётган ёш авлод тарбияси давлат сиёсатининг диққат марказида турибди. Чунки, юртбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, «миллат бор экан, миллий давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан хукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар. Шу маънода, бундай хавф-хатарларга қарши асосий қурол сифатида юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, аввало, иродаси бақувват, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва аҳолимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятимизни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти бекиёсдир» [8,151]. Ҳар қандай тарихий даврда жамиятнинг маънавий-маданий, интеллектуал салоҳиятини ошириш учун бош мезон вазифасини ўтовчи усуллар шаклланган. Билим олишнинг энг асосий усули бўлган мутолаа жараёнларини такомиллаштириш жамиятнинг умумий тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланишида сифат жиҳатидан янги босқичларга кўтаришда долзарб аҳамият касб этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда республикамызда ёш авлодни тарбиялаш борасида ҳам ўзига хос йўл тутилмоқда. Бинобарин, бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг [15;111] муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда Давлат таълим стандарти, педагогика фани концепциясининг яратилганлиги, ўқув предметлари бўйича концепциялар, дарсликларнинг янги авлоди яратилганлиги мазкур қонун ва дастур талаблари асосида жаҳон талабларига жавоб берадиган, сиёсий етук, ақлан баркамол, жисмонан соғлом авлодни тарбиялашдек мураккаб вазифалар ҳал қилинмоқда. Келажакда буюк давлатни соғлом мафқурали, маънавий баркамол авлод барпо эта олишини назарда тутиб, қомил инсонни тарбиялаш борасидаги

изланишларни истиқболда ҳам давлат сиёсати даражасида узлуксиз кучайтириб бориш ва умумхалқ ҳаракатига айлантириш [10,34] авж олган ҳозирги тарихий шароитда болаликнинг илк босқичларидан бошлаб ўқиш маданиятини тарбиялаш, китобхонлик малакаларини шакллантириш энг долзарб педагогик муаммолардан бири бўлиб қолаверади. «Китоб жамият маданиятининг ажралмас бир қисмидир. Инсоният маданияти тараққиётининг энг тўлиқ ва ҳар томонлама ифодаси сифатида китоб кўп асрлар мобайнида шахсни тарбиялашда ва унинг ақлий ривожланишида муҳим роль ўйнайди» [123,8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-381-сонли қарори республикада кутубхоначилик ишини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январь куни "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишни имзолади. Шу йилнинг 13 сентябрида "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" [14] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3271 Қарори қабул қилинди. Ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича тегишли таклифларни тайёрлаш муҳим вазифалардан бири деб белгиланди. Маданий-маърифий муассаса сифатида кутубхоналар республикадаги узлуксиз таълим тизимидаги таълим – тарбия жараёнларини ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда ўзига хос ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам Республикадаги узлуксиз таълим тизимини шакллантиришда, таълим-тарбия асосларини яратишда маърифий тизимда катта имкониятларга эга бўлган китобхонлик ва мутолаа омилларининг, хусусан кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятларини таҳлил қилиш, комил шахсни таркиб топтиришдаги ўрни ва роли масалаларини тадқиқ этиш, мазкур жараёнларни такомиллаштиришга доир ёндашувлар,

амалий чора-тадбирлар таҳлили бугунги кунда долзарб, жуда катта ҳам илмий-назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Чунки, кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнлари борасидаги тажрибалар етарли даражада оммалашмаган, илмий жамоатчилик эътиборидан четда қолмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да кўзда тутилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида баён этилган ғоялар, кутубхона ва ахборот фаолиятига, мактабга оид ҳужжатларда қамраб олинган масалалар кутубхоналарда болаларнинг ўқиш маданиятини тарбиялашга оид педагогик имкониятлар муаммосини диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганишни мақсад қилиб қўйишга асос бўлди.

Шу ўринда кутубхоналарнинг ўзига хос ўрни ва ижтимоий вазифаси тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир. Чунки кутубхона таълим-тарбия маскани сифатида жуда катта маърифий-педагогик имкониятларга эга. Тўғри, шўролар даврида ҳам кутубхоналар фаолияти турли томондан таҳлил қилинган, бироқ уларда коммунистик мафкура нуқтаи назаридан қараш, коммунистик тарбия манфаатларини ҳисобга олиш устунлик қилган. Фақатгина мустақиллик туфайли кутубхоначилик муаммоларига ҳам комплекс ёндашув тамойиллари қарор топди, кутубхона фаолияти ҳам республикамизда кадрлар тайёрлаш тизимининг узвий қисми сифатида тадқиқ этила бошланди. Бинобарин, «халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизimini шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарт қилиб белгиланди» [16,34].

Ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялаш масаласи жамият тараққиёти билан бевосита, ҳамма вақт ҳам бўлиб кетадиган ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам мазкур муаммони илмий жиҳатдан ҳал қилиш, бу борада илмий-назарий тавсиялар ишлаб чиқиш масаласи ушбу тадқиқотнинг нечоғлик долзарблигини кўрсатади. Бунинг учун дастлаб мавжуд манбаларда кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашга нисбатан қандай ёндашилганини ўрганиш муҳимдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, кутубхоналарда болалар китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ўрганиш айрим олимларнинг тадқиқотларида маълум даражада кўтарилган бўлса ҳам, у монографик тарздаги махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Шунга қарамадан мамлакатимизда ва хорижда бир қанча илмий ишлар мавжудки, улар биз ўрганаётган мавзуга бевосита бўлмаса-да, билвосита алоқадордир. Мазкур тадқиқотлар ўрганилаётган муаммони тадқиқ этишда ўзига хос методологик, назарий ёндашувларига кўра кимматлидир. Кутубхоналарнинг жамият тараққиётидаги ўрни, уларнинг маданий-маърифий муассаса сифатидаги аҳамияти, кутубхоначилик иши ва уни такомиллаштириш масалалари, кутубхонашунослик фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган. Масалан, Н.А.Рубакин, А.Л.Гольдберг, Р.Бинхем, К.Хэррисон, В.Н.Зайцев, В.Ф.Бородина, Л.Н. Рожина [106;44;32;55;39;105] каби олимларнинг кутубхонашунослик, китобхонлик, мутолаа жараёнларининг шаклланиш тенденциялари, ўқиш ва манбаларни ўзлаштириш самарадорлиги масалалари тадқиқотига бағишланган илмий изланишлари диққатга сазовордир. Уларнинг ишларида кутубхоначилик муаммолари илмий, назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Хусусан, ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялаш масалалари М.И.Губанова [46;47] томонидан, кутубхоналарда болалар ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари Н.Н.Житомирова, В.А.Воронец, Н.С.Серовалар [107] томонидан атрофлича ўрганилган. А.С. Адаменко, В.Г.Валькова, Г.Г.Гранникнинг тадқиқотларида [31;30;45] кутубхона ва ёш китобхон муаммолари амалий жиҳатдан ёритиб берилган. Бироқ уларда ўқиш маданиятини тарбиялаш муаммолари яхлит бир бутунликда, монографик характерда эмас, балки умумий тарзда кўриб чиқилган. Кутубхоначилик тарихи, кутубхонашунослик назарияси олдида ёш авлодни китоблар воситасида тарбиялаш, улар ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари ҳар доим долзарб муаммо бўлган. Мамлакатимизнинг кутубхонашунос олимлари ҳам бу борада маълум ишларни амалга оширдилар. Жумладан, О.Ф.Қосимова, Э.А.Охунжонов, М.А.Раҳимова, Э.Й.Йўлдошев, Э.Исломов, М.М.Туропов, М.Ҳ.Маҳмудовларнинг [123;124; 25;103;67;69;112;86] изланишларида кутубхоначилик ишининг

умумий муаммолари билан бир қаторда ўқиш маданиятини шакллантириш масалалари бўйича ҳам фикрлар айтиб ўтилган. Жумладан, профессор Э.Йўлдошевнинг ушбу мавзуга алоқадор болалар кутубхонасида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш, кутубхона ва болалар китобхонлиги мавзусидаги тадқиқотларида ўқиш маданияти, унинг шаклланиш манбалари хусусида бир қатор назариялар илгари сурилган. Шунингдек, олимнинг болаларда китоб ўқиш маданиятини шакллантиришнинг миллий моделини ишлаб чиқиш зарурати борасидаги фикрлари диққатга сазовордир [66;68].

А.О.Умаровнинг [114;115;149] мутолаа ходисаси. унинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни, жамиятда мутолаа жараёнларини оптималлаштириш орқали ижтимоий-маданий таракқиётни жадаллаштириш йўлларига оид илмий-социологик таҳлили алоҳида аҳамиятга моликдир. Ушбу изланишларда мутолаа ходисасининг моҳияти, мазмуни ва таркибий жиҳатлари, мутолаа жараёнларининг анъанавий ва замонавий услублари таҳлил этилган. Шунингдек, олимнинг А.П.Коваленко билан ҳамкорликда ўқиш психологияси, китобхон психологиясига доир изланишларида ўқиш маданиятини тарбиялашда ўқиш психологиясининг аҳамияти ёритиб берилган [113].

Кўриниб турибдики, юқорида кўрсатилган тадқиқот ишларида кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари ва шарт-шароитларини аниқлаш муаммоси махсус тадқиқ этилган эмас. Кутубхонанинг ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашдаги имкониятларини асослаш, кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг конкрет йўл-йўриқлари, тарбиялаш воситаларини ишлаб чиқиш, ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнининг самарадорлик даражасини белгилаш ҳамда ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботи муаммолари ечимига эътибор қаратиш тадқиқот доирасида ўз ечимини қутаётган масалалардан хисобланади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини тарбиялашнинг илмий-назарий негизларини асослаб бериш ҳамда ўқиш маданиятини шакллантиришга оид илмий-методик тавсиялар яратишдан иборат бўлиб, қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

1) Мавзуга оид илмий-методик адабиётлар таҳлил қилинди;
2) Муаммонинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш асосида кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитларини аниқланди;

3) Ўқувчиларнинг китобхон сифатидаги ёш хусусиятларини, психологик ҳолатларини ўрганиш ҳамда уларнинг ўқиш маданияти шаклланишига кўрсатадиган таъсири ўрганилди;

4) Кутубхонанинг ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашдаги имкониятлари аниқланди;

5) Кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг конкрет йўл-йўриқлари, тарбиялаш воситалари ишлаб чиқилди;

6) Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнининг самарадорлик даражасини белгилаб, кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботини кенг йўлга қўйишга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш бугунги кунда энг долзарб, шу билан бирга истикболга йўналган педагогик ҳодиса бўлиб, агар:

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиши китоб-кутубхона-китобхон тизимида мунтазам тадқиқ этилса;

- кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари, кизиқишларига мос тарзда адабиётлар ва ахборот ресурслари билан таъминланса;

- ўқиш маданиятини шакллантиришнинг барча анъанавий ва замонавий усул ва воситалари ўрганилиб, аниқлаб борилса;

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини шакллантириш ва тарбиялашнинг самарали технологияси ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилса, ўқувчиларда китоб ва кутубхонадан рационал фойдаланиш, китобхонлик маданияти шакллانганлигининг самарадорлик даражаси ортади.

Монографияда тадқиқ этилган асосий ҳолатлар:

1. Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш долзарб педагогик муаммо эканлиги.

2. Кутубхоналарнинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашдаги педагогик ва психологик имкониятлари.

3. Кутубхоналарда кичик ёшдаги ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг мазмуни, шакл, усул ва воситалари.

4. Ўқиш маданиятини тарбиялашда кутубхоначилик–библиография билимлари тарғиботи жараёнининг самарадорлик даражаси.

5. Кутубхоналарда кичик ёшдаги ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашга йўналтирилган илмий–методик тавсиялар.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримов, Республика Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев асарларида асослаб берилган маънавий меросни ўрганишга ҳамда таълим-тарбия соҳасига, миллий ғоя ва миллий мафкурага оид асарлари, ҳукуматнинг маънавият ва маърифатни ривожлантириш, кутубхоначиликка оид, кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари ишини такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қарор ва низомлари тадқиқотимизга назарий асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг таълим ва тарбия борасидаги қарашлари, кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнини илмий-амалий тадқиқ қилишга қаратилган педагогик ёндашувлар, мавзуга оид илмий-педагогик, психологик, методик, тарихий, фалсафий манбалар.

1. Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш долзарб педагогик муаммо эканлиги назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, унинг ижтимоий – педагогик моҳияти очиб берилди.

2. Кутубхоналарнинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашдаги педагогик ва психологик имкониятлари аниқланди.

3. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг моҳияти ва мазмуни, шакл, усул ва воситалари белгилаб берилди.

4. Кутубхоначилик–библиография билимлари тарғиботининг аҳамияти тадқиқ қилиниб, ўқиш маданиятини тарбиялашга дсир илмий–методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Олинган натижаларнинг ҳолислиги, уларнинг самарадорлиги кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ўтказилган тажриба–синов ишларида ўзининг назарий ва амалий тасдиғини топганлиги; тадқиқот мақсади ва вазифаларига монанд методлар

қўлланилганлиги; ишлаб чиқилган тавсиялар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг китобхонлик маданиятининг шаклланиш даражаси ўсганлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижасида Кутубхонашунослик фани кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини шакллантиришнинг қулай педагогик шарт-шароитлари билан бойитилди, шунингдек, магистратура мутахассислиги талабалари учун “Ахборот кутубхона муассасаларида болалар ўқишига раҳбарлик қилиш” курси яратилди. Тадқиқот натижаларидан кутубхоналар ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятида, кутубхона – ахборот фаолиятини бошқарув ҳамда педагогика соҳасида мутахассислар тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, кутубхоначилар ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, шунингдек, кутубхоначилар, мактаб ўқитувчилари назарий, амалий қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин.

І БОБ. КУТУБХОНАЛАРДА БОЛАЛАР КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ - АМАЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ижтимоий- педагогик моҳияти

Жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ҳар бир фуқарода ўзликни англашни кучайтириб, мустақил фикрга эга бўлишни тақозо этмоқда. Айниқса, XXI аср шиддати ҳар бир кишида мустақил интилиш, мустақил фаолият олиб бориш кўникмалари мавжуд бўлишини талаб қилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлат ўз фуқароларининг онглилиги билан кучлидир. Фуқаролардаги онглилик эса ўз-ўзидан пайдо бўладиган тушунча ёки ҳодиса эмас. Ҳар бир фуқародаги онглилик даражасининг ўсиб, миллий онг даражасига кўтарилиши эса ниҳоятда мураккаб жараёндир. Худди шу ўринда мактабдаги таълим-тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мактаб таълим-тарбия жараёнининг узвий қисми бўлган кутубхона узлуксиз таълимнинг таркибий қисми сифатида бекиёс вазифани адо этади. Чунки, кутубхонанинг ижтимоий вазифаси ҳозирги кун талабидан келиб чиқиб, тобора кенгайиб бормоқда. Маънавият ва маърифатга жиддий эътибор қаратилган бир пайтда кутубхоналарнинг ва умумтаълим муассасалари қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари олдидаги вазифалар ҳам ортиб бормоқда.

Улар олдида бир-бири билан боғлиқ бўлган 2 муҳим вазифа, яъни республикамиздаги барча ўқувчиларни кутубхонанинг ресурсларидан фойдаланишга жалб этиш ва мунтазам ўқиш малакасини ошириш, тарбиялаш вазифасини илгари суриш лозим. «Мактаб кутубхонаси олдида турган асосий вазифалардан бири – ўқувчиларда китоб билан мустақил ишлаш малакаларини ҳосил қилишдан иборатдир» [63,46].

Шу ўринда «Ўқиш маданияти» нима, унинг ижтимоий моҳияти нимадан иборат? деган саволга жавоб берамиз. Профессор Э.Й.Йўлдошев бу тушунчага шундай таъриф беради: «Ўқиш маданияти – жуда кенг қамровли тушунча бўлиб, китобга қизиқиш ва уни севиш, адабиёт билан кенгрок танишишни, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги махсус билимларга эга бўлишни, шунингдек,

китобдан тўла равишда фойдаланишга ёрдам берувчи кўникма ва малакага эга бўлишни такозо этади» [68,5]. Бугунги кунда «ўқиш маданияти» [47;66;68;103;140;152], «китобхонлик маданияти» [84;36], «мутолаа маданияти» [114;149;153] каби атамалар билан қўлланилиб келаётган ижтимоий ходиса, ахборот олиш маданиятининг таркибий қисмидир. «Мутолаа» сўзи арабча «ўқиш» деган маънога эга бўлса-да, бутунги кунда у китоб ўқишдан кўра кенгроқ тушунчани аниқламоқда.

А.Умаров фикрича, «Мутолаа маданияти ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишга йўналтирилган жараён, хулқ-атвор ва фаолиятлари мазмунди ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмуини ифодаловчи билимлар, меъёрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошқа атрибутлардир. Айни чоғда мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали махсус шакллантирадиган, ихтисослашган маълумотни инсон ҳаёти давомида турли манбалар – китоблар (бадий, илмий, ўқув, комусий), оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий ахборот технологиялари (интернет, электрон газета, журнал, қўлланма ва ҳоказолар), шунингдек, субъект билан бевосита мулоқотга киришувчи шахслар (оила аъзолари,...) орқали эга бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим бўлади» [114,33]. Бизнинг фикримизча, бу жараённи айнан кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари доирасида гадқик этганда «ўқиш» терминини ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ўқув-билув жараёни ўқиш, ўрганиш, ривожланиш тизимида амал қилади.

Ҳозирга қадар илмий-назарий адабиётларда ва амалиётда бир қатор ҳодисалар «ўқиш маданияти» тушунчаси остида юритилади. Жумладан, ўқиш маданияти болаларга бадий адабиётни тўғри тушуниш йўллари, ундан эстетик завқ олишни ўргатади [28,12]. Шунингдек, илмий адабиётлар билан ишлаш йўллари, маълумот-библиография ва барча турдаги ахборот материалларидан ўзини қизиқтирган нарсаларни қидириб топиш, умуман, китоб ва кутубхонадан тўғри фойдаланиш йўллари ўрганиш ҳам ўқиш маданияти тушунчаси доирасига қиради [46,107]. Ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёни натижасида «китобхонлик маданияти» шаклланади. Чунки айнан ўқиш маданиятини эгаллаган

шахсга нисбатан «китобхон» терминини ишлатиш ўринлидир. Сафо Матчон фикрича: «Китобхонлик – ўқилган китоблар сони билан белгиланмайди, балки у тушуниб ўқиш, яъни мақсадли ўқишдир. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, китобхоннинг ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрини нечоғли уқишини, яъни асар «тили»га тушунишини китобхонлик маданияти, таланти даражасини кўрсатади. Шу туфайли адабиётимиз талантли ёзувчилар билан бирга талантли китобхонларга ҳам ҳамшиша эҳтиёж сезади» [84,26]. Олимнинг фикрича, китобхонлик истеъдоди туғма эмас, балки тарбия воситасида камол топадиган фазилатдир. Китобхонлик ҳақида гап кетганда, олмон мутафаккири Гётенинг куйидаги фикрини келтириш жоиздир: «Китобхонликка ўрганиш учун канчалик кўп вақт сарф қилинишини одамлар тасаввур қилмайдилар, бунинг учун мен ҳаётимнинг 80 йилини бағишладим, лекин ҳали ҳам ўргандим, деб айта олмайман». Профессор В.Ф.Асмус ўзининг «Китобхонлик - меҳнат ва ижод» номли мақоласида эса китобхонликка шундай таъриф беради: «Мутолаа вақтида асар бир кўзадан иккинчи кўзага қуйилган сув каби китобхон миясига қуйилиб қолмай, балки ижодкор китобхон томонидан қайта идрок этилади». «Таракқий этган хорижий мамлакатларда,- деб ёзади Х.Тўхтабоев,- китобхонлик фан даражасига кўтарилган. Китобхонлик китобни тарғиб қилишгина эмас, балки китоб ўқишни, ўқиладиган китобни танлай олишни, мағзини чақишни, яъни китоб ёрдамида ўзини англашни ўргатиш ҳамдир» [149,24].

«Китобхонлик маданияти» истилоҳи англаган маъно доирасидан унинг тарбияга оид элементларини аниқлаймиз:

- ўқишга, ахборот олишга майл, ҳавас, иштиёқни шакллантириш;

- ўқилган китоб орқали фикрлаш йўллариини ўргатиш;

- зеҳн ва укувни тарбиялаш;

- мавжуд китобхонлик малакаларини такомиллаштириш.

Кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар доирасида тадқиқ этилар экан, шуни таъкидлаш ўринлики, «ўқув фаолиятининг шаклланиши кичик мактаб ёшига тўғри келади». Амалдаги педагогика ва психологияга доир адабиётларда бошланғич (1-4) синф ўқувчилари кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари деб

ҳисобланади [127,109]. Демак, 6-9 (10) ёшли, яъни 1-4 синф ўқувчилари кичик мактаб ёши даврини ташкил этиши белгиланмоқда. Бундай даврлаштириш бошқа адабиётларда ҳам учрайди. Болалар ўқиши педагогикаси ўқувчиларнинг китобхон сифатида шаклланишини қуйидаги типларга бўлади:

- Китобхон ривожланишининг болалик даври (7-9 ёш);
- Болаликдан ёшликка ўтиш даври (10-11 ёш);
- Ёшлик даври (12-13 ёш);
- Ёшликдан ўсмирликка ўтиш даври (14 ёш) [67,28].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз ўқувчиларни китобхон сифатида тадқиқ этар эканмиз, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (кичик ёшдаги ўқувчилар) атамаси остида китобхон ривожланишининг болалик даври ва болаликдан ёшликка ўтишнинг илк даври хусусиятларини назарда тутамиз.

Ўқиш маданиятини тарбиялаш ўта мураккаб жараён бўлиб, уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, мазкур жараёндаги турли хил ҳолатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Негаки, китоб-кутубхона-китобхон тизимидаги ҳар бир бўғин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўқиш маданиятини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг деярли барчасида мазкур ҳодиса «китоб-китобхон-кутубхона» тизимидан иборат деб қаралади [63;67;82;112;154]. Мазкур жараён «объект-субъект-объект» йўналишларида тадқиқ этилади. А.Умаров фикрича: Шу анъанавий «объект-субъект-объект» тизимида китоб-китобхон, китобхон-кутубхоначи, тажрибали китобхон-тажрибаси кам китобхон муносабатлари тарзида ўрганишга эътибор қаратилмайди [114,34]. Олим «объект-субъект-объект» тизими ўрнига «субъект-субъект-объект» тизими назариясини асослаб берди. Бу тизимда тизим ясовчи муҳим белгилар: мутолаа технологияси, мутолаа даражаси ҳамда мутолаа интенсивлигидир. Мутолаа технологиясининг микдорий жиҳати эса ўқувчининг тез ёки секин ўқишида намоён бўлади [114,35]. Ўқиш тезлиги ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга. В.Н. Зайцев томонидан ўтказилган психологик тадқиқотлар натижасида, ўрта мактабнинг 6-7-синфларига келиб, ўқишдаги фаоллик кескин камайиши аниқланган. Бунга таъсир этувчи асосий омиллардан бири ўқувчи масъулиятининг пасайиши бўлиб, ўз навбатида масъулиятсизликнинг шаклланишига 3-4-синфларда дарсларнинг ўз

вактида ўзлаштирилмаслиги сабаб бўлиб, буни эса турли мураккабликдаги матнларни тез ўқий олмаслиги натижаси экани аниқланган [55,8]. Боланинг матни ўқиш тезлиги ўқилган маълумотларни, ахборотларни қабул қилиш тезлигига ҳам боғлиқ. Бунда китобхоннинг олинган ахборотни таҳлил қилиш тезлиги ва интеллектуал салоҳияти каби шахсий хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. В.Н. Зайцев оптимал ўқиш – сўзлашув нутқи даражасидаги ўқиш эканини таъкидлайди [55,8].

Ўқиш маданиятининг иккинчи тизим ясовчи хусусияти – мутолаа даражаси ҳам мутолаа технологияси билан боғлиқ бўлиб, ўқувчи томонидан маълумотни англаш даражасини билдиради. Бунинг тўртта босқичи бўлиб, булар қуйидагилардир:

Биринчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини англаб, ҳикоя қилинаётган воқеанинг сюжетини ҳамда унинг асосий жиҳатларини эслаб қолади.

Иккинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини ҳамда сюжетни англаб, воқеалар ривожини маълум даражада башорат қила олиш қобилиятини намоён қилади.

Учинчи даражада ўқувчи матнга ва унда ҳикоя қилинаётган воқеага ўзининг мустақил муносабатини билдириб, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олади ҳамда асар эпизодларини таҳлил қила олади.

Тўртинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини тўла англаб, воқеани мустақил таҳлил қила олади. Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини воқеалар мантиғи асосида таҳлил қилиб, синтетик, яъни умумлашма хулосалар чиқара олади [115,24].

Ўқиш маданиятининг энг муҳим тизим ясовчи хусусияти – мутолаа интенсивлигидир. Бунда манбалардан фойдаланиш даврий суръати тушунилади. Мутолаа интенсивлигининг юқори бўлишини таъминловчи омиллар сифатида А.Умаров биринчи ўринга мутолаага, яъни ўқишга ва маълумот олишга қизиқиш даражасининг юқори бўлишига эътибор қаратади. Муаллиф: «бу хусусият шахсда ёшлигидан, мактаб партасидан, ҳатто болалар боғчасидан шаклланади. Демак, жамиятда баркамол шахсларни камол топтиришнинг муҳим жиҳатларидан бири - ўқувчи-ёшларда мутолаага қизиқишни шакллантириш лозим» [114,38] деб ҳисоблайди. Мутолаа интенсивлигининг юқори бўлишини таъминловчи омиллар сифатида:

1) мутолаага ва маълумот олишга кизиқиш даражасининг юкорилиги;

2) мутолаа манбаларининг кизиқарли, мазмунан бой бўлиши;

3) мутолаа манбаларига осон эга бўлишни таъминлаш;

4) бозор иқтисоди талабларига мос равишда турли адабиётлар ва бошқа мутолаа манбаалари рекламасини кенг йўлга қўйиш керак [115, 24-25].

Дарҳақиқат, ўтказилган тадқиқотлар натижаси ҳам кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашда бу омилларнинг асосли эканини тасдиқлади. Ўқишнинг интенсивлиги жамиятда мутолаа маданиятининг даражасига мутаносиб бўлиб, интенсивлик қанчалик юкори бўлса, мутолаа маданияти ҳам шунчалик юкори бўлади. Учинчи омилнинг асосий бўғини иқтисодий омил ҳисобланади. Яъни аҳолининг харид қуввати билан мутолаа манбаларининг баҳоси бир-бирига мутаносиб бўлиши керак. «Фарзандингизга дарсликлардан ташқари китоб харид қиласизми? сўрови бўйича (3-илова) респондентларнинг жавоблари натижалари қуйидагича: Ота-оналарнинг 60% “Ҳа, қўшимча турли хил китоблар олиб бераман”деб жавоб берган бўлсалар, 40% “йўқ” деб жавоб қайтаришган. “Йўқ” деб жавоб қайтарганларнинг натижалари 1.1-жадвалда келтирилган:

1.1-жадвал

«Фарзандингизга дарсликлардан ташқари китоб харид қиласизми? сўрови бўйича респондентларнинг рад жавоблари кўрсаткичлари % ҳисобида

1.	Дарсликлардан ташқари китоб олиб бериш шарт эмас деб ҳисоблайман	43%
2.	Қандай китобларни болага тавсия қилишни билмайман	25%
3.	Иқтисодий жиҳатдан имкониятим йўқ	17,5%
4.	Бошқа турли сабаблар	14,5%

Демак, ўқув адабиётлари мактаб ўқувчисининг ўқув фаолиятида етакчи ўрин тутади, лекин уларнинг билими, илмий салоҳиятини оширишда бадиий ва илмий билим берувчи китоблар муҳим аҳамият касб этади. Демак, китобларни сотиб олиш учун ёки кутубхоналардан фойдаланишга фарзандларини жалб этиш учун

маънавий етуклик ҳамма ота-оналарда ҳам юкори даражада эмас эканки, бу кутубхонларни ўз захираларидаги мавжуд манбалар билан китобхонларга беминнат хизмат кўрсатувчи даргоҳ сифатида мавжуд адабиётлар ва бошқа мутолаа манбаларининг рекламасини йўлга қўйиши, китоб ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш малакаларини фаол тарғиб қилиши зарурлигини аниқлатади.

Китоб, кутубхона ва китобхон ҳар қандай жамият ривожини таъминловчи муҳим бўғинлардир. Шу сабабли ҳам китобнинг ижтимоий ривожланишдаги ўрни [17;18;60;119;120], кутубхонанинг илмий-маърифий аҳамияти тўғрисида кўп фикрлар билдирилган [70;91;103;107;118;123;141;151]. Бунинг ўрниш алломаларимиздан тортиб, замондош олимларимиз томонидан айtilган мулоҳазалар ҳам тасдиқлаб туради. Бундай қарашлар ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб айtilган ҳамда ўз асосига эга бўлган далиллардир. Бироқ шу ўринда китобхонлик масаласини тўлиқ ўрганилган деб бўлмайди. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. Аввало, китобхонлик масаласига ёндашув турли даврларда турлича бўлган. Ҳар бир даврнинг ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб, китобхонлик даражаси белгиланган. Бинобарин, ҳар қандай давлатнинг кучи-қудрати ўз фуқароларининг оқиллиги билан белгиланар экан, бунда, албатта, китобхонлик масаласига алоҳида эътибор берилган. Китобхонлик масаласига мамлакатимиз ҳаётида ҳар доим ҳам муҳим ижтимоий масала сифатида қараб келинган бўлса-да, у ҳозирги кундагидек долзарб аҳамият касб этмаган. Тўғри, шўролар ҳукмронлиги даврида китоб-кутубхона-китобхон тизими бир қадар чуқур ўрганилган бўлса ҳам, у социалистик тузум манфаатидан келиб чиқиб бутунлай мафқуралашган, кўпроқ сиёсий максadларни кўзлаган эди. Кўриниб турибдики, ўзида жуда катта маънавий бойлик - китобларни жамлаган кутубхоналарнинг ижтимоий роли маълум бир тарихий шароитда ёрқин намоён бўлади [75;15]. Шу билан ҳам кутубхоначилик иши алоҳида ўзига хос йўллар билан ривожланмасдан, балки жамият таракқиётининг умумий қонуниятларига бўйсунди.

Бу эса жамиятнинг маънавий, руҳий ва ахлоқий имкониятларини янгилаш зарурати билан боғлиқ кетади. «...кутубхона маҳаллий аҳоли учун билимлар дунёсига очилган дарча бўлиб, узлуксиз таълимнинг, шахснинг ва ижтимоий

гуруҳларнинг мустақил қарор қабул қилиши ва маданий ривожланишининг муҳим асосларидан биридир» [11,192].

Ўзбекистоннинг ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритиши бошқа соҳаларда бўлгани каби кутубхоначилик иши соҳасида ҳам кескин бурилишларни бошлаб берди. Республикамизда маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилди. Жумладан, кутубхона асосий маърифат ўчоғи тарзида фаолият кўрсата бошлади. Кутубхонанинг ижтимоий мавқеи ҳам оша бошлади. Айни пайтда жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, дунё ҳамжамиятида ўз сўзи ва овозига эга бўладиган мутахассисларни тайёрлаш зарурати келиб чиқди. Хуллас, асосий маънавий-маърифий муассаса бўлган кутубхоналарга жамиятнинг, замоннинг ижтимоий талаби кундан-кунга ошиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, китоб -кутубхона - китобхон тизимида китобхон муаммоси, айниқса ёш китобхонни тарбиялаш, унда ўқиш маданиятини шакллантириш масаласи асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Китобсиз, ундан мустақил фойдаланиш йўлини ўрганмасдан туриб, жамият тараққиётини тасаввур этиб бўлмайди. Энг муҳими, «китоб жамият маданиятининг ажралмас бир қисмидир. Инсоният маданияти тараққиётининг энг тўлиқ ва ҳар томонлама ифодаси сифатида китоб кўп асрлар мобайнида шахсни тарбиялашда ва унинг ақлий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ҳосил қилган маданий, илмий ва техникавий билимларини тўплаш воситаси сифатида китоб ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қулдорлик, феодализм, капитализм ва бошқа ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг тайёрланиши ва алмашинувида катта аҳамиятга эга бўлди. Инсон тафаккурининг шаклланишида, эркинликни қўлга киритишда ёзув ва китоб доимо инсоннинг содик иттифоқчилари бўлган» [123,8].

Инсоннинг ақл-заковати ва билимларини сақлаш ва кенг ёйишнинг энг мукаммал курали бўлган китоб шахснинг ҳар томонлама юксалишига ҳамда ижтимоий тараққиётга ёрдам беради [85,3]. Китоб - ўзликни англашда ниҳоятда катта воситадир (4-илова).

Болалар ёзувчиси Х.Тўхтабоев: «боланинг камолоти, бу жамият камолотидир, чунки камолга етган индивидлар охир-оқибат жамият ривожига ва камолотини белгилайди» [146,22], дейди. Бизга маълумки, инсониятнинг маданияти, илмий, ахлокий-фалсафий, бадиий-эстетик тараққиёти унинг фикрлаш маҳсули бўлган китобларда ўз ифодасини топади. Зеро, китоб – инсоният кашфиётлари орасида энг мўъжизаларидан бири бўлиб, у бир авлод анъанасини келгуси авлодга етказувчи ўзига хос восита ҳисобланади. Китоб – инсон ҳаётида ўзининг тарбиявий восита сифатидаги аҳамияти билан муҳим мавқелардан бирини эгаллайди. Лекин китобни ўқиш, унинг тўла маъносига тушуниш, ундан маънавий озуқа олиш, олинган маълумотларни ҳаётга татбиқ этиш доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб қолган ва ҳозир ҳам шундай. Агар масалага чуқурроқ ва объектив тарзда ёндашилса, кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимида кутубхоналарнинг муҳим роль ўйнашини аниқроқ тасаввур этиш мумкин бўлади. Чунки кутубхона – бу инсон тафаккурининг кўп асрлик маҳсули бўлган асарларнинг макони, билим ва тажриба тўпланган маскан, кишиларнинг онгига бевосита таъсир кўрсата оладиган мукаддас даргоҳдир. Аввало, кутубхона фаолияти таълим жараёни билан узвий алоқадордир. Чунки, «таълим - инсоният тажрибасининг маълум томонларини, яъни ўқувчилар ижтимоий тараққиётининг ҳозирги талабларига мувофиқ даражада билим ва тажрибага эга бўлишларини таъминлайдиган фаолиятдир. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади» [98,65]. Тарбия – ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Инсон ер юзидаги энг мукамал зот бўлиши учун аввало тарбияланиши зарур [99,6]. Таълим ўқитиш, ўқиш, ривожланиш мужассам амалга ошириладиган жараёндир. Ўқиш маданиятини тарбиялаш таълим жараёнида амалга ошади. Таълимга нисбатан «педагогик жараён», «ўқув жараёни», «таълим жараёни» иборалари қўлланилади [93,14]. «Педагогик жараён» термини кенг маънода қўлланилиб, таълим-тарбия бирлигини англатади. «Ўқув жараёнида ўқувчиларни маълумотли қилиш, тарбиялаш ва ривожлантириш биргаликда амалга оширилади» [51,22]. Ўқув фаолияти натижасида ўқувчининг ижтимоий ҳаёти учун зарур бўлган билим, кўникма, малакаларни қай даражада эгаллаганлиги аниқланади. Эгалланган билимлар кичик мактаб


ёшидаги ўқувчиларни изчил шакллантириб боришни таъминлайди [48,45].

Ўқув жараёнидаги ўқув юкларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши, ўқитиш ва ўқиш фаолиятларининг уйғунлиги натижасида ўқувчиларда муайян кўникмалар шаклланиб боради. Ўқув билув жараёнида, ўқувчининг умумий ривожланиши учун психологик қулайлик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ўз навбатида, ўқув билув жараёнида ўқувчининг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай педагогик шарт-шароит вужудга келишига имкон беради [93,15]. Турли-туман кўникма ва малакаларнинг шаклланиши таълим жараёнининг муваффақиятли бўлишини таъминлайди. «Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув материалларини пухта ўзлаштиришлари билимларининг мустақкам бўлиши учун қулай педагогик муҳитни вужудга келтиради» [109,28]. Таълим вазиятида мотивлар билим, кўникма, малака, ижодий фаолият тажрибасини эгаллашга йўналтирилганлиги, ўзлаштиришда яхши натижаларга эришишнинг субъектив аҳамияти англанди билан эҳтиёжлардан фарқ қилади [93,45].

Таълим жараёнининг мазмунини ташкил қилувчи билим, кўникма ва малакалар фақатгина синфда ўқитиладиган дарсларда шаклланиб қолмасдан, балки синфдан ташқари ўқишда, аниқроғи кутубхоналарда мустақил тарзда шуғулланиш орқали эгалланади. Бинобарин, мактабдаги предметларнинг ўрганилиши, дарсларнинг ўзлаштирилиши синфдан ташқари ўқишга боғлиқ. Синфдан ташқари ўқишни эса кутубхоналар ўз зиммасига олган бўлиб, уларсиз таълим ва тарбия тўлиқ бўлмайди [69,2]. Кўринадики, кутубхоналар таълим ва тарбия жараёнида муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишга йўналтирилади. Бирок очиқ тан олиш керакки, республикамизда мактаб таълими тизимида ҳам, кутубхоналар фаолиятида ҳам ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича етарлича ишлар амалга оширилмаган. Натижада, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да тўғри таъкидланганидек, «мактабларда ва бошқа ўқув юртларида таълим жараёнининг ўзидаги ва ўқитиш услубиятидаги ҳар хил камчиликлар оқибатида билим беришда юзага келган нодемократик ҳамда жамият учун зарарли муҳит шунга олиб келдики, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ривожланмай қоляпти, оқилона ҳаётий ечимлар қабул қилиш учун етарли тайёргарлик

йўк» [16,37]. Шундай экан, ўз шахсий фикрига эга бўлган, мустақил, дадил кадамлар билан дунё ҳамжамиятига кириб борувчи шахсларни тайёрлашга эҳтиёж ортиб бориши, табиий. Бу жараёнда кутубхоналарнинг жамият олдигаги масъулияти ортиб бораверади.

Ўқиш маданияти ҳақида гап борганда, аввало, унинг шаклланиш манбаларини аниқлаб олиш муҳимдир. Негаки, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг асл моҳиятини англаш учун ўша воқеа-ҳодисани юзага келтирадиган омиллар аниқланиши, табиийдир. Мана шундан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг манбалари, шаклланиш босқичларини ўрганишга ҳаракат қилдик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини шакллантиришнинг муҳим аҳамият касб этадиган бўғинлари оила – мактабгача тарбия муассасалари – мактаб – кутубхонадир.



(1.1-расм)

Ўқиш маданиятини тарбиялаш масаласи ижтимоий, маънавий-маърифий аҳамият касб этгани ҳолда умуммиллий муаммо ҳисобланади. Ўқиш маданиятини тарбиялаш маълум бир давр билан чегараланадиган ҳодиса бўлмасдан, инсоннинг умри бўйи давом этадиган, ҳис этиб борадиган маънавий эҳтиёждир. Ўқувчиларда ўқиш маданиятининг тарбияланиши доимий ва фаол ҳаракатлантирувчи манбалар таъсирида шаклланади.

Бизга маълумки, китобга бўлган эҳтиёж бола ҳаётининг дастлабки йилларида шакллана бошлайди. Бўлажак китобхон ҳаётида аввало оила, сўнг мактабгача тарбия муассасалари ва ниҳоят мактаб ҳал қилувчи ўрин тутади. Демак, ўқиш маданиятини шакллантиришнинг илк, дастлабки асоси бу – оиладир. М. Қуроновиқнинг уқтиришича, «Ўзбек оиласи – миллий дунёқараш манбаидир. Миллий истиклолнинг муваффақияти ҳам

кўп жиҳатдан оиланинг миллий тарбиявий имкониятларини такомиллаштиришига боғлиқдир» [125,29]. Оила аъзоларининг саводхонлик даражаси, уларнинг китобга муносабати бола қалбида китобхонлик асосларининг ривожланишига сабабчи бўлади.

Ўқиш маданиятини инсон умр бўйи ўзлаштириб боради. Лекин унинг асосий қоидаларини, илқ кўникмаларини инсоннинг ёшлиқдан, болалиқда китобни илқ таний бошлаган даврдан ўрганиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ўқиш боланинг маънавий ҳаётига мустақкам кириб бориши учун олдиндан тайёргарлик кўриб бориш зарур: бола биринчи сўзни мустақил равишда ўқишдан олдин, у ҳар куни катта одам – онаси, отаси, бувиси, боғча мураббиясининг мутолаасини тинглаши, яъни бадиий образ гўзаллигини ҳис қилиши керак. Президент И.А.Каримов таъкидича: «Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англаб, ҳис қиладилар» [2,4]. Буюк аллома А.Фитрат ҳам «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» асарида «Фарзандни жисмонан, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариш зарур» деб ҳисоблайди [120,61].

Оиланинг бола тарбиясидаги, унинг шахс сифатида шаклланишидаги аҳамияти хусусида бир қатор рисолалар яратилган бўлиб, уларда шахснинг тарбиявий жараёнида китобнинг, мутолаанинг аҳамияти хусусида фикрлар баён этилган [18;24;60;89;108;120]. Китобхонликни юксалтиришда, ўқиш маданиятини тарбиялашда оиланинг тутган ўрни, вазибалари тўғрисида А.Адаменко, Э.Йўлдошев, М.Раҳимова, М.Маҳмудов каби бир қатор кутубхонашунос олимлар тадқиқотлар олиб борганлар [31;68;86;103]. Педагог олимлар О.Мусурмонова, С.Нишонова, С.Очилов, М.Қуронов, М. Иномова, С.Чинниевалар тадқиқотларида оилада болалар китобхонлиги, шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш масалалари комил инсонни тарбиялашда китобнинг ўрни каби муаммолар билан уйғун ҳолда тадқиқ этилади [61;92;95;96;122;125].

Оила муҳитидаги ўқиш маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айнан оилада боланинг мутолаага қизиқиши шаклланади. Социолог А. Умаров томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, китоб

Ўқишга қизиқувчиларнинг 72,0% ида мутолаага қизиқиш оила муҳитида шаклланган, 17,0% и эса мактабгача оилада ўқишни ўрганган. Ёшларнинг 42,0% ўқиган китобларини оила аъзолари билан муҳокама қилишларини билдирди. Бу эса синфдошлар ва тенгдошлардан кейинги (56,0%) ўринни эгаллайди. Шунингдек, мазкур жараёнларга оила кутубхоналари ҳам таъсир кўрсатади. Зеро, шаҳар ёшларининг 91% и ҳамда қишлоқ ёшларининг 75% и оилавий кутубхонаси мавжудлигини билдирган [114,80].

Шу ўринда оиладаги кутубхонанинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиздир. Ота-оналарнинг саводхонлиги, албатта, болага ўз таъсир кучини кўрсатади. Лекин ҳамма ота-оналар ҳам бу борада тажрибага эга эмаслар [103,9]. Оилада кутубхонанинг мавжудлиги ҳамда унда болаларга мос китобларнинг бўлиши ўқиш маданиятини шакллантиришда катта имкониятдир. Тадқиқот доирасида ўтказилган сўровномалар натижасида «Фарзандингиз кутубхонага аъзоми?» сўровига 37,5% и - аъзо, 33% и -аъзо эмас, 29,5% и- билмадим деб жавоб берганлар.

Ўқиш маданиятини тарбиялашда оиланинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ўз фарзандларида барча ахборот манбаларига бўлган қизиқишни, жумладан, китоб ўқишга, кутубхоналарга бўлган иштиёқни уйғотиш.

2. Мавзу жиҳатидан ранг-баранг, турли-туман манбаларга бой бўлган шахсий оилавий кутубхона ташкил этиш.

3. Оила аъзоларининг ёшига, қизиқишларига, интеллектуал салоҳиятига мос адабиётни танлаб ўқишни ўргатиш.

4. Ўз фарзандларини китоблардан фойдаланиш қоидалари билан таништириб бориш ва бу орқали болалар ўқишини тўғри ташкил этиш, уларнинг бўш вақтларини тақсимлашда фаолликларини ошириш.

Маълумки, инсониятнинг онгли тарихи моддий ва маънавий маданиятлар уйғунлигидан иборат бўлиб, мутолаа ана шу икки маданий жиҳатларга бевосита таъсир кўрсатиб келади. Ўқиш маданияти мустақил таълим тизимини шакллантириш орқали маориф тизими ривожига кўмак берса, маориф тизими ўқиш маданиятини шакллантиришнинг асосий ижро институтларидан бири вазифасини ўтайди. Айнан маориф тизимида ёшларда китоб ва китобхонликка қизиқишни шакллантириш, такомиллаштириш

масалалари педагогик нуктаи назардан амалга ошириб келинди [114,78].

Маълумки, мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим босқичи – умумий ўрта таълимдир. Чунончи, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини тарбиялашда мактаб таълими беқиёс роль ўйнайди. Бунинг ўзига хос объектив сабаблари мавжуд. Биринчидан, мактабда ўқувчи жуда кўп фанлар бўйича билим асосларини эгаллайди. Иккинчидан, айнан шу даврда ўқувчи ҳам физиологик, ҳам психологик томондан ўсиб, ривожланади. «Ихтисослашган таълим инсонга бир соҳа доирасида чекланган билим ва малака беради. Умумий таълим инсонга кенг дунёқарашга эга бўлиш ва ҳаётнинг турли томонини тушуниш имконини беради» [64,12].

Мактаб – ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг асосий маскани бўлиб, ўқувчи-китобхоннинг келажагини ҳал этувчи, ҳар тарафлама ривожланган шахсни шакллантирувчи гўша сифатида жамият ривожига муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам биз мактабда ўқувчиларнинг тасаввурини ривожлантиришимиз, кутатувчилигини ўстиришимиз, ҳис-ҳаяжонини тарбиялашимиз, воқеа-ҳодисаларни чуқур тушунишга одатланишимиз керак. Мана шундагина у ҳақиқий китобхон бўлади [69,139]. Ўқувчилардаги ўқиш маданиятини тарбиялашда, яъни китобхонлик кўникма ва малакаларини шакллантиришда, албатта, мактаб билан кутубхона ҳамкорлигининг даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, кутубхоналарнинг мактаб билан алоқаси узилиб қолган. Ваҳоланки, кутубхона – ўзининг барча воситалари орқали ёш китобхонларнинг ўқиш жараёнига ва шу ўқиш орқали тарбияланишига катта таъсир кўрсатиши, яъни китобга, уни ўқишга қизиқиш уйғотиши, китобхонлар сўроғини шакллантириши, қизиқишини тарбиялаши лозим. Кутубхона мустақил равишда китоб танлашни, шу китобдан билим олиш йўлларини, ўқилган нарсалар ҳақида фикр юритишни ва унга танқидий қарашни, шу билан барча китобларни тартибли равишда ўқишни ўргатади. Кутубхоналар фаолиятига мактабдаги таълим ва тарбия жараёнининг доимо тараққий этиб бориш принципи катта таъсир кўрсатади. Мактабда берилаётган билимлар асосининг чуқурлашуви ва ривожланиши кутубхоналардан ҳам шунга мослашишни талаб қилади. Кутубхонада китобни қандай

Ўқиш, ўқиганини сўзлаб беришгагина ўргатилмасдан, ўқилган материални фикрлаш, чуқур ҳис этиш, уни ўрганиш ва баҳолай олишга ўргатиш зарур. Кутубхонада болаларнинг ёш хусусиятларига қараб, китоб ўқиш сирлари аста-секинлик билан ўргатилади. Шундай қилиб, кутубхонадаги барча иш турлари ва воситалари китобхонни маънавий, эстетик, бадий томондан тарбиялабгина қолмасдан, балки унинг дунёқарашини, меҳнатга, билимга бўлган интилишини шакллантириш, бу фазилатларни ривожлантириш, чин инсон руҳида тарбиялашга ўз ҳиссасини кўпайтириши лозим бўлади.

Болаларга таълим ва тарбия берувчи муассасалар ичида мактаб ва кутубхона ўз фаолиятини китобсиз тасаввур эта олмайди. Ўқувчилар учун турли фанларга оид дарсликлар, хилма-хил мавзуларда бадий адабиёт, илмий билим берувчи китоблар, газета ва журналлар нашр этилади. Буларнинг барчаси кутубхоналарда тартибга солинади, сақланади ва ўқувчиларга тавсия этилади. Бироқ шундай саволлар туғилади: ўқувчилар китобни қандай ўқийдилар? Кутубхонадан, китобдан фойдаланиш йўларини биладиларми? Ҳамма ўқувчилар ҳам китоб мазмунини тушунган ҳолда мутолаа қиладиларми? Ўқилган китобларидан олган билимларини ҳаётда қўллай оладиларми? Бу каби саволлар барчани қизиқтирса керак, албатта. Ўқувчиларнинг китоб ўқиш жараёнини ўрганиш соҳасида олиб борилаётган илмий текшириш ишлари, ўқитувчи ва кутубхоначилар билан ўтказилган савол-жавоблар шунини кўрсатдики, жуда кўпчилик ўқувчилар китобни пала-партиш, тартибсиз ва юзаки ўқир эканлар. Табиийки, ўқиган китобларининг мазмунига, ғоясига тушуна олмаганлиги сабабли ундан ҳеч қандай маънавий озука ола билмайдилар. Бундан ташқари, кўпгина ўқувчилар китобни қаердан ва қандай танлаб олишни билмайдилар, кутубхонанинг маълумот-библиографик аппаратидан фойдаланиш малакасига эга эмаслар. Агар масалага шу жиҳатдан ёндошадиган бўлсак, юқоридаги аҳволга таъсир этадиган қуйидаги салбий омилларни тилга олиш жоиз:

1. Жуда кўп ўқитувчилар ўзлари дарс берадиган предмет бўйича қандай янги, қизиқарли китоблар, библиографик кўрсаткичлар чиқаётгани билан қизиқмайдилар. Бунинг оқибатида мактаб кутубхоналари, мактаблар қошидаги ахборот-ресурс марказларига келиб тушган янги адабиётлар билан ўқитувчининг ўзигина эмас,

балки бунга кўпроқ эҳтиёжи бўлган ўқувчи ҳам танишмай қолади. Бундай беҳабарлик тизимининг узлуксиз давом этиши, ўқувчилар китобхонлик маданиятининг ўсмай қолишидаги асосий омиллардан бири бўлиб қолади.

2. Кўпчилик кутубхоначилар турли фанларга оид илмий билим берувчи китобларни кутубхона коллекторларидан ола билмайдилар ёки кутубхона жамғармасини хилма-хил китоблар билан тўлдиришга аҳамият бермайдилар.

3. Кутубхоналар ўзларида маълумот-библиографик аппаратлари бўлгани ҳолда уни ўқувчилар ўртасида тарғиб қилишга анча бефарқ қарайдилар.

Демак, шундай ҳулоса қилиш мумкинки, ўқувчиларнинг кўпчилиги баъзи ҳолларда китобларни қаердан топиб ўқиш, уларни қандай танлаш кераклигини на ўқитувчидан ва на кутубхоначидан била оладилар. Булардан кўриниб турибдики, бутуннинг энг долзарб вазифаларидан бири ўқувчиларни китоб ва ундан рационал фойдаланишга ўргатиш, оила-мактаб-кутубхона ҳамкорлиги борасида тавсиялар ишлаб чиқиш, кутубхоначилик-библиографик билимлар тарғиботини йўлга қўйишдан иборатдир.

1.2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва унинг ўқиш маданиятининг тарбияланишига таъсири

Болалар ўқишига раҳбарлик қилишда, маънавий баркамол инсонни шакллантиришнинг йўналишларидан бири болаларнинг ўзига хос хусусиятларни, ўқиш психологиясини ўрганишдир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг психологик ҳолатлари ва руҳиятини ўрганишга бағишланган бир қатор изланишлар мавжуд. А.Венгер, Г.Цукерманларнинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар билан олиб борган психологик тадқиқотлари [41], О.Н. Истратова, Т.В. Эксакустоларнинг [62] бошланғич мактаб психологига қўлланмаларида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар руҳий ҳолатларининг тавсифи баён этилган. Манбаларда таъкидланишича, инсоннинг шахс сифатидаги фаолияти ва психикасининг узвий боғлиқлиги муҳим тамойилдир. Л.С. Выготский психика фаолиятсиз, фаолият психикасиз амал қилмайди, деб ҳисоблайди [42,41]. Бир қатор манбаларда кичик

мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятининг психологик таҳлили, таълимнинг психологик асосларини баён қилиш, ўқувчиларнинг психик ривожланишини ёритиш каби қатор ҳодисалар тадқиқ этилган [41;42;48;50;90;94;101;102;127]. Жумладан, Нгуен Ке Хао кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқув фаолиятининг психологик асосларини [94], Э.Ғозиев кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш жараёнлари муаммоларини [127], М.Давлетшин бошланғич таълимнинг психологик омилларини [48] атрофлича ёритиб берган.

О.Лишиннинг педагогик психологияга доир изланишларида тарбиянинг педагогик-психологик асослари, шунингдек, ўқишнинг етакчи фаолият сифатидаги моҳиятига эътибор қаратилган [77].

Ўқиш – мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўзига хос таркибий қисмларга эга. Ана шундай муҳим таркиб ясовчи қисмлардан бири – ўқиш психологиясидир. Ўқиш ва китобхон психологияси, кутуҳоначи ва китобхон муносабатлари психологиясига доир А.Умаровнинг А.Коваленко билан ҳамкорликдаги изланишлари [113], Л.Беленькая [28], М.Губанова [46;47], Н.Щепеткова [154], Л.Понаморева [141] каби олимларнинг изланишлари мавжуд.

Ижтимоий фаолият турлари ичида тадқиқотимиз предмети бўлган ўқиш, яъни кенгрок айтганда мутолаа ҳам ўз ўрни ва ижтимоий аҳамиятига эга. Зеро, ўқув фаолияти орқали қолган барча ижтимоий фаолиятларга йўл очилади. Ўқув фаолияти узок йиллар мобайнида таркиб топади: у илк мактабгача тарбия ёшида, сўнгра бошланғич синфларда шакллана бошлайди. Президент И.Каримовнинг бошланғич таълимга алоҳида эътибор қаратиши бежиз эмас. Бошланғич таълим хусусида фикр юритиб: «Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани қабул қилмайди?.. Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англатишимиз керак?» [2,7] каби саволларнинг кўндаланг кўйилиши табиийдир. Дарҳақиқат, ҳудди шу ўринда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг моҳияти ҳақида фикр юритар эканмиз, психологик ҳолатларнинг китобхонликка таъсири хусусида тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, анатомия ва физиология медицина билан қандай алоқадорликда бўлса, психология билан педагогика ҳудди шундай ўзаро алоқага эгадир [77,130]. Ҳудди шу ўринда кутубхонашуносликнинг педагогика ва психология фанлари билан

алокасини тасаввур этиш мумкин. Китобхон болага максадга мувофик педагогик таъсир ўтказиш шахсининг ёши ва ўзига хос психологик хусусиятларини ҳисобга олишга таянади, умуман, болаларнинг ёш хусусиятларини психология фани ўрганади, лекин кутубхонашунослик унинг хулосаларига таяниб, болаларнинг китоб ўқиш жараёнига уларнинг ёш хусусиятлари қандай таъсир этишини ўрганади, яъни қайси ёшда қандай китобларни ўқиш ва тушуниш мумкинлигини аниқлайди. Педагогик амалиётда педагогик жараённинг моддий, объектив жиҳати доимо руҳий жараёнлар билан қўшилган ҳолда намоён бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. [69,73]. Бир хил ёшдаги болалар ўқишида ўзига хос тафовут бўлади, бироқ болаликнинг ҳар бир даврида ўқишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўқиш сифатининг алоҳида фаоллиги намоён бўлади. Булар қаторида баҳолашнинг маълум мезони; китобхон сўрови ва унинг мазмуни, кенглиги, барқарорлиги; адабиётга мурожаат этишининг сабаблари ва бошқаларни санаш мумкин.

Болалар ўқишининг ижтимоий-психологик тадқиқоти китобхон гуруҳларининг ёшига қараб табақаларга бўлинишини аниқлаш имконини беради. Тадқиқот доирасидаги кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг психологик ҳолатларини, уларнинг ёш хусусиятларини ўрганган ҳолда кутубхоначилик-библиография билимларини шакллантиришга қаратилган, бир қатор илмий адабиётларни келтирдик.

Болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш масаласи таълимда ўқувчи-китобхон макомини, унинг ўқиш фаолият субъектлиги мавқеини алоҳида таҳлил қилишни зарур қилиб қўяди. М.Губанованинг [47,24] кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқиш маданиятини тарбиялашга доир қарашларида кутубхоналарда олиб борадиган тарбиявий жараён боланинг ёш хусусиятларига қараб олиб борилгандагина максадли таъсирга эга бўлишини таъкидлайди. Мавзуга доир адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқиш психологиясида шахс фаоллиги муҳим аҳамиятга эга, «Зеро, ўқувчи шахсининг китобхонлик фаолиятидаги миқдор ва сифат ўзгаришлари кўп жиҳатдан боланинг ўз хатти-ҳаракатлари, интилиш ва қизиқишлари, кунт билан ўқиш-ўрганишига ҳам боғлиқ» [114,85]. Боладаги психологик ҳолатлар моҳиятини, ундаги тарбияга муҳтож элементларни, ўқув-билув фаолияти даражасини

билмасдан китобхонлик қобилиятларини ривожлантириш воситаларини оптимал танлай билиш мумкин эмас. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг ўқув билув фаолияти ўзига хос қатор хусусиятларга эга. Улар ичида ўқув фаолияти болалар учун етакчи фаолият тури ҳисобланади. Ўқув фаолиятининг пойдевори бошланғич синфда қўйилади. Бошланғич мактабнинг янги мазмуни: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг умумий ривожлантириш, таълим-тарбия бериш ишларини такомиллаштириш учун аниқ йўналишлар белгиланган [99,238]. Илм жабҳаларини эгаллашга ҳам илк йўл бошланғич мактабдан бошланади. Болалар ўқув фаолиятининг самарали амал қилиши бошланғич синфларда ҳосил қилинган кўникма, малакаларга ҳам алоқадор. Мактабгача тарбия даврида, яъни биринчи синфга келишидан аввал ўйин етакчи фаолият бўлса, мактабда ўқиш етакчи фаолиятга айланади. Э.Ғозиевнинг фикрича, мазкур таълим жараёнида улардаги билим кўлами кенгайди, билишга кизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, маҳсулдорлиги ортади, ақлий имкониятни ишга солиш вужудга келади, ўқув фанларига ижобий муносабат, қатъий шуғулланиш нияти, жамоатчилик олдида масъулиятни ҳис қилиш, билим олишнинг ижтимоий аҳамиятини англаш туйғулари таркиб топади [127,115]. Шундай экан, айнан бошланғич синфлардан ўқувчиларни кутубхонадан фойдаланиш қоидалари билан таништириш, китоб ва ундан рационал фойдаланиш малакаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бўлғуси китобхон шахс ривожланишига оид болалик даврининг илк босқичи 6-7 ёшни ташкил этади. Боланинг китобхон сифатида ўсишида мустақил ўқишга ўтиш жуда қийин босқич ҳисобланади. Мустақил ўқишнинг дастлабки даврида боланинг ақлий фаолияти ўқиш техникаси билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгишга қаратилган бўлади. Бу ўқилган нарсани тўлақонли идрок этиш ва тушунишга тўсқинлик қилади. Биринчи синф ўқувчиси ўқиш техникасини яхши эгалламаган ҳолда у «китобхон» эмас, балки «тингловчи» сифатида кўпроқ китобдаги расмларни кўриб чиқишга ошиқади. Ўқув йилининг ўрталарида келиб у «саводли» бўлиб, кутубхонага аъзо бўлгани келади. Мустақил ўқишнинг бошланиши – ёш китобхоннинг ҳаётидаги

муҳим боскичдир. Бола «тингловчи»дан «китобхон»ликка ўсиб ўтаётганида, дастлаб китобга нисбатан изчиллик, иштиёқ, маълум тарзда бир оз йўқолгандек бўлади. Бирок мустақил ўқиш жараёнида пайдо бўладиган идрок этишдаги қийинчилик аста-секин йўқола боради ва ўқиш маҳоратининг оша бориши натижасида бу карама-каршилиқ барҳам топа бошлайди.

6-7 ёшдаги болаларнинг ўқишига раҳбарлик қилишда кутубхоначининг олдида турган вазифалардан бири – китобга бўлган кизиқишни барқарор қилиш ва ўқиш жараёнидаги қийинчиликларни енгиллаштириш тарбиялашдан иборат. Биринчи синф ўқувчиларини кутубхонага аъзо қила туриб, уларнинг китобни қандай ўқиётганлигини текшириб бориш кутубхоначи томонидан амалга ошириладиган ниҳоятда муҳим педагогик актдир. Бу эса қандай китобларни мустақил ўқишга тавсия қилиш, қай бирини эса бевосита катталар (ота-оналар, кутубхоначилар)нинг ўқиб беришини, тинглаш орқали танишиши лозимлигини аниқлатади. Баъзан шундай ҳолатлар юз берадики, ота-оналар ўз фарзандларига мактабгача ёшларида жуда кўп китоблар ўқиб берадилар, лекин бола мактаб ўқувчиси бўлиб, ўзи мустақил равишда ўқий бошлаганда улар бу нарсага аҳамият бермай қўядилар. Ҳали таъкидлаб ўтилганидек, ўқиш техникасини яхши, мукамал эгалламагани сабабли, бола китобни ўқиса унинг мазмунига эътибор бермай, фақат ўқишга берилиб кетиши мумкин ёки умуман китоб ўқимай қўйиши мумкин. Ўқиш малакасининг камлиги болага янги, мураккаброқ адабиётлар билан танишиш имкониятини бермайди, оддийроқлари эса унинг маълум қадар ўсган маънавий эҳтиёжларини қондирмайди. Худди шунинг учун ҳам ота-оналар кичик мактаб ёшидаги фарзандларига доимо кизиқарли китоблар ўқиб беришлари зарур.

Тинглаш ҳам санъатдир. К.А.Ушинский: «болаларни фақат ўқишга эмас, балки диққат билан тинглашга ўргатиш лозим» деб таъкидлаган. Ёшлиқдан китобни кам тинглаган болалар диққатларини бир жойга тўплаб, тинглаш маҳоратидан йироқлар, бундай болаларга мактабда ўқиш бир оз қийин кечади. Бу ёшдаги китобхонлар диққатининг ҳам ўзига хос томонларидан бири шундаки, уларда ихтиёрий диққатдан, беихтиёр диққат устун келади. Бу диққатсизлик китобни юзаки ўқишда намоён бўлади. Уларнинг диққатларини бўлмасликни, маълум бир нарсага

этиборни қаратишини, субутлигини ошириш мақсадида кутубхоначилар жуда кўп уринишларига тўғри келади. Бу уринишлар яхши самара берганда, аввало китобхонликдаги юзаки ўқишга аста-секин барҳам берилади.

Кичик ёшдаги китобхонларнинг яна бир характерли хусусиятлари шундаки, улар китобдаги воқеа ва ҳодисаларни чуқур бир ички ҳаяжон билан қабул қиладилар. Улар шундай кучли ҳамдард бўладиларки, китобни ўқиётган ёки эшитаётган вақтларида тинч ўтира олмайдилар. Ҳар хил килиқлар қиладилар, каттик куладилар ёки хафа бўладилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос, алоҳида жиҳатларидан бири – бу улар хотирасининг кучлигидир. Болаларда бу ёшда ўқиган нарсаларини сўзма-сўз эслаб қолиш қобиляти мавжуд бўлади. Китобдаги энг асосий ғояни тушунмаган ҳолда ҳам сўз бойлигига эга бўлмагани сабаб, ёш китобхон ўқиган китобни сўзма-сўз эслаб қолган ҳолда айтиб бера олади. Учинчи синфларга борганда эса бу ҳол камая бориб, аста-секин ўқиган нарсаларининг мазмунига тушуниб, ўз тилларида сўзлаб бера олиш малакаси шакллана боради. 7-8 ёшдан бошлаб, ўқиш боланинг етакчи фаолиятига айланиб қолади. Бу ёшда ҳаётни ўзлаштириш ўзига хос тарзда – ўраб олган муҳитдаги ҳар хил нарса ва ҳодисалар ҳақидаги таассуротларининг йиғилиши, билиб олиш, эслаб қолиш шаклида намоён бўлади. Болаларнинг билимга оид сўровлари кенг, аммо шунга қарамай юзаки, беқарор бўлади. Кичик китобхонга янгиликни билиб олиш қувонч бағишлайди. «Болаликнинг бу даврини баъзан «дастлабки билимларни тўплаш» даври деб ҳам аташ мумкин» [67,34]. Энг муҳими, бу даврда болада бадиий дид, сўз маданияти, умуман дунёни англашга ёрдам берадиган хусусиятлар тўпланиши муҳим.

Бола уйда ёки мактабда китобни тинглайди, ундаги қизиқарли расмларни томоша қилади ва болада китобга нисбатан асосан ҳаяжонли, рухий таассурот қолади. Унинг ёдида китобни тинглаш жараёнидаги ҳис-ҳаяжон сақланиб қолади. Бола китобни тинглаётганда ҳайратлангани, хафа бўлгани ёки қулгани – бу унинг китобдан олган таассуротларидир. Кичик ёшдаги китобхонга кизиқиш уйғотган биринчи китоб, кўпинча албатта қувнок китобча бўлади. У кутубхонага келганда : «кўрқинчли», «кулгили» ёки «сеҳрли» китобларни беришларини сўрайди. Кейинчалик эса

китобхонлик тажрибаси ортган сари маълум бир жанрдаги китобни сўрайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг китоб танлашида китобнинг ташки кўриниши катта аҳамиятга эга. Уларни кўпроқ катта форматли, иллюстрацияли китоблар кизиктиради. Шунингдек, болаларнинг китоб танлашларида, ота-оналарнинг, ака ва опаларнинг, ўртоқларининг тавсиялари ҳам муҳим ўрин тутади. Худди шунинг учун ҳам китоб танлашнинг асосий лаҳзасида кутубхоначининг тавсияси ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Айнан шу ёшда кутубхонадан олиб ўқилган китобларнинг таъсири боладаги китобхонликнинг ривожланишида пойдевор вазифасини ўтайди. Бу ёшдаги болалар ўзларига ёқиб қолган китобни қайта, такрор ўқиб беришларини сўрайдилар. Ўзлари ўқишни тўлиқ ўрганиб олганларида эса ўзлари ёқтирган китобчани яна қайтадан ўқиб чиқишларини кузатиш мумкин. Сабаби, уларга ўзлари учун таниш бўлган матнни қайта ўқиб чиқиш завқ бағишлайди.

Биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари учун китобни шундайлигича қабул қилиш характерли хусусиятдир. Болалар асарнинг мазмунини ҳаётий факт сифатида қабул қиладилар. Муаллифнинг ролини тушунмаслик, унга нисбатан кизикишнинг йўқлиги, муаллиф исми-шарифини баъзи ҳолларда эслаб қолмасликларини шу ҳолат билан тушунтириш мумкин. Кутубхоначининг болалар билан шу соҳада олиб борадиган ишлари (кутубхоначининг ижодкор тўғрисидаги хикоялари; унинг портрети билан болаларни таништириши; кутубхоналарда ёзувчи ва шоирлар билан бўладиган учрашувлар ва ҳоказо) туфайли ўзлари севиб қолган китобларнинг муаллифларига бўлган кизикишини шакллантириш мумкин. Ўзининг китобга бўлган кизикишини биринчи синф ўқувчиси кўпинча бир сўз «ёқди» ёки «ёқмади» билан ифодалайди, асар қаҳрамонларини эса «яхши» ва «ёмон»га ажратади. Биринчи синф ўқувчилари билан И.А.Криловнинг А.Чулпон таржимасидаги “Бўри билан кўзичок” масалини ўқиганимизда болалар бутун вужудлари билан таъсирланиб кўзичокка жуда ачинадилар, бўрига эса нафрат кўзи билан қарайдилар, лекин сўз бойлиги камлиги туфайли улар ўз таассуротлари ва ички кечинмаларини фақатгина содда тил билан:

«кўзичок яхши, у жудаям кичкина, хеч кимни хафа қилмайди, бўри эса ёмон, у кўзичокни емокчи», - тарзида баҳо берадилар.

Айнан шу ёшда китобхонларнинг индивидуал томонлари намоён бўла бошлайди. Баъзи ўқувчилар китобга бўлган катта қизиқишлари туфайли кутубхонага мунтазам катнайдилар, баъзи бирларини эса кутубхонага, китобга қизиқтириш учун қўшимча ишлар олиб бориш керак бўлади. Кутубхоначининг болалар билан ўтказган алоҳида, якка тартибдаги суҳбатларидан сўнг ҳатто биринчи синф ўқувчиси ҳам баъзида ўқиган китобчаси тўғрисида мулоҳаза юрита бошлайди ёки бошқа бир ўқувчи учинчи синфга борганида ҳам мустақил фикрлай олмаслиги мумкин. Бу болаларнинг индивидуал хусусиятларидан, имконият ва қобилиятларидан, у билан қандай шуғулланилганлигидан дарак беради.

Л.Беленькаянинг фикрича, боланинг эмоционал муҳити руҳиятининг фаол ҳолда намоён бўлиши ва янада мураккаб ҳиссиёт ҳамда кечинмаларнинг пайдо бўлиши билан бошланади. Кичик ёшдаги ўқувчининг фикрлаши аниқ ва образлилиги билан ажралиб туради. К.Д.Ушинскийнинг куйидаги машҳур сўзлари билан айтганда, «бола тасвир, ранг, товуш, умуман ҳис қилиш туйғулари орқали фикрлайди». Бу ёшдаги болалар умумлашмага кодирмилар? Бу савол муҳимдир. Саккиз ёшли бола ўқиш, билим олиш жараёнида тушуниб, фикрлаш қобилиятига эга бўла бошлайди. Психологларнинг фикрича, бола ҳаётининг тўққизинчи йилида ундаги аналитик фаолият, ақлий таҳлил намоён бўлади. Мия фаолиятининг биринчи қадами бўлган таҳлил тушунчага эмас, балки тасаввурга асосланади. Тасаввур қилиш, айнинкса, кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг фикрлашида катта ўрин тутди. Боланинг тасавури ҳар доим ҳиссий бўёқларга бой бўлади. 8 – 9 ёшли болалар умумлаштиришга кодирлар, лекин улар ҳали бутун асарни, тўлалигича эмас, балки ундаги аниқ алоқаларни яхлит умумлаштирадилар. Бола аниқ образ, аниқ вазият ёки ҳолатни умумлаштиради. Умумлаштиришнинг аниқлилиги – болалар руҳиятининг алоҳида хусусиятидир [28,56]. Бу хусусият шу ёшдаги болалар учун хос бўлиб, адабий асарни қабул қилишнинг ҳиссий-эмоционал муҳитини белгилайди. Адабий асар фараз қилиш негизида қабул қилинади. Психологлар фараз қилишни икки турга ажратишади: тасаввур қилиш ва ижодий фантазия. Сўзма-сўз

тасвирлар орқали образларни тасаввур қилиш, ўқиётган нарсани «эшитиш» ва «кўриш» - бадий асарни қабул қилишнинг ўзига хос муҳим шартларидир. Адабий асарда предмет ёки ҳодисанинг сўзмас-сўз тасвири бўлмаслиги ҳам мумкин, лекин китоб ўқиш орқали уйғонган хиссий кайфият, фикрлар таъсирида конкрет образ китобхоннинг кўз ўнгида гавдаланади. Шунинг учун адабий асарни тўлиқ қабул қилишнинг омили сифатида ижодий тасаввур қилиш, яхлиғ фантазия муҳим ўрин тутади.

Олти-тўққиз ёшли болаларнинг фараз, тасаввур қилиши нимаси билан фарқ қилади? Бу ёшдаги болаларда, маълум бир ҳаётий тажриба асосида тасаввур қилиш аниқлашади, фантазия эса ўз мазмунига кўра чуқурлашади. Китоб ўқиётган боланинг хиссиёти унинг тасаввур қилиши, фараз қилишини белгилайди. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тасаввури унинг ташқи фаолиятида ўйин билан боғлиқ бўлади, етти ёшга келиб тасаввур қилиш боланинг ташқи фаолиятдан мустақил равишда ривожланади. Кичик мактабгача тарбия ёшидаги бола ҳикоя, эртакни эшитар экан, қаҳрамонга «кўмаклашади», кичик ёшдаги ўқувчи қаҳрамон билан бирга «иштирок» этади. Бу иштирок унинг ташқи фаолиятида намоён бўлади. А.В.Запорожец ўзининг «Психология восприятия ребенком дошкольником литературного произведения» асарида куйидаги жуда қизиқ эпизодни келтирган: 5 ёшли қизча расмда тасвирланган «Занжирбанд Прометей»нинг занжирларини тирноқлари билан тирнаб ташлаган ва шу йўсинда Прометейни озод қилмоқчи бўлганлигини айтган. Қаҳрамонга нисбатан ачиниш туйғуси билан таъсирланган бола амалий равишда таъсир кўрсатмоқчи бўлади.

Саккиз-тўққиз ёшли болалар адабий асардаги воқеа-ҳодисаларни ҳаётий реаллик сифатида қабул қиладилар. Бу ёшда болаларнинг ҳис-туйғуси кўтаринкилигида маълум ўзгаришлар рўй беради: ҳис қилиш, қайғуриш мураккаблашади ва ортади. Кичик китобхон энди ўз ҳис-туйғусини қайд этиб, ўйлай олади, бу эса бадий адабиётга нисбатан анча чуқур муносабатда бўлиш имконини яратади. Бу ёшнинг психологик хусусиятлари адабий асарни тўлиқ қабул қилишга қулай, узоқ замин тайёрлайди. Ҳар бир боланинг шахсини белгилайдиган психологик хусусияти турли ёшда адабиётни қабул қилишнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади.

Профессор Э.Йўлдошев таъкидлашича, боланинг эстетик қабул қилишини ўсмир ёки катта одамнинг «ривожланмаган» қабул қилиши сифатида кўриш ярамайди. Бу ўзига хос бўлган китоб, адабиёт томонидан уйғотилган баҳолар, муносабатлар, кечинмалар дунёсидир. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг адабий асарни қабул қилишига онд ўзига хос томонлар ўрганиб чиқилгандагина, уларнинг китобни эстетик қабул қилишдаги ўлчамлари қандай, қай йўналишда, қайси йўллар орқали уни ривожлантириш ва шакллантириш мумкинлиги ойдинлашади.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиси адабий асарни қандай қабул қилади? Бола адабий асарни эстетик тарзда қабул қилишга қодирми? Ёки адабий асар болага фақат ўзининг мазмуни, ахлоқий-маънавий хусусиятлари, адабий хулосалари билан таъсир этадими?

Кўпгина ўқитувчи ва кутубхоначиларнинг фикрича, кичик китобхонлар китобга эстетик муносабатда бўлсалар ҳам, уларнинг эстетик кечинмалари асарнинг бадиий хусусиятларига эмас, балки асарнинг мазмунига нисбатандир. Бу қараш албатта нотўғридир. Айтайлақ, олти-етти ёшли болада асарнинг эстетик жиҳатларига муносабат сифатида асарни тинглаш жараёнидаги ташқи реакциялари мимика, жилмайиш, кулги тарзида намоён бўлса, саккиз-тўққиз ёшли болалар эса улар билан суҳбат қурганда асарнинг бадиий сифатларини ажратиб, нима учун ёққанлигини таърифлай оладилар.

Маълумки, кичик китобхонлар кулгини, қизик китобларни ёқтирадилар. «Жуда ҳам кулгили» деган сўзлар бу ёшдаги болаларнинг қизик асарга берган энг баланд баҳоляридир. Китобда энг эсда қолган, таъсирланган нарсаларни ҳикоя қилаётиб, болалар асарнинг асосий қаҳрамонини ҳатто эсга ҳам олмасликлари мумкин. Бундай ҳолларда кутубхоначи ёки ўқитувчи болага китобдаги асосий ғояни тушунишига ёрдам бериши керак.

Болалар адабий қаҳрамонларга реалликда мавжуд ҳодиса сифатида муносабатда бўладилар. Улар ўзларига ёқиб қолган қаҳрамоннинг ҳаётда ҳам бўлишини жуда-жуда хоҳлайдилар. Бу ёшдаги болаларнинг энг севимли жанри саргузашт асарлардир. Тоза ҳолдаги эртақ эмас, балки адабий эртақ, яъни тасодифий ва ғаройиб воқеаларни синтезлаш, бошқа бадиий воситалар билан боғлаб, маънавий таранг сюжет, фантастик лавҳалар, афсонавий шароитни юзага келтирувчи воқеалар тизмасидан иборат асар

болалар дунёкарашига мосдир. Болалар ҳаётга мутафаккир нуктаи назари билан эмас, балки ошиқона бокади, табиатни тадқиқ этмайди, балки уни севади, унга мафтун бўлади. Бола табиатга маъсумона нигоҳ ташлар экан, унинг мурғак қалбида беҳисоб саволлар пайдо бўлади, ана шу саволларга жавоб излайди. Унинг кўксига завқ-шавқ уйғотган ажиб бир сурур мавж уради. Мана шу сурурни кўтариброқ, жонлантириброқ, яъни ҳаётийликдан узоқроқ, ҳаёлийроқ, мўъжизавийроқ қилиб тасвирланишини истайди. «Буни ҳисобга олган ёзувчи ёки шоир, - Матёқуб Қўшжонов айтганидек, - ҳаётда учраб турадиган оддийгина буюмларга «жон» ато этиши, «тилга киритиши» ва уни ҳаракатда кўрсатиши лозим. Чунончи, темир-терсақлар дириг-дириг ўйин тушинишлари, парта, сандал, тугмача ва китоблар суҳбат қуришлари, ҳарфлар аразлаб кетиб қолишлари мумкин» [36,96]. Психолог Э.Ғозиевнинг фикрича, ўқиш давомида турмуш тажрибасида тўпланган таассуротларни қайта тиклаш, янги белгилар билан бойитиш, уларни ўзаро бирлашган ҳолатга келтириш, янги образлар ижодий изланишнинг энг муҳим омили - ижодий ҳаёлни такомиллаштиради [127,122].

Ижодий ҳаёлнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳосил қилинган тасаввурнинг яққоллиги, мантиқий қонунларга узвий боғлиқлиги, ғайритабиий, ажойиб-ғаройиб истаклардан узоқлигидир. Шунинг учун ўқувчи ҳаёлида турмушга, воқеликка зид келмайдиган тасвирлар, тинсоллар кўлами тобора кенгайди. Бу эса ўқувчида ҳодисаларни танқидий баҳолаш кўникмаси пайдо бўлганини билдиради.

Демак, ёш китобхонда ижодий ҳаёлнинг пайдо бўлиши, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга танқидий кўз билан қараш кўникмасининг юзага келиши ижобий ҳолат деб баҳоланиши лозим. Бу эса ижодкорликка, янгиликка интилишга ундайди. Айни пайтда бошланғич синф ўқувчиларида реал ҳаёт ва ҳаёлий тасаввурлар бир-бири билан бирлашиб кетиши ҳам мумкин. Айниқса, 1-2 синф ўқувчиларидаги ишонувчанлик, бадий образ тўғрисида маълумотнинг етишмаслиги ҳам ижодий ҳаёлга кенг ўрин очиб беради. Чунки, «кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ҳаёлининг хусусиятларидан яна бири ҳаётий воқелик билан фантазиянинг ўзаро аралашиб кетишидир. Маълумки, ўқувчи яққол воқелик ёки ҳодисани ўзи яратган қўшимча образлар, тафсилотлар билан бойитиб бошқаларнинг диққат-эътиборига узатади. Бу унинг

ёлгончилиги эмас, балки хаёлининг хусусиятидир. Айрим болалар хақиқат билан фантазиянинг аралаш ҳолатига чиндан ҳам ишонадилар, бунда соддадиллик билан ишонувчанлик узвий боғланиб кетган бўлади» [127,123].

Л. Беленькая фикрича, саккиз-тўккиз ёшли болалар улар билан бу соҳада олиб борилган педагогик таъсирдан сўнг, китобни эстетик қабул қилишнинг энг юкори даражасига эришишлари мумкин [28,16]. Бу борада кутубхоналар болага жуда катта таъсир ўтказиш имкониятига эга. Худди шу имконият кутубхоначига китоб билан китобхон ўртасида бўладиган мулоқотда воситачи бўлишга замин тайёрлайди. Ўқитувчи дарсда ҳар бир ўқувчи асарни қандай ҳис қилганини сезмайди, чунки у синфда бутун коллектив билан ишлайди. Кутубхоначи эса ҳар бир китобхоннинг кайфияти, фикри, ҳиссиётларининг хилма-хиллигини ҳис қила олади. Боланинг ўқишини систематик равишда кузатиб бориш: ўқув залида китобни ўқиётган вақтидаги китобга бўлган реакцияси, китобни қандай эшитиш, ўқилган китоби тўғрисидаги ўртоғига гапириб, сўзлаб бериши, - буларнинг барчаси кутубхоначига китобхон тўғрисида жуда кўп нарсани билиб олишга имкон беради. Кутубхоначи болага китоб ўқиш давомида юзага келувчи ҳиссиёт ва фикрларни чуқурлаштириб, ойдинлаштиришга ёрдам беради. Болалар ўқишига раҳбарлик қилувчи инсон, яъни кутубхоначи – китоб билан китобхон ва китобхон билан ёзувчи ўртасидаги воситачидир.

Кутубхона шароити кутубхоначига ёш китобхонни тарбиялашда катта имконият беради. Кутубхоначи ёш китобхонлар билан ишлашнинг барча шакл ва усулларидан ижодий ёндашиб иш кўргандагина, бу имкониятлар амалга ошиши мумкин.

Санъатшунос И.А. Дмитриева ўзининг «Изображение и слово» китобида шундай дейди: «Болалар китобида кўргазмали бўлмаган ва конкрет бўлмаган образларнинг бўлиши керак эмас. Лекин болалар китобнинг чин, асл бадиий образи, катталар китоби сингари, ўзида маънодор таъсирчанликнинг улкан зарядини мужассамлантирмоғи керак» [53,96].

Зеро, кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг адабий ўқишига раҳбарлик қилиш:

- ҳар бир китобхонга индивидуал, яқка тартибда ёндашишни;

- ўқув дастури материалларини яхши билишни;
- ҳар бир ёш китобхоннинг ўзига хос қизиқиши, сўроқлари, лаёқатини илғай билишни тақозо этади.

Ёш китобхонларда ўқиш малакаси ва ўқиган нарсасини идрок эта билиш кўникмалари турлича бўлади. Буни шундай тушунтириш мумкинки, ўқиш, яъни мутолаа қилиш – чуқур шахсий жараён ҳисобланади, бу жараён ҳар бир ўқувчининг руҳий ўсишига, унинг қизиқишларига, қобилиятига, имкониятига боғлиқдир. Шунинг учун табиийки, бир хил китоб турли китобхон томонидан ўзига хос тарзда қабул қилиниши мумкин. Шунинг учун кутубхоначи китобхоннинг энг яхши суҳбатдоши, маслаҳатгўйи бўлиши керак. Абонемент ва ўқув залларида китоб алмаштириш вақтида

- китобхон китобнинг мазмунига тушундимиз;
- асар қаҳрамонлари эсидами, қайси қаҳрамон унга кўпроқ ёқди;
- китобхон китобдан ўзига қандай маънавий озука олганини билишга ҳаракат қилади. Бу китобхоннинг тушунчалари, кутубхоначи томонидан унга кейинги китобни тавсия этишига замин тайёрлайди. Чунки кутубхоначи, айнан, боланинг тушуниш имконияти даражасидаги китобни ўқишга тавсия этади. Худди шу вақтнинг ўзида болага китобни мустақил танлашига ҳам имкон бериш керак. 3-4-синфда ўқийдиган китобхонларни эса очик фонддан китоб танлай билишга ўргатиб бориш мақсадга мувофиқдир. Шунини доимо эсда тутиш лозимки, ёш китобхоннинг илк бор кутубхонага келиши ва кутубхонага аъзо бўлиши китобхон учун унутилмас дақиқадир. У ўз ўртоқлари билан кутубхонага аъзо бўлар экан, нафақат кутубхона, унинг қонун ва қоидалари билан танишади, балки энг асосийси мустақил китобхонга айланади. Яъни аъзо бўлиш вақтида у билан шахсан мулоқотда бўладилар, ўзи ёқтириб қолган китобни сўраши мумкин, олган китоблари учун ўзи жавоб беради ва кутубхонанинг қоидаларига амал қилади. Демак, у ўзини алоҳида ва мустақил шахс сифатида ҳис эта бошлайди. Ёш китобхоннинг кутубхоначи билан биринчи учрашуви катта аҳамиятга эга: суҳбатни шундай тарзда уюштириш керакки, болада кутубхонадаги илк бор ташрифи ёрқин таассурат қолдириши ва кутубхонанинг доимий қатновчиси бўлиб қолиш истаги туғилиш лозим. Суҳбат давомида кутубхоначи турли хил китобларни

кўрсатади ва ҳикоя қилиб беради. Кўпинча 1-2-синф ўқувчиларини болалар кутубхоналарига экскурсияга олиб борадилар. Бундай экскурсиялар давомида кутубхоначига факат болалар билан эмас, балки ўқитувчилар билан ҳам суҳбатлашиш имконияти туғилади. Агар кутубхонага аъзо бўлиш учун гуруҳ йиғилган бўлса, суҳбатни ялпи тарзда олиб борса бўлади. Кутубхонадан фойдаланиш қодаларини тушунтиришдан ташқари, кутубхоначи қизиқарли эртак ёки ҳикоя ўқиб бериши ва ўқилган асар устида суҳбат ўтказиши мумкин. Бундай суҳбат учун 20-30 минут вақт ажратилади.

Баъзи ота-оналар ўз фарзандлари бўлган 1-2-синф ўқувчиларини кутубхонага аъзо қиладилар. Бу кутубхоначига ўқувчи-китобхон оиласи билан муносабатга киришиб, ота-оналарни болалар ўқишига раҳбарлик қилишига жалб қилиш имкониятини яратади. Лекин ёш китобхонга китобларни доимий равишда ота-оналаригина танлаб беришига йўл қўйиш керак эмас, бу билан боланинг китоб танлашдаги мустақиллигини бўғиб қўйиш мумкин.

Кутубхонага аъзо қилиш вақтидаги суҳбат асосида ёш китобхоннинг мактабда ўтиладиган предметларга ва ўқишга бўлган муносабатини аниқлаш мумкин. Худди шу суҳбатдан кутубхоначи боланинг яна қаерлардан китоб олиб ўқиш имконияти борлиги тўғрисидаги маълумотни ҳам олади. Бу қўшимча маълумотлар китобхон формулярига ёзилади ва кутубхоначига боланинг ўқиш жараёнини ўрганишда ёрдам беради. Айниқса, болани кутубхоначи билан у томондан аввал ўқилган ёки эшитган китоблар ҳақидаги суҳбат яқинлаштиради. 1-2-синфлар ўқувчиларини кутубхонага аъзо қилаётган кутубхоначи уларнинг ўқиш техникасини қандай эгаллаганини албатта текшириб кўриши керак. Бу унга мустақил ўқиш учун китоб танлаб беришда катта аҳамиятга эга. Шу билан бир вақтда кичик ёшдаги ўқувчи нимани ва қандай қилиб ўқиётгани тўғрисида кутубхоначи ахборот ола бошлайди. Кутубхонага аъзо қилиш вақтидаги суҳбат боладаги китобхонлик фаолиятининг бошланишда катта роль ўйнайди. Суҳбат давомида кутубхоначи ўқувчидан қандай китоблар ўқиганини, нималар унга ёкишини, уйда қандай китоблар борлигини, мактабда қайси фанларни яхши кўришини ҳам билиб олади. Кутубхоначи китобхонни кутубхона қодалари билан таништиради. Шу билан биргаликда бу ердаги ҳар хил қизиқарли китоблар, китоб кўرғазмалари, расмли

кارتотекалар билан таништиради, бир сўз билан айтганда, кутубхонага қизиқтиришга ҳаракат қилади. I-синфдаги китобхонлар кўпинча бегона киши олдида уялиб, гапиришга ийманадилар. Бола билан суҳбат бошлаганда уни чўзиб ҳар хил қийнайдиган саволлар берилса бола зерикади ва ҳадиксирайди, шунинг учун саволлар қисқа, лўнда ва кизиқарли бўлиши билан бирга, болада кўпроқ гапиришга имкон яратадиган бўлиши керак.

Кутубхоначининг индивидуал равишда ўқишга раҳбарлик қилиши учун бола ўқиб чиққан китоблар тўғрисида аниқ фикрга эга бўлиши керак. Ўқувчи қандай китобларни ўқиб чиқди, унинг ўқиши қандай ўзгаряпти, ўқиганларини қандай қабул қилаётганини ҳисобга олиш лозим. Китобхон формуляридаги кузатув ёзувлари, боланинг ўқишга бўлган муносабати қандай ўсаётганини, унинг ўқишида қандай ютуқ ва камчиликлар борлигини кўрсатади.

Айтиб ўтганимиздек, мутолаа қилиш бу китобхон шахсининг ривожланишига боғлиқ бўлган чуқур хусусий жараёнدير. Китоб алмаштириш пайтида кутубхоначи ёш китобхон учун адабиёт тавсия этар экан, у, албатта, боланинг шахсий қизиқиш ва имкониятларини ҳисобга олмоғи ва худди шунингдек, тегишли таълим босқичига хос ўқув дастурини билган ҳолда китоб тавсия этмоғи лозим. Кутубхоначи болалар қизиқишининг хилма-хиллигини ҳам назарда тутмоғи даркор: баъзи болалар эртақларга қизикадилар, баъзилари фақат ҳайвонлар ҳақида ёки фақат машиналар тўғрисида ўқишни ёқтиради. Кутубхоначи китобхон билан учрашувга тайёрланаётиб, тавсия қилиш учун керакли китобларни танлайди. Бунда кутубхоначи болалар томонидан бериладиган саволларни ҳам олдиндан ҳисобга олади. Мактаб дастуридаги у ёки бу мавзу болаларда қизиқиш уйғотиб, болаларда шу саволларга жавоб берувчи манбаларни топиш истаги туғилади. 8-9 ёшли болалар ижтимоий-сиёсий ҳаётга, тарихий китобларга, эртақлар ва афсоналарга, шеърлар ёзилган хилма-хил мавзудаги китоб ва вақтли матбуот асарларига қизикадилар. Тадқиқот доирасидаги кузатишлардан шундай хулосага келиндикки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари тез-тез ўзгариб туради.

Китоб тўплаётиб, кутубхоначи боланинг кундалик ижтимоий-шахсий талабига жавоб бериши ва бир вақтда “Олтин фонд” ҳисобланган китобларни танлаши, шу китобларни ҳар бир боланинг

ўкиб чиқишига ҳаракат қилиши керак. Масалан, кутубхоначи 8-9 ёшли болаларга эртақлар танлаётиб, ўзбек халқ эртақлари билан бир қаторда бошқа жаҳон халқлари эртақларининг яхши тўпламларини эздан чиқармайди. Болалар ўқиш тематикасига кирувчи мумтоз адиблар асарлари доимо кутубхоначининг диққат марказида бўлиши керак. Болани унинг шахсий имкониятларидан келиб чиқиб, мумтоз адибларнинг асарлари билан аста-секин таништириб, ўқишга ўргатиш лозим. Болаларни тартибли, мунтазам ўқишига тайёрлаш болаларга китоб танлаш ёки тавсия этиш билан чегараланиб қолмасдан, уларга айрим муҳим асарларни таҳлил қилишга ҳам имконият яратиши керак.

Назаримизда, кичик мактаб ёшидаги ҳар бир синф ўқувчисининг китобхон сифатидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Кутубхонага кадам қўйган ҳар бир ёш китобхоннинг қалби ўзига хос бўлиб, ҳар бир боланинг ўз дунёси мавжуддир. Болалар дунёсига йўл топиш, унинг сир-асрорларидан хабардор бўлиб, болани янада кенгрок, гўзалрок дунёга олиб ўтиш, унинг қалбида эзгулик ниҳолини ўстириш вазифаси, аввало, кутубхоначи зиммасига тушади. Худди шу ўринда ҳар бир болага хос «тили»ни топиш, уни «билимлар касри»га чорлаш, китобнинг буюк неъмат эканлигига ишонтиришнинг оддий иш эмаслигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Кўринадики, ёш китобхоннинг шахсини, қобилиятини, қизиқишини пухта ўрганиш ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Кутубхоналарда олиб борилган кузатишлар ҳамда назарий адабиётларни ўрганиш натижалари, кичик мактаб ёшидаги ҳар бир синф ўқувчисига алоҳида ёндошишни тақозо этади. Масалан, 1-синф ўқувчилари кутубхонанинг ўзига хос китобхонлари бўлиб ҳисобланадилар. Чунки, 6-7 ёшли болаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар жуда кўп нарсаларни билишга қизиқадилар-у, аммо ҳали китоб ўқиш техникасини дуруст ўзлаштира олмаган бўладилар. Шунинг учун уларнинг ўқиши мана шу қийинчиликни енгиласиз қаратилган бўлади, чунки улар эндигина «тингловчи»дан «ўқувчи»га айлана бошлайдилар.

Бизнингча, шу ўринда 2 муҳим ҳолатга жиддий эътибор бериш талаб қилинади. **Биринчиси**, ўқувчи-китобхоннинг ўқиш техникасини ҳали яхши эгалламаганлиги. Негаки, бу ёшдагиларнинг кўпчилиги ҳарфларни таниса-да, уларни бир-бирига

кўшиб ўқишда кийналадилар, матндаги сўзларнинг англатадиган маъноларига қараганда, уларнинг оҳанги, жаранглаши уларни кўпроқ маҳлиё қилади. Бу эса ўқиш малакасини шакллантиришда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин. Эътибор берилиши лозим бўлган **иккинчи** ҳолат эса бу ёшдаги болаларнинг ҳозирга қадар асосан «тингловчи» бўлганлиги, яъни ўзидан катта ёшдагилар нимани ўкиб берса, ўшани тинглаб ўрганганлигидир. Демак, кутубхоначининг бутун маҳорати юқорида кўрсатиб ўтилган жиҳатларга қаратилмоғи, «қалдирғоч китобхонлар»нинг рухий-психологик ҳолатларини чуқур ўрганмоғи зарур. Чунки, қурилаётган иморатнинг мустақкамлиги унинг пойдеворига боғлиқ бўлганидек, жамият тараққиётини белгиловчи шахсни шакллантириш ҳам дастлабки кадамга, яъни кутубхонага илк кадам кўйган болага нисбатан муносабатимизга боғлиқ бўлади.

Маълумки, ҳар бир ёшдаги китобхон, ҳар бир синф ўқувчисининг ўқишга муносабати, мустақил билим олишга иштиёқи алоҳида ажралиб туради. Жумладан, 2-3 синф ўқувчилари дунёни билишда, теварак-атрофда юз бераётган ўзгаришларнинг сабабини англашда янги поғонага кўтарилган бўладилар. Энди улар воқеа-ҳодисаларга бошқача кўз билан қарай бошлайдилар. Айниқса, воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини билишга кизика бошлайдилар ҳамда кечаётган воқеа-ҳодисалар уларнинг хотирасида яхши сақланиб қолади. Негаки, «1-2 синф ўқувчиларига қараганда 3-синф ўқувчилари анча тажрибали ҳисобланадилар. Улар энди ўқиган китобларини анча тушунадилар, улар кутубхонага энг кўп катнайдиغان китобхонлардан бири бўлиб ҳисобланадилар» [67,29].

Фикримизча, 8-9 ёшдаги китобхон кутубхонанинг моҳиятини тўлиқ англай бошлайди. Кутубхона улар учун муқаддас даргоҳга айлана бошлайди. Улар ҳатто ким ўзарга мусобақалашгандек, кутубхонага жуда кўп катнай бошлайдилар. Бу ёшдагиларнинг кутубхонага, айниқса, кутубхоначига меҳри бутунлай бошқача бўлади. Кутубхоналарда тадқиқот доирасидаги тажриба-синовлар якуни ҳам айнан шу ёшдаги ўқувчиларга алоҳида ёндашув усуллари зарурлигини кўрсатади. Чунки, уларнинг аксарияти «тингловчилик» даражасидан ўсиб, «китобхон» даражасига ўта бошлайди. Баъзан улар ўқилган китоблар тўғрисида фикр билдириш, ҳатто озгина «мактаниш»га ҳам ҳаракат қиладилар.

Лекин уларнинг ўқиши маълум бир тартибга солиб турилмаса, тўғри келган китобни олиб ўқишга ўч бўладилар. Демак, бу ўринда ўқитувчи ва кутубхоначининг болалар ўқишига онгли аралашуви, уларнинг кутубхонадаги фаолиятини маълум бир тартибга йўналтириши зарур бўлади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, ўқитувчи ва кутубхоначининг режали, мунтазам ҳамкорлиги охир-окибатда китобсевар, демакки, зукко, билимдон, ақлли, бир сўз билан айтганда, баркамол авлоднинг шаклланишига хизмат қилади.

Кутубхоналарда болалар ўқиш психологиясини ўрганишда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишнинг ўта муҳимлиги юқорида қайд қилиб ўтилди. Лекин кўрсатиб ўтилган ҳолатлар билан бир қаторда болаларнинг руҳий имкониятларини ҳам ўрганиш, бизнингча, объектив хулосалар чиқаришга имкон беради. Негаки, «ҳар бир кишининг, китобхоннинг ўзига хос шахсияти, яъни фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, фазилатлари, кизиқишлари ва ниҳоят доимо ўзгариб турадиган шахсий, ижтимоий турмуш шароитларига боғлиқ кайфияти бўлади. Бу ўз навбатида унинг китоб ўқиш хусусиятига ўз таъсирини ўтказди» [123,20]. Шундай экан, китобхон-болага максадга мувофиқ педагогик таъсир ўтказишда китобхоннинг ёш хусусиятлари билан бир қаторда, унинг руҳий имкониятларига жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Масалан, кичик мактаб ёшидаги болаларнинг билишга оид сўровлари кенг бўлади, бу ҳолат юқорида ҳам қайд этиб ўтилди. Бирок, кўпинча уларнинг китобга интилишлари юзаки, беқарор бўлади. Яъни уларни китобнинг мазмунидан кўра тузилиши, кўриниши, суратлари ўзига кўпроқ мафтун этади. Кичик ёшдаги китобхонларга янгиликни билиб олиш завқ-шавқ, қувонч бағишлайди, қайд этиб ўтилганидек, уларда «ўзларини кўрсатиб қўйиш» мотивлари ҳам мавжуд бўлади. «Болаликнинг бу даври баъзан «дастлабки билим тўплаш» даври дейилади, бу даврда болада бадий дид, сўз маданияти, умуман дунёни англашни тарбиялашга ёрдам берадиган энг қимматбаҳо нарсалар тўпланиши керак» [75,33].

Кўринадикки, боланинг дунёни англашга бўлган интилиши ҳар томонлама рағбатлантирилса, унда келажак учун зарур бўлган хислатлар тўплана боради. Аввало, унда бадий дид шаклланиб, ўқиш малакаси ривожланиб боради. Шу ўринда ўқиш

мотивларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш йўлларига эътибор қаратилиши зарур бўлади. «Мотив - (лат. *movere* - итариш, ҳаракатга тушириш демакдир) инсон фаолиятида қатор функцияларни бажаради: субъектнинг эҳтиёжларини қондиришга оид фаолиятни ишга солиш; ўрганилаётган объектга фаолият йўналишини аниқлаш; у ёки бу фаолият усулини танлаш сабабиятини аниқлаш; шахснинг ўрганиш объектига йўналган хатти-ҳаракатларини фаоллаштириш; ўрганиш эҳтиёжларини қондириш; моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамияти, қимматини ижтимоий баҳолашга ундашдир» [19,126]. Психологияга доир адабиётларда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мотивлари икки гуруҳга ажратилади:

- ижтимоий мотивлар;
- ўқув мотивлари.

Ижтимоий мотивлар – бу таълим жараёнидан ташқарида амал қиладиган хатти-ҳаракат, мақсадларга оид мотивлардир.

«Ўқувчи шахсий фаолиятда эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат маҳсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради. Масалан, айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча марта ўқишга ҳаракат қиладди. Ўқиш фаолиятига қизиқиш унинг мазмунига ҳам қизиқишни вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради» [123,20]. Демак, ўқишга қизиқиш ўз-ўзидан билим олиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Ҳар қандай фаолият замирида, шунингдек китобхон фаолиятда ҳам биринчи ўринда эҳтиёж ётади. Бу хусусда А.Умаров ўз қарашларини шундай изоҳлайди: китобхон фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, мутолаанинг қуйидаги босқичларини ажратиш кўрсатиш мумкин

- мотивацион қизиқиш;
- процессуал – натижа;
- яқуний баҳолаш.

Таълим жараёнида ўқувчиларни вазифаларни бажаришга, мустақил тайёрланишга доир эҳтиёжлари мотивацион қизиқишни келтириб чиқаради.

Процессуал-натижа босқичини турли фаолият ва жараёнлар ўсишининг ўзаро муносабатларидан бўлак бошқа омиллар ҳам белгилаб беради: китобхон ва матн муаллифи билимининг

даражаси; психологик жараёнларнинг қай даражада шаклланганлиги, шунингдек, китобхоннинг ҳам, матн муаллифининг ҳам нутқ маданияти ва малақаси; китобхоннинг эмоционал иродаси, ўқишнинг муҳим психофизиологик жиҳатлари, ўқиш учун яратилган шарт-шароитлар, китобхон дикқатини жалб қилишнинг қай даражада шаклланганлиги ва бошқалар.

Яқуний баҳолаш босқичида матн мазмуни ва эришилган натижа, яъни қўйилган мақсадга қай даражада эришилганлиги баҳоланади [114,90].

Дарҳақиқат, ўқиш мотивларининг таркиб топиши жуда мураккаб жараён бўлиб, бир неча шахсларнинг: ўқитувчи, кутубхоначи ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини тақозо қилади. Шу ўринда ота-онанинг китобхонлик борасида болага таъсири тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Негаки, «бола шахси, унинг турли фаолиятлари, жумладан, ўқишга бўлган муносабати оилада шаклланади. Кўпгина оилаларда болалар учун китоблар ва вақтли нашрлар бўлади. Оила муайян даражада болаларнинг ўқишига раҳбарлик қилади, китоблар тўғрисида маълумотга эга бўлади» [75,64]. Бироқ мана шу жараёнда ота-оналарга тўлиқ таяниш ўзини у қадар окламайди. Бунинг бир қатор объектив сабаблари бор, албатта. Масалан, кўпчилик ота-оналар ҳозирги замон болалар адабиёти ҳақида яхши маълумотга эга бўлмайдилар. Бу ҳолат, айниқса, ҳозирги кунда яққол сезилади. Ота-оналар ўз даврида ўқиган китоблари асосида маълумот беришга ҳаракат қилдилар. Ваҳоланки, улар ўқиган китобларнинг аксарияти ҳам маънавий-тарбиявий жиҳатдан, ҳам ижтимоий-сиёсий тарафдан бугунги ўқувчига тўғри келмаслигини тушуниб етмайдилар. Бу эса болалар ўқишига раҳбарлик қилишда қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, бундай ҳолатлар кутубхоначи томонидан кузатиб борилиши ва тегишли тавсиялар берилиши керак. Бизнингча, бундай ҳолатларда болаларга ҳам, ота-оналарга рус олими, файласуф ва буюк танқидчи В.Белинскийнинг куйидаги фикрларини сингдириш фойдали бўлади: «Болаларга аталган китобларнинг мақсади уларда табиат ато этган ҳис-туйғуларни ўстиришдан иборат. Бундай китобларнинг билвосита ва бевосита таъсири болаларнинг ақлига эмас, балки уларнинг ҳис-туйғуларига қаратилмоғи керак. Ҳис билимдан олдин бўлади, ҳақиқатни сезмаган киши уни тушунмайди

ҳам, билмайди ҳам... Катталарга онд бўлган нарсалар болаларга ҳам оиддир. Факат уларни болалар тушунчасига мувофик суратда баён қилмок керак, бу ишнинг муҳим томонларидан бири ҳам худди шундан иборат» [28,85]. Кўринадики, болаларнинг ҳис-туйғуларига қаратилган китоблар китобхонга жиддий таъсир кўрсатади, онгининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда китобдаги образлар ёш китобхон руҳиятини кўтариши ёки тушириб юбориши, унда эзгу ҳис-туйғуларни тарбиялаши, олам ҳақида маълум бир тасаввур, хаёлни вужудга келтириши мумкин. Шу сабабли ҳам таълим жараёнида болаларнинг ёркин, аниқ, тиник, яккол тасаввур образлари хаёл ёрдамида муайян воқеликка айланади. Ўрганилаётган фаң материаллари эшитилган ва ўқилган бадий асарлардаги образлар тартибга солинади, яҳлит бир бутунлиқдан иборат умумлашган образлар тизими яратилади. Шундай экан, ота-оналар ўз фарзандларига руҳий баркамолликка етаклайдиган, юксак ахлокий фазилатларни тараннум этгувчи бадий асарларни тавсия этишлари лозим. Ота-оналарни болалар ўқиши, китобхонлиги борасидаги билимлар билан таништиришимиз, фарзанд камолотида маънавий баркамоллик моҳиятини тушунтиришимиз муҳимдир.

Ҳозирги кун талабидан келиб чиқиб кутубхонанинг ижтимоий вазифаси тобора кенгайиб бормоқда. Китоб, кутубхона ва китобхон ҳар қандай жамият ривожини таъминловчи муҳим бўғиндир. Китоб – инсон ҳаётида ўзининг маърифий ҳамда тарбиявий аҳамияти билан муҳим мавқелардан бирини эгаллайди. Лекин китобни ўқиш, унинг тўла маъносига тушуниш, ундан маънавий озука олинган маълумотларни ҳаётга татбиқ этиш доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб қолган ва бўлиб қолмоқда. Аввало, кутубхона фаолияти таълим жараёни билан узвий алоқадордир. Ҳар қандай шахснинг камол топишида унинг болалик давридаги китобхонлик даражаси ўта муҳим саналади. Айниқса, ўқувчилик давридаги китоб ўқиши унинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки нутқининг, тафаккурининг шаклланишида, такомилида ўзига хос аҳамиятга эга. Ўқиш маданиятини тарбиялаш ўта мураккаб жараён бўлиб, уни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, мазкур жараёндаги турли хил ҳолатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлади. Негаки, китоб-кутубхона-китобхон тизимидаги ҳар бир бўғин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўқиш мураккаб ижтимоий

ходиса бўлиб, ўзига хос таркибий қисмларга эга. Ана шундай муҳим таркибий қисмлардан бири – ўқиш психологиясидир. Кутубхоналарда олиб борилган кузатишлар ҳамда назарий адабиётлар таҳлили, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва руҳий имкониятлари асосида ўқиш маданиятининг тарбияланишига алоҳида ёндашишни тақозо этади.

Кутубхоналарда китобхонларнинг ёш хусусиятлари, руҳий имкониятларини ўрганиш, шу асосда кутубхонадан, китобдан рационал фойдаланиш йўллари тарғиб этиш лозим, Кутубхоначилар ўз китобхонларининг шахсини, қобилиятини, қизиқишини пухта ўрганиши ва шу асосда китобдан фойдаланиш йўллари, кутубхоначилик билимлари тарғиботини йўлга қўйиши, кутубхонанинг барча имкониятларини ўқувчиларнинг ақлий, руҳий камолотига йўналтириши лозим. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва руҳий имкониятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кутубхонада болалар ўқишини ўрганишда куйидаги омилларга эътиборни қаратиш лозим:

- Кутубхонага илк марта қадам қўйган китобхон ҳар тарафлама ўрганилиши; оилавий шароити, ота-онасининг касби, оилада шахсий кутубхонанинг бор-йўқлиги, қайси китобларни ўқиганлиги, ака-укаларининг таъсири, бир сўз билан айтганда, унинг ўқишга бўлган қизиқишлари аниқланиши.

- Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик имкониятлари, уларнинг руҳий эҳтиёжлари ўрганилиб, уларни китобхон сифатида тарбиялаш йўллари белгиланиши.

- Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш техникасини эгаллаш билан билан боғлиқ муаммога жиддий эътибор қаратилиши.

- Кутубхонанинг барча имкониятлари: китоб ва ахборот ресурсларини тарғиб этишда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, руҳий имкониятлари асосида тавсия қилиниши лозим.

II БОБ. КУТУБХОНАЛАРДА КИЧИК ЁШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

2.1. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари

Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш кутубхонашуносликнинг, болалар ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнининг ўзига хос муҳим таркибий қисмидир. «Китоб-кутубхона-китобхон» тизимида амал қиладиган китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш жараёни – тарбиявий жараёндир [66,12]. Шунинг учун ҳам кутубхонанинг барча фаолияти ушбу мақсадга қаратилгандир. «Китоб-кутубхона-китобхон» тизимидаги таркибий бўлақларнинг ҳар бири ўзига хос бўғин бўлиб, ушбу жараёнда улар ўзаро мустақкам алоқада бўлади. Табиийки, уларнинг энг асосийси китоб ва китобхон ҳисобланади. Учинчиси, яъни кутубхона шу икки бўғинни бир-бири билан боғлаб, мослаштириб, ўзининг иш шакли ва усуллари билан уларнинг ўқишига раҳбарлик қилишни ташкил қилади. Фалсафа, адабиёт, ривожланиб бораётган таълим ва тарбия назарияси, руҳшунослик бу предметнинг асосий методологик ва илмий асоси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу предмет фалсафа, социология, педагогика, психология, адабиётшунослик, китобшунослик, санъатшунослик ва бошқа соҳалар билан чамбарчас боғлиқ. Демак, ўрганилаётган муаммо ушбу фанлар хулосаларига таянган ҳолда тадқиқ этилади. Ўқиш маданиятини тарбиялашда психологиянинг назарий ва амалий маълумотларига таяниб ва болаларнинг ёш хусусиятларига қараб уларга хизмат кўрсатиш, ўқишга раҳбарлик қилиш ташкил этилади. Мавжуд муаммоларни ҳал қилишда эса педагогика принциплари ва усуллари таяниб иш кўрилади.

Болаларга китоб тавсия этилар экан, ушбу китобнинг бадиий қиймати, ғояси, таъсир кучи алоҳида маърифий, маънавий-ахлоқий, бадиий-эстетик аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёни адабиёт, санъат, китобшунослик фанлари билан муштаракликда тадқиқ этилади.

Педагогик нуқтаи назардан олиб каралганда ўқувчи-китобхон мураккаб ўзига хос хусусиятларга эга шахсдир. Мана шу ўзига хослик ўқувчи-китобхонда ўқиш маданиятини тарбиялашда алоҳида-алоҳида ёндашувни, бир-бирига боғлиқ бўлган бир катор тизимларни тақозо қилади. Ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнида, аввало, ёш китобхоннинг психологик тайёргарлиги масалаларини алоҳида ўрганиш зарур. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялашда педагогика ва кутубхонашуносликнинг асосий тамойилларига таянилади. Э.Йўлдошев [67,8] уларни учта асосий гуруҳга бўлади:

1. Ўқувчилар ўртасида ҳозирги замон билимларини оммалаштириш, китоб тавсиясини илмий асосда олиб бориш ва умуман ўқишга раҳбарлик қилишда илғор анъаналардан фойдаланилади.

2. Болаларнинг психофизиологик хусусиятларига, яъни китобхонлар ёшига, руҳиятига, ўзига хос хусусиятларига, имконияти, қобилияти ва кизикишига таянади.

3. Болалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг ҳамма усул ва воситалари кўргазмали, кизикарли ва тушунарли бўлиши билан бирга болаларнинг ўқишида ва кутубхонадан фойдаланишида уларнинг ташаббусига, мустақиллигига ва билимига таянади.

Болалар ўқиши масалалари хусусида Г.Г.Гранник, В.Н.Зайцев, В.С.Кукушкин, Е.Елачич каби олимларнинг қарашлари мавжуд. Г.Г.Гранник

[45] мактаб ўқувчиларини дарслик ва бошқа адабиётлар билан ишлашга ўргатиш масалалари борасида тадқиқотлар олиб борган. В.Н. Зайцев [55] томонидан ўқиш малакаларини шакллантиришнинг имкониятлари, резервлари, болалар ўқишининг вазифалари тадқиқ этилган. Болалар ўқиши, унинг илмий-методик асослари борасидаги изланишлар Е. Елачич [54] томонидан ўрганилган. Хусусан, бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари Б.Р. Адизов [19] томонидан тадқиқ этилган бўлса, бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик масалалари Р. Ибрагимов [59] томонидан ёритиб берилган. Шунингдек, бошланғич синфларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик асослари С. Усмонов [116] томонидан ўрганилган бўлса, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларида инсонпарварлик ғоясини

шаклантиришнинг педагогик асослари О.Н.Ибодуллаева томонидан [58], бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шаклантиришнинг дидактик асослари Г.Н.Нажмиддинова [93], бошланғич синфларда ўқитиш усулларини такомиллаштириш масалалари Р.Мавлонова [78] ва бошқ. томонидан тадқиқ этилган.

Кутубхонанинг болаларни китобхон сифатида тарбиялашдаги имкониятлари хусусида бир катор кутубхонашунос олимларнинг қарашлари мавжуд. М.И.Губанованинг фикрича, болалар кутубхонасидаги иш фаолиятининг асосий мақсад ва мазмуни ёш китобхонларнинг ўқишини бошқариш, ўқиш маданиятини тарбиялаш, яъни китобхонлик билан алоқадор бўлган кўникма ва малакаларини шаклантиришдир. Болалар ўқишига раҳбарлик қилиш фаолиятида ўқиш маданиятини тарбиялаш кутубхона иш фаолиятининг таркибий қисмини ташкил этади. Болалар ўқишига раҳбарлик қилиш бу – доимо болада китобга қизиқишни уйғотиш. китоб танлай билишни ўргатиш, ўқиган нарсасини тушунишга ёрдам беришдир. Олдиндан айтиш лозимки, болалар ўқишига раҳбарлик қилиш жуда нозик ишдир. Чунки бу ишда нотўғри қилинган ҳаракат болани ўқишдан, китобдан бездириб қўйиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш жараёни ўзига хос бир-бири билан узвий боғланган тизимдан, яъни китоб-китобхон-кутубхонадан иборат. Буларнинг ҳар бири ўзига хос ҳалқа бўлиб, ўқишга раҳбарлик қилишда мустаҳкам алоқада бўлади. Уларнинг ичида асосийси китоб ва китобхон ҳисобланади. Болалар китоби бошқа китоблардан ўзига хослиги, яъни болалар учун аталганлиги билан фарқ қилади. Шу китобнинг ўқувчилари ҳам ўзига хос бўлиб, ҳали шаклланмаган, ўсиб келаётган, доимо ўзгариб турадиган шахслардан иборат.

Кутубхоналарда болалар ўқишига раҳбарлик қилишда болалар мактабда олган билимларини тўлдириши, ривожлантириши, чуқурлаштириши назарда тутилади [30,4].

Мактабда боланинг ривожланиши маълум тизим бўйича боради ва мактаб дастурлари қанчалик пухта тузилган бўлмасин, болада пайдо бўладиган, унда ҳаётни кузатиш жараёнида туғиладиган барча саволларга жавоб бериш имкониятга эга эмас. Ўқувчи китоб билан ишлай олиши учун тегишли кўникма ва

малакаларни эгаллаши керак. Таълимнинг барча боскичларида ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашни ўргатиш ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Манбаларда дарслик ва китоб билан ишлашнинг ўқитиш методи сифатидаги моҳиятига алоҳида таъриф берилган. Бу методнинг моҳияти билимларни ўзлаштириш ва мустақамлаш, ўқувчиларнинг дарслик ва китоб билан мустақил ишлаш жараёнида амалга ошишидан ва айти пайтда уларнинг китоб билан ишлаш малакаларини эгаллашдан иборатдир. Лекин, китоб билан ишлаш малакаларини шакллантириш фақатгина мактаб ва ўқитувчининг вазифаси бўлиб қолмасдан, бу жараёнда кутубхоначи ва кутубхонанинг ўрни муҳим аҳамиятга эга [47,16].

Китоб ўқиш мактабдаги ўқитиш жараёни билан узвий боғлиқ, чунки мунтазам ўқиш санъати билан болалар мактабда танишадилар. Мактабдаги предметларнинг ўқитилиши, ўрганилиши, дарсдаги ўзлаштириш синфдан ташқари ўқишга боғлиқ. Синфдан ташқари ўқишни эса кутубхоналар ўз зиммасига олган бўлиб, уларсиз таълим ва тарбия жараёни тўлиқ бўлмайди [67, 6]. Чунки ҳар бир дарсда ўқитишнинг учта:

- таълимий,
- тарбиявий,
- ривожлантириш

вазифалари у ёки бу даражада амалга оширилади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги зиддиятлидир. Агар ўқитувчининг фаолияти дарснинг таълимий вазифасини амалга оширишга қаратилса, у ўқувчининг билиш фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Бундай ҳолда ўқитишнинг бошқа вазифалари, яъни тарбиявий ва ривожлантириш вазифалари ҳамда уларга мувофиқ топшириқлар мазкур дарсдаги ўқув жараёнининг ёрдамчи, қўшимча компонентлари ҳисобланади. Масалан, ўқитувчи дарсда ўқиш техникасини ўргатса, китобга муҳаббат уйғотиш ва ўқилган нарсаларга қизиқиш ҳосил қилиш ёрдамчи, қўшимча вазифа бўлади.

Борди-ю, дарсда ўқитувчининг фаолияти тарбиявий вазифани бажаришга қаратилса, таълимий ва ривожлантириш вазифалари ҳамда уларга мувофиқ топшириқлар ўқитиш, тарбиялаш жараёнининг таркибий қисмларига айланади. Масалан, дарсда ўқитувчи ўқилган материалнинг маъноси устида ишласа, асарнинг

мазмунига эстетик, ҳиссий муносабатни шакллантирса ўқиш техникасини ўргатиш ёрдамчи вазифа бўлади. Кутубхоналар эса узлуксиз таълимнинг ажралмас қисми сифатида ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш вазифаларини бажаришда муҳим ижтимоий ўрин тутди. Болада китоб ўқишга муҳаббат уйғотиш ва ўқилган нарсаларига қизиқиш ҳосил қилиш, мутолаанинг усул ва воситалари билан таништириш, адабиётни тушунишга ўргатиш, асарнинг мазмунига ҳиссий муносабатни тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда синфдан ташқари таълим энг яхши кўмакчидир.

Ўқувчи шахсини ҳар томонлама камолотга етказиш учун болалар ўқишига раҳбарлик қилишни тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқишга раҳбарлик қилиш - бу тарбиявий жараён, шунинг учун ҳам кутубхонанинг барча фаолияти ушбу мақсадга қаратилгандир. Китоб билан инсон ўртасидаги муносабатда тарбия жараёни вужудга келар экан, бу жараёни бошқариш албатта педагогик характерда бўлиши керак. Китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш муаммолари билан педагогика муаммолари ўртасида қандай ўхшашлик мавжуд? Кутубхоначилик тарбияси билан мактаб тарбияси ўртасида қандай боғлиқлик бор? Кутубхоначилик тарбияси нимада акс этади? Мактаб билан кутубхонанинг умумий мақсади болаларни баркамоллик руҳида тарбиялашдир. Кутубхона ўзининг барча воситалари орқали ёш китобхонларнинг характерига ва ўқиш орқали уларнинг тарбияланишига катта таъсир кўрсатади [67,6]. Маълумки, болаларда бирор нарсага эътиқодни қарор топтириш учун уларни ишонтира билиш лозим. Уларнинг ҳиссиётига таъсир кўрсатиш, қалбига йўл топиш муҳимдир. Бу вазифани эса китобдан ошириб адо этадиган куч йўқ. Кутубхоналарда ёш китобхонларни тарбиялаш йўналишлари ўзаро узвий боғлиқдир. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини тарбиялашда кутубхоналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатиш воситалари, имкониятлари кўп қирралидир. Улардан меҳнат тарбияси, ахлоқ тарбияси, экологик тарбия, эстетик тарбия каби жиҳатлари кутубхоналар иш йўналишининг, таъсир доирасининг асосини белгилайди. Кутубхонанинг иш жараёни адабиётлар, турли хил манбалар, ахборот ресурсларидан иборат экан, табиийки, уларнинг мавзуси ранг-барангдир. Шунинг учун кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик

имкониятларини таҳлил этар эканмиз, турли ёшдаги ўқувчиларни китобхон сифатида тарбиялашнинг шакл, усул ва воситаларини назарда тутамиз.

Н.А. Дмитриева [52;53] ўқувчиларнинг китоблар воситасида эстетик тарбияланиш масалаларини атрофлича ўрганган. Уният қарашларида болаларнинг китоблар, аниқроғи, бадий адабиётлар воситасида тарбияланиш жараёнида педагогика, психология ва адабиётшуносликнинг ўзаро алоқадорлиги масалалари ёритилган.

Кутубхоначи учун ёш китобхоннинг руҳий ҳолатини тўғри англай олиш ҳамда шунга яраша чора-тадбирлар қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бизнингча, бу ўринда кутубхоначи асосий эътиборни қуйидагиларга қаратиши мақсадга мувофиқдир. Ўқиш маданиятини тарбиялашда ёш китобхон назарий-бадий фикрлашнинг ўсиши қуйидаги тартибда амалга ошади:

- Сўз санъатини ҳис этиш;
- Асарни идрок этиш;
- Образларни таҳлил этиш.

Ўқувчи-китобхонда сўз санъатини ҳис этиш хислатларини ўстириш, айти пайтда ўқиш санъатини шакллантириш, тарбиялаш борасида шундай усуллар борки, уларнинг баъзилари идрок этишни такомиллаштиради, баъзилари эса образларни тушунтириш ва таҳлил этишни, ўқувчи-китобхонда назарий-бадий фикрлашнинг ўсишини таъминлайди. Уларнинг ўртасида муайян алоқадорлик бўлиб, уларни чегаралаш шартлидир.

Яхшигина «адабий тарбия» кўрган ўқувчилар, китобхонлик сўровининг кенглиги ва барқарорлиги, ўз ёшига нисбатан мураккаб асарларни идрок этиш имкониятлари, китобга баҳо бериш мезонларининг нисбатан ривожланганлиги билан ажралиб турадилар. Уларда шеърятга кизиқишнинг кучлилиги кузатилади.

Ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашни таҳлил этганда яна бир қатор омилларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Ўқувчилар кутубхонада қанча кўп шуғулланса, уларда мустақил билим олишга интилишнинг ҳам шунчалик орта бориши сезила бошлайди. Худди шу жараёнда ўқувчи томонидан кўрсатилиётган ташаббус эътибордан четда қолмаслиги, балки бу ижобий ўзгаришларнинг кутубхоначи томонидан ҳам «сезилганлиги» билдирилиши керак бўлади. Бунинг энг бевосита ва тўғри йўлларида бири боладаги кизиқишнинг асосий моҳиятини чуқурроқ илғашга ҳаракат

қилишдир. Бунда ўқилган китоб ҳақида, боладаги умумий кизиқишлар ҳақида мулоқотга киришиш билан бир қаторда шу ўқувчининг ота-онасини ҳам кўмакка чақириш анча яхши натижаларни бериши мумкин. Бир томондан кутубхоначи, иккинчи томондан ота-онасининг ўзига нисбатан «китобхон шахс» сифатидаги илиқ муносабатлар, табиийки, болада китобга, китобхонликка, мустақил мутолаага бўлган ишонч ва рағбатини янада орттиради. [Бу ҳақда яна қаранг: 103,10].

Мактаб ўқувчисининг билими, қизиқиш доираси йилдан-йилга ўсиб, ривожланиб, ўзгариб боришини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Чунки, мактаб таълимининг бевосита таъсири билан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини англаш жараёни жадал ривожлана бошлайди. У ўзининг фикрига, мустақил қарашига, бирор масала юзасидан ўзининг шахсий мулоҳазасига эга бўлиши учун ҳаракат қилади. Китобхонда ўқиган, билган нарсаларини дарҳол бошқаларга етказиш, ҳатто бошқаларга ўзини кўрсатиб мактанишга ҳам бироз мойиллик бўлади. Шу сабабли ҳам у ўзини анча ақлли, билимли ҳисоблашга ҳаракат қилади. Хўш, бундай ҳолатларда қандай йўл тутиш мумкин? «Агар китобхон кутубхоначининг билими, тажрибасини ҳурмат қилса, унинг тушунишларига ишонсагина, у билан мулоқотда бўлиши мумкин. У педагогикада йўл қўйилган хато – «оқ излар» ни тезда пайқаб олади. Бу ерда кутубхоначининг юксак маҳорати педагогик услубнинг нозик томонларига бўлган талабини, ўқишга раҳбарлик қилиш ғоясини ўқишга таъсир этиш чоралари ёрдамида кучайтиришдан иборат» [75,40].

Кўринадики, кутубхоначи ўз билими, тажрибаси ва маҳорати орқали китобхон билан мулоқотда бўлар экан, унинг тарбияланиш жараёнига таъсир кўрсатади. Кутубхоначи китоб тарғиботининг турли хил шаклларида фойдаланиш жараёнида ҳар бир ўқувчи-китобхоннинг ёш хусусиятлари, руҳий ҳолатларини ўрганиб, уларга таъсир ўтказишнинг педагогик имкониятларини аниқлаб бориши керак. Бу кутубхоначи зиммасига бир қатор вазифаларни ҳал этишни юклайди. «Ёшларнинг мутолаасига индивидуал раҳбарлик қилиш мураккаб педагогик жараён бўлиб, кутубхоначидан китобхон ва адабиётни чуқур билишни, ҳозиржавобликни, чинакам ижодкорлик ва устамонликни талаб қилади. Кутубхоначи ёш китобхонга индивидуал йўл билан

ёндашар экан, унинг мутолаасига бевосита муносабатда бўлганидек, унинг мустакил ривожланишига кенг имконият яратиб бериш йўли билан раҳбарлик кила бориб, ўқувчиларнинг одоблилик руҳида тарбияланиши вазифасини хал этади» [75,61].

Аввало, ёш китобхонда ўқиш маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришда кутубхона ходимига бир қатор талаблар қўйилади. Чунончи, китобхонга тавсия этиладиган адабиёт ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш, уни чуқур ўрганган бўлиши, ўз ишига нисбатан ижодкорлик, айниқса, муҳимдир. Бизнингча, худди шу хислатлар кутубхоначида мужассам бўлса ва улардан мохирона фойдалана олса, китобхон қалбини забот этиш осонлашади. Бирок, бу ўринда биргина кутубхоначининг ўзи барча вазифаларни хал кила олмаслиги маълум. Негаки, китобхонни тарбиялаш жараёнида мактаб ўқитувчиси муҳим ўрин эгаллайди. Ўқитувчиларнинг болаларда ўқиш маданиятини тарбиялашдаги имкониятлари кутубхоначига нисбатан каттадир. Чунки, таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчининг ўқув фаолиятини бошқариб, уни ижодкорликка, яъни берилган мавзу юзасидан фақат дарслик билан чегараланиб қолмаслик, кўшимча адабиётлардан фойдаланиш каби кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланишига асос яратади. Ўқитувчи ҳар бир ўтиладиган мавзу юзасидан ўқувчиларга дарсликдан ташқари фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини бериши, улардаги мустакил ишлаш қобилиятларини ривожлантириши керак. Табиийки, дарсликдан ташқари адабиётдан фойдаланишга бўлган эҳтиёж кутубхоналарга бўлган эҳтиёжни шакллантиради. Шундан келиб чиққан ҳолда, ўқитувчи ва кутубхоначи олдида турган асосий вазифа ҳам ўқувчиларни дарсликдан ташқарига олиб чиқиш, дарсда ўтилган мавзуларни кенгрок ҳамда кизиқарлирок қилиб гушунтириш учун бадиий ва илмий билим берувчи китоблардан фойдаланишга ўргатишдан иборат бўлиб қолади.

Кутубхоналарда олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг ўқитувчи томонидан тавсия қилинган китобларга муносабати ҳам бир хил бўлавермайди. Масалан, уларнинг кўпчилиги тавсия қилинган китоблардан тез ва юзаки, фақат реферат ёки мустакил иш мавзуси доирасида фойдаланадилар. Демак, бундай ўринларда ҳам кутубхоначининг онгли аралашуви, яъни китобхон ўқишига раҳбарлик қилиши зарур бўлади. Шу

сабабли ҳам мавжуд адабиётларда ўқувчи-китобхонни табақалаштирилган ҳолда ўрганиш ва уларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш йўлга қўйилади. Кутубхоначи китобхон-болаларни китобхонлик ривожига даражаларига боғлиқ ҳолда табақалаштиради.

Китобхоннинг кутубхонадан қачон фойдалана олиши масаласи ҳам кутубхоначилик ишида муҳим аҳамиятга эга. Одатда, бундай саволга ўрин бўлмаслиги керак, чунки аксарият ҳолларда ўқувчилар мактабдаги машғулотлар тугагач, куннинг иккинчи ярмида кутубхонадан фойдаланишади. Бирок, ҳозирги пайтда ҳамма мактабларда ҳам машғулотлар фақат 1 сменада, яъни куннинг биринчи ярмида олиб борилади, деб бўлмайди. Айрим мактаблар 2 сменали режимда ишлайди. Бу эса кутубхоначилар учун бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Улар кўпинча танаффус пайтларида ўқувчиларга хизмат кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ваҳоланки, «танаффус пайтларида китоб бериш тавсия этилмайди. Бу болаларнинг дам олишига халақит бериб, улар ўқишига раҳбарлик қилишни қийинлаштиради. Борди-ю, мактаб бир сменалик бўлса, китобларни тушлик вақтидан кейин алмаштириш тавсия этилади. Агар машғулотлар икки сменалик бўлса, 1-смена учун кутубхона дарсдан кейин, 2-смена учун машғулотлар бошланишидан аввал очилади» [63,53].

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар ўқиш маданиятини шакллантириш тизимида муҳим аҳамият касб этадиган бўгин, ҳеч шубҳасиз, кутубхоналардир. Мактаб кутубхоналари ёки бугунги кунда кутубхоналардан кўра кенгрок тушунчани англатаётган мактаблар қошидаги ахборот-ресурс марказлари ўқув муассасаларини нафақат ўқув адабиётлари билан, балки ўқувчиларнинг умумий турли хил ахборот манбаларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш билан шуғулланмоғи лозим.

Кутубхоналарнинг, ахборот-ресурс марказларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти бекиёс. Буни бошланғич синф ўқувчиларига татбиқ этадиган бўлсак, унинг янада кўпроқ, кучлироқ, аҳамият касб этишини тасаввур этишимиз қийин бўлмайди. Давлатимизнинг бу масалага алоҳида эътибор бераётганлиги бежиз эмас. Давлат томонидан кутубхоналарга нисбатан олиб борилаётган сиёсат амалда жамиятда мутолаа маданиятини шакллантиришга давлатнинг расмий муносабатини билдирди [114,80]. Хусусан, «Республика аҳолисини ахборот-

кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги қарори бу борада айрича аҳамият касб этади [12,1]. Бу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналарни Олий, ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОЎМТВ нинг Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш борасида ишлар бошланди. Бу қарорга асосан ахборот-ресурс марказларининг қуйидаги асосий вазифалари белгиланди:

1. Таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашиш;

2. Миллий, маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш;

3. Маънавий бой ва ҳар томонлама камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

4. Янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, Интернет ресурслари) асосида ахборот хизмати кўрсатиш;

5. Маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

«Кутубхоналарнинг ижтимоий ўрнига бўлган ва жамият эътиборининг бугунги кун талабларидан ортдалиги китобхон учун ҳам, кутубхоначи учун ҳам, пировард натижада умумий тараққиёт учун ҳам барабар зиён келтирмоқда. Зеро, китоб қадрсизланса, ижодкор қадрсизланади, кутубхона қадрсизланади, мактаб ва таълим қадрсизланади, тараққиёт қадрсизланади» [114,150]. Юқоридаги айтилган фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулоса қилиш мумкинки, жамиятимизда кутубхоналарга, китобхонликка бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси кутубхоналарнинг, ахборот-ресурс

марказларининг зиммасига болалар ўқиш маданиятини тарбиялашдаги куйидаги асосий вазифаларни юклайди:

1) Кутубхоналарда умумжаҳон билимларнинг кенг кўламини, шунингдек, маънавий меросимизни ўзида акс эттирувчи мукаммал фондни ташкил этиш, бутлаш, тарғиб этиш;

2) Фондларни универсал ахборот ресурслари: босма, аудиовизуал, электрон нашрлар билан таъминлаш, саклаш ва уни фойдаланишга тақдим этиш;

3) Китобхонларга бугунги кун талаблари доирасида кутубхона-ахборот, библиографик хизмат кўрсатиш;

4) Ўқувчиларни турли тадбирлар орқали ўқишга бўлган кизиқишни шакллантириш, уларни кутубхоналарга, мутолаага кенгрок жалб қилиш;

5) Кенг омма ўртасида кутубхоначилик - библиография билимларини кенг тарғиб қилиш.

2.2. Кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ўзига хос йўллари

Ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ўзига хос йўллари ҳақида гапирганда, албатта, китобхонларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. Маълумки, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари хусусида тадқиқотимизнинг 1-бобида айтиб ўтилди. Айнан ўша хулосалардан келиб чиққан ҳолда бевосита ўқиш маданиятини тарбиялаш муаммосини ҳам ҳал этиш мумкин. Бинобарин, кутубхоначининг ўқувчиларнинг ёши билан боғлиқ хусусиятларга жиддий эътибор бериши уларнинг ўқишига раҳбарлик қилишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, А.Адаменко ва Л.Балашеваларнинг фикрича, «Кичкинтой болалар кофияни жуда яхши сезадилар, улар уни ҳеч муболағасиз қидирадилар, уларга сўзларни ўхшаш жаранглаши ёқади, маъносига эмас, балки уларнинг кўпинча чиройли жаранглашидан хурсанд бўладилар. Болаларга янги шеърларни ўқиб бера туриб, болаларнинг ўзлари овоз чиқариб талаффуз қилиши лозимлигини сезишлари учун тўртликдаги охириги сўзларни тушириб қолдириш мумкин. Бундай уйин болаларга завқ бағишлайди, улар ўзларини ақлли, фаҳм-фаросатли, зехни ўткир деб ҳис қиладилар, бу эса улар учун муҳим» [75,31].

Ўқувчи содда, ишонарли, ҳаётий килиб ёзилган шеърларнинг маъносига тез тушунади, тез ўзлаштиради ва ёдда узоқ муддат сақлай олади. Агар мактаб ўқитувчиси ҳам, кутубхоначи ҳам ўз эътиборини мана шундай шеърларга қаратса ва ўқувчиларга тавсия этса, уларда шеърятга, адабиётга, умуман, китоб ўқишга бўлган интилиш кучаяди.

Оилада шакллана бошлаган ўқиш маданияти мактабда ривожланиб бориши зарур. Яъни оилада эндигина таркиб топа бошлаган кўникмалар мактабда ўқитувчи ва кутубхоначи томонидан пайкаб олиниши ҳамда шунга яраша йўл-йўриқлар ишлаб чиқилиши талаб килинади. Масалан, 1-синф ўқувчисининг ўқишга бўлган қизиқишини барқарор деб бўлмайди. Чунки уларнинг ўқишида қийинчиликлар учраб туради. Демак, ўқитувчи ва кутубхоначи олдида боланинг ўқишидаги қийинчиликларни аниқлаш вазифаси туради. Ана шу қийинчиликлар аниқлангачгина унга китобларни тавсия этиш мумкин бўлади. «Ёш китобхонлар китобда кундалик ҳаётдаги таниш бўлган эпизодларни учратсалар, ўша китобни берилиб ўқийдилар. Айниқса, уларни оптимистик руҳдаги китоблар кўпроқ қизиқтиради. Бу ёшдаги китобхон кўз олдида тавсиф асосида табиат манзарасини гавдалантириш қийин. Агар манзара қахрамоннинг кечинмалари билан боғлиқ ҳолда батафсил, ҳаяжонли тарзда ифодаланса, болалар уни эслаб қоладилар» [75,32].

Кутубхонага илк марта қадам қўйган ўқувчи учун кутубхона – нотаниш, лекин қизиқарли китоблари орқали ўзига жалб қила оладиган гўшадир. Бу масканда ўқувчи онгли ва фаол китобхонга айланиши лозим. Бу вазифа эса кутубхоначи зиммасига юкланган. Шу боисдан ҳам, одатда 1-2- синф ўқувчиларига кутубхоначининг ўзи китоб танлаб беради. Кутубхоначи ёш китобхонни аста-секин китоб кўргазмаларидан, муқовали картотекалардан фойдаланишга ўргатиб боради. Айни пайтда ўқитувчилар томонидан тавсия қилинган китоблар рўйхати бўйича ўқувчиларни мустақил равишда китоб танлаб олишга ўргатади. Фикримизча, айни шу ёшдаги ўқувчиларни китобларнинг жавонларга жойлашиш тартиби ва библиографик қўлланмалардан фойдаланиш йўллари билан ҳам таништириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бундай маълумотлар ўқувчи-китобхонда ўқиш маданиятининг тарбияланишига кескин ижобий таъсир қилади. Аввало, унда

китобларни танлаб ўқиш кераклиги ҳақидаги фикр шаклланади. Чунки у кутубхонада мавжуд адабиётларни ўз кўзи билан кўргач, бунга иқроп бўла бошлайди. Муковали картотекаларнинг аҳамиятини тушуна бошлайди. Айниқса, уни библиографик қўлланмалардан фойдаланиш йўлларини ўрганиб олиш кизиқтира бошлайди. Шу боисдан ҳам, 2-синфдан ўқиш соҳасида олинган кўникмалар мустаҳкамланиши, яъни ўқувчиларни воқеа ва ҳодисалар, қаҳрамонлар фаолиятига баҳо бериш ва уларга ўзларининг муносабатларини билдира олишга ўргата бориш лозим. 3-синфда «Синфдан ташқари ўқиш» дарсларида бадиий-публицистик ва илмий-оммабоп китобларни ўқиш, ҳар хил маълумотномалар билан таништириш, каталог ва кўрсаткичлардан, китоб кўргазмасидан китоб танлаб олиш йўлларини ўргатиш лозим [Қаранг: 75,129].

Одатда, 2-синф ўқувчиси асардаги воқеа-ҳодисаларга, асар қаҳрамонларига баҳо бера бошлайди. Энди улар ўзларини анча «сулғайган» деб ҳис қиладилар. Агар 1-синфда кутубхонадаги китоблар кўргазмасини кўриб ҳайратга тушган бўлса, энди улар каталог ва кўрсаткичлардан фойдалана олишлари ҳамда китоб кўргазмасидаги китоблардан кераклиларини танлаб олиш зарурлигини ҳис эта бошлайдилар. Демак, бу ҳолатлар ҳам уларда ўқиш маданиятининг аста-секин ўсиб бораётганидан далолат беради.

Китоб – кутубхона – китобхон тизимида ўқувчининг мустикал тарзда китобларни ўқий бошлаш жараёни анча мураккаб босқич саналади. Чунки бунда боланинг аклий фаолияти, руҳий-психологик ҳолати билан боғлиқ равишда катор кийинчиликлар ҳам юзага келади. Жумладан, шундай кийинчиликлардан бири – боланинг ўқиш техникаси билан боғлиқдир. Агар ўқувчи-китобхоннинг ўқиш техникаси паст бўлса, бу ҳолат қўйилган нарсани тўлақонли идрок этиш ва тушунишга тўсқинлик қилади. «Бола «тингловчи»дан «китобхонлик»га сакраб ўтганида дастлаб китобга нисбатан изчиллик, иштиёқ қандайдир тарзда бир оз йўқолади. Назаримизда, кутубхоначи китобхондаги ҳар бир кичик ўзгаришларга ҳам эътибор бериши лозим бўлади.

Айниқса, китобга нисбатан иштиёқнинг сустлашуви кутубхоначини бефарқ қолдирмаслиги керак. Акс ҳолда шу пайтга

қадар шаклланиб, ривожланиб бораётган ўқиш маданиятига зарар етиши мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда китобхонлар ўзлари учун нотаниш, «қийин» бўлган китобни сўраганида уларга алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, бу сўроқлар уларда катталарнинг ёки она-оналарнинг тавсияси, таъсири билан уйғонган бўлади. У яхши китоб бўлиши мумкин, лекин кутубхоначи биладикки, ҳозирча бола бу китобнинг мазмунига тушуна олмайди. Бундай ҳолларда китобхоннинг ўқиш техникаси суст бўлса, кичик ҳажмдаги бошқа қизиқроқ китобни тавсия этади. Айтиш мумкинки, кутубхоначи доимо масаланинг педагогик жиҳатини ёдда тутиши зарур бўлади. Китобхоннинг барча сўровларини ҳам бирдек қаноатлантира олиш мумкин эмаслиги аён ҳақиқат, айни пайтда сўралган китобнинг мазмунидан хабардор бўлиш кутубхоначининг муҳим вазифаларидан биридир. Маълумки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни теварак оламдаги барча воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар албатта қизиқтиради. Хусусан, табиат ва ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси уларнинг доимо диққат марказида бўлади. Лекин улар мана шундай қизиқишларига керакли жавобларни қаердан олиш лозимлигини тўғри англаб етмайдилар. Улар болаларга аталган илмий – оммабоп адабиётларнинг бу борада тайёр қўлланма бўлиши мумкинлигини тушунмайдилар. Шу сабабли ҳам ўзларидаги қизиқишларга жавоб олиш мақсадида катта ёшдагиларни хилма-хил саволларга кўмиб ташлайдилар.

Бундай ҳолат, айниқса, 8-9 ёшдаги болаларда кучли бўлади. Назаримизда, ўқитувчилар, кутубхоначилар ўқувчи-китобхондаги бундай хусусиятларни ўз вақтида англаб, уларни энди дарсликлардан ташқарига олиб чиқиши ўринли бўлади. Масалан, болаларга аталган журналлар, луғатлар, комуслар бу борада зарур манба бўлиши мумкин. Айниқса, латин ёзувида асосланган ўзбек алифбосида нашр қилинган «Болалар энциклопедияси» [38], «Ҳайвонот оламига саёҳат» [81] каби комусий йўналишдаги маълумотнома нашрлари китобхоннинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондирувчи манба бўлиб қолиши, шубҳасиздир. Чунки бу китоблар рангли расмлар билан безатилган бўлиб, ўзбек латин алифбосидаги матнлар билан таъминланган. Ушбу китоблар ўзининг тузилиши, безалиши, материалларнинг ўзига хос тарздаги кетма-кетликда берилиши билан ҳам ажралиб туради.

Маълумки, кутубхона мактаб таълим-тарбия жараёнининг узвий қисми, муҳим бўғини ҳисобланади. Шу боисдан кутубхоначи, у хоҳ мактаб кутубхонасида, хоҳ ахборот-ресурс марказида ишлаганин, мактаб ҳаётини чуқур билиши зарур. Бинобарин, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга ҳозир улар мактабда қандай мавзулар билан танишаётганини ҳисобга олиб китоб бериш керак. Бир қатор тадқиқотларга кўра бу ёшдаги китобхонлар ижтимоий-сиёсий ҳаётга, тарихий китобларга, эртақлар, афсоналар, шеърлар ёзилган хилма-хил мавзудаги китоб ва вақтли матбуот асарларига қизиқадилар. Уларнинг ўқишга бўлган қизиқишлари ўзгариб туради.

Шу ўринда бошланғич синфларда ўқитиладиган фанларнинг мазмунига ҳам жиддий эътибор бериш талаб қилинади. Айниқса, бошланғич синфларда ўқитиладиган ўқиш дарсларининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ўқиш дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларни тушуниб, тўғри ўқишга ўргатибгина қолмасдан, балки ҳар бир асарнинг матни билан ишлаш, мустақил китоб ўқиш йўлларини уларнинг онгига сингдириб боришдан иборатдир. Натижада, болаларда образли фикрлаш ривожланади, гўзалликни сезиш, нафосатни қадрлаш тарбияланиб боради, ўз она тили ва адабиётини севиш, унга бўлган интилиш ортиб боради. Айни пайтда ёш китобхонда ўқиш маданияти кўникмалари такомиллашиб бораверади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кутубхонага мунтазам катнайдиغان ва кутубхона хизматидан фойдаланиш йўлларини бирмунча ўрганиб олган ўқувчилар ўзларини бирмунча «билимдон» ҳисоблай бошлайдилар. Шу сабабли ҳам, 8-9 яшар китобхонлар энди китобда тасвирланган қаҳрамон ва воқеаларга ич-ичидан эмас, балки шунчаки қарай бошлайдилар, шунинг учун ҳам уни кўпроқ асослаб бериш учун имконият туғилади, бу - тасвирланган нарсани хийла баҳолаш лозимлигини билдиради. Улар ўзларининг барча қайғуришларининг мажмуасини кўпинча бир сўз - «ёқад» билан ифодалайдилар. Ўқилган нарсага нисбатан бу тарзда баҳо бериш - мезон ҳудди шу ёшдагилар учун ҳосидир [67,167].

Агар китобхон кутубхоначида ақлли, меҳрибон суҳбатдош, китобларни яхши билувчи, мурожаат этганларга ёрдам беришга тайёр бўладиган киши сингари фазилатларни кўрса, бу ҳолат боладаги ўқиш сифатига таъсир кўрсатиши мумкин. Кўринадикки,

китобхонни ўзига жалб этиши учун бир кутубхоначининг қатор фазилатларга эга бўлиши тақозо этилади. Кўрсатиб ўтилган фазилатлардан ташқари, бизнинг назаримизда, кутубхоначининг хушмуомалалиги, ширинсўзлиги, ўз касбига фидойилиги ўқувчини кўпроқ ўзига жалб қилади.

Ўқувчиларда маълум маънода ўқиш маданияти аста-секин таркиб топади. Буни қуйидаги ҳолатларда кўриш мумкин бўлади. Аввало, ўқувчи ўзи ёқтирган китобларни қайта ўқиб чиқишга ҳаракат қилади. Энди у ўша китобни биринчи марта ўқиш пайтида сезмаган янгиликларни билиб олишга, аввал илғамаган нозик ўринларни тушунишга интилади. Китобхонлар фикрига қараганда, агар китоб қизиқарли, уларнинг ҳис-туйғуларига яқин бўлса, бундай китобларни қайта ўқиб чиқиш мумкин. Бизнингча, ўқувчида худди шу қарашнинг пайдо бўлиши ижобий ҳол деб баҳоланмоғи керак. Негаки, китобга нисбатан онгли муносабатнинг юзага келиши китобхонда ўқиш маданияти ўсганлигидан далолат беради.

Болаларга тавсия қилинаётган адабиётлар уларнинг қалбида гўзаллик пайдо қилишга хизмат қилиши керак. Болаларга гўзаллик, нафосат ҳақида маъруза ўқишдан кўра, уларга гўзаллик туйғуларини уйғотувчи бадий асарларни тавсия этган маъқул. Назаримизда, бунинг энг оддий йўли болаларни табиат қўйнига чорлаш, табиат сирларидан огоҳ этишдир. Негаки, «табиат билан алоқа ўрнатиш натижасида одамда гўзаллик тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Болалар инсоннинг маънавий ҳаётида табиатнинг аҳамиятини қанча эрта тушунсалар, унга нисбатан обдон ўйлаб ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар» [28,56].

Шу сабабли ҳам, болаларга тавсия қилинаётган бадий адабиётларда ҳам табиат манзараси, ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами чуқурроқ акс эттирилган бўлса, ўқувчилар бундай китобларни севиб ўқийдилар. Чунки улар болаларни лоқайд бўлмасликка, эзгуликка, инсонийликка ўргатиб боради. Айни пайтда таъкидлаб ўтиш жоизки, табиат тасвири акс эттирилган бадий асарлар нафақат эстетик дидни ўстиришга, балки ўқувчига экологик билимларни сингдириб боришга, экологик онгнинг ривожланишига хизмат қилиши мумкин. Худди шу ҳолатнинг кутубхоначи диққат-эътиборида бўлиши ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Ўқиш маданиятини тарбиялаш кутубхонанинг болалар ўқишига раҳбарлик қилиш ишидаги асосий органик қисмлардан бири саналади. Китобхон билан китоб тўғрисидаги ҳар қандай яқка суҳбат, ўзига хос тарзда ўқиш маданияти элементларини акс эттиради. Бундай суҳбат орқали кутубхоначи ўқувчини фақатгина онгли равишда ўқишга эмас, балки китобга онгли равишда муносабатда бўлишга ҳам ўргатади, яъни ўқувчини китобнинг тузилиши ва таркиби билан таништиради ва китобга қандай эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш сабоқларини ҳам беради.

Маълумки, кутубхона дейилганда, энг аввало, боланинг кўз олдида бадий адабиётлар намоён бўлади. Чунки, «болалар учун адабиёт бир вақтнинг ўзида кўпгина мураккаб вазифаларни бажаради, олам тўғрисидаги тасаввур доирасини кенгайтиради, гўзаллик билан таништиради, муסיқавий қобилиятнинг ўсишига ёрдам беради (шеърнинг табиатан вазли ва оҳангдорлиги туфайли), эзгулик ва одобга ўргатади, нутқ маданиятини тарбиялайди» [68,34].

Бадий адабиёт ёш китобхон қалбини бойитади, унинг маънавий дунёсини шакллантиришга бебаҳо ҳисса қўшади. Энг муҳими, китобхонни ижтимоий-фаол шахс қилиб камол топтиради.

Демак, бадий адабиётнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни бекиёс. Бирок шуни унутмаслик керакки, мана шундай кучли маънавий озуқа, қудратли қурол бўлган бадий адабиёт билан ҳам ҳамма бирдек ошно бўлавермайди. Тўғри, ўқувчини бадий адабиётлар билан таништириш, унинг сир-синоатларини ўргатиш мактаб дастурига киради. Ўқитувчиларнинг бу борадаги чексиз заҳматини эътироф қилиш ўринлидир. Аммо шу билан бирга бу борада маърифат маскани - кутубхоналарнинг алоҳида хизмати борлигини назардан кочирмаслик лозим. Чунки мактаб ўқитувчиси кўпроқ ўқув дастуридаги асарларни ўргатиш билан чегараланиб қолиши мумкин. Кутубхонага эса ҳар йили қанчадан-қанча янги бадий асарлар, газета-журналлар келиб тушади. Натижада болаларга янги асарларни тавсия этиш кутубхоначи зиммасига юкланади. Айни пайтда бадий асарни китобхонга тавсия қилиш йўллари билиш зарурати ҳам пайдо бўлади. Шуни қайд этиш лозимки, бадий асарни тавсия қилаётган пайтда кутубхоначи шу китобнинг бошидан озгина ўқиб, китоб қаҳрамонини қисман характерлаб беради. Айниқса, шеърини асарларни тавсия

килаётганда китобнинг бошланишини ифодали қилиб ўқиб беради, натижада болаларда шу жарангдор сатрларни ўқиб чиқиш истаги уйғонади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга қувноқ шеърларни ўқиб бериш фойдалироқ бўлади. Шеърлий топишмоқлардан, бошқотирма тарзидаги шакллардан фойдаланиш ҳам ўзини оқлайди. Бу жараёнда кутубхоначи болалар ўйинига иштирокчи сифатида қўшилиб кетади.

Кутубхонада маълум бир тушунчани шеърлий усулда ўргатишга мўлжалланган талай асарлар мавжуд. Кутубхоначи ҳамма бадий асарларни ўқиб чиқа олмаслиги мумкин. Лекин барибир унинг имкониятлари чегараланиб қолмайди. Назаримизда, китобхон эътиборини шоирнинг бадий тил кашфиётларига қаратиш керак. Негаки, китобхонга муайян шеър ўзининг тил хусусиятлари билан унинг хотирасида ўрнашиб қолади. Айниқса, она тили ва адабиётига бағишланган шеърлар, ҳикоялар, ҳикматли сўзлар ўқувчиларда чуқур таассурот қолдириши кузатишлардан маълум бўлди. Кутубхонада болаларга она тили ҳақида гапира туриб, шоирларимизнинг тилимиз ҳақидаги шеърларини ёддан айтиб бериш ва тавсия қилиш ўз самарасини кўрсатади.

Назаримизда, бундай шеърларнинг ўқувчилар томонидан ёд олинмоғи ўқувчи хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиб, унинг қалбида она тилига бўлган муҳаббатини ошириб боради. Натижада, яхшигина адабий тарбия кўрган ўқувчилар, китобхонлик сўровининг кенглиги ва барқарорлиги, ўз ёшига нисбатан мураккаб асарларни идрок этиш имкониятлари, китобга баҳо бериш мезони нисбатан тараққий этганлиги билан ажралиб турадилар. Уларда шеърятга қизиқишнинг кучлилиги кузатилади.

Масалан, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон, Хуршид Даврон ва бошқаларнинг эл орасида машҳур бўлиб кетган асарларидан олинган парчаларнинг ўзидаёқ она тилимизнинг гўзаллигини, нафосатини, луғавий бойлигини ҳис этиш мумкин. Шоирлар қўллаган содда ва чиройли иборалар, бетакрор ўхшатишлар ўқувчи қалбига чексиз қувонч олиб кириши, шубҳасиздир.

Ҳозирги ўзбек болалар адабиётида бундай содда, ўйноқи шеърларни қўллаб учратиш мумкин. Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон кабиларнинг шеърлари ёш китобхонларга манзур бўлади, албатта. Бироқ асосий

масала бундай шеърларни ўқувчига қай тарзда, қайси йўллар билан сингдиришда. Айниқса, шеърнинг оҳанги, ундан кейин мазмуни китобхонни ром қилади. Шоир томонидан кўчма маънода ишлатилган сўзлар, ибораларнинг маънолари тушунтириб берилса, таъсирчанлик янада ортади. Ана ўшандагина ўқувчиларда шоирларнинг бошқа асарларига ҳам қизиқиш уйғонади. Кутубхоналардаги кузатишлар шуни кўрсатадики, ёш китобхонлар насрий асарлар орасида машҳур кишилар, донгдор шахслар, давлат ва жамоат арбоблари тўғрисида ёзилган китобларни ҳам берилиб ўқийдилар. Чунки, биографик характердаги китоблар болаларнинг ўз шахсиятини англаб етиш билан боғлиқ жумбоқларни ҳал этишда, ўзгалар дардига ҳамдард бўлиш эҳтиёжини қондиришда ёрдам беради. Аниқроқ қилиб айтганда, ўқувчи ўша шахсга ўхшашга, унинг босиб ўтган йўлидан маълум бир сабоқ олишга интилади. Кутубхоначи айнан ўша руҳий кечинмаларни тўғри пайқаб, унга биографик характердаги бошқа бир асарни тавсия этиши мумкин. Умуман, бизда ҳозирга қадар бундай асарлар жуда оз эмас. Ғафур Ғулوم, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Худойберди Тўхтабоевларнинг асарларидан ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Агар кутубхоначи ўз кузатишлари асосида фаолият юритса, ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг яна бир қатор ўзига хос йўлларини қўллаш мумкин бўлади. Шундай ўзига хос йўллардан бири - китобхоннинг маълум фан тармоқлари бўйича қизиқишини ўрганиш ва ўша тармоқларга китобхон диққатини жалб этишдир.

Умуман, кутубхоналар олдида турган асосий вазифалардан бири китобхонларни илмий-оммабоп адабиётлар билан ҳам таништириб боришдир. Бу анча мураккаб масала саналади. Чунки илмий-оммабоп адабиётлар мураккаб характерга эга бўлиб, илмий услубда ёзилгани, конкрет фактларга асослангани ва бошқа хусусиятлари билан бадиий асарлардан кескин ажралиб туради. Очигини айтганда, илмий-оммабоп адабиётларга қизиқиш ҳар доим ҳам ихтиёрий тарзда бўлавермайди. Бунда оддий хоҳиш эмас, балки мактаб дастурини бажариш бўйича мажбурият устунлик қилади, яъни фанлар бўйича тайёрланиш зарурати ўқувчини илмий адабиётлар билан ишлашга мажбур қилади. Кутубхоначи эса мана шу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиши, уларда илмий адабиётлар билан ишлашнинг

илк малакаларини бошланғич синфлардан шакллантирмоғи зарур. Бу эса жуда осонлик билан амалга ошадиган жараён эмас. «Жуда кўп ўқувчилар мактабда ўқиш даврида ва уни битиргандан сўнг ҳам илмий китоблар билан ишлаш йўлларини билмайдилар. Чунки бундай китобларни ўқиш, уни тушуниш, у билан ишлаш ва олган билимини ҳаётга татбиқ этиш жуда катта сабр-тоқатни, мунтазам шуғулланишни, яъни уқиб олиш малакасига эга бўлишни тақозо этади. Бу ишни амалга оширишда ўқитувчи, кутубхоначи ва китобхон-ўқувчи биргалиқда ҳаракат қилиши лозим» [75,135].

Ўқувчиларда илмий-оммабоп адабиётлар билан ишлашга оид кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришда ўқитувчи ва кутубхоначининг ўзаро ҳамкорлиги талаб қилинади.

Болаларнинг ҳиссиётларига жиддий таъсир кўрсата оладиган шундай воситалар борки, кутубхоначи улардан ҳам унумли фойдалана олиши мумкин. Жумладан, юртимизда туғилиб ўсган, дунё илм-фани тараққиётига чексиз ҳисса қўшган аждодларимиз ҳақида ёзилган китоблар ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Шу ўринда Ал-Хоразмий ва Ал-Фарғонийларнинг фаолияти, илм-фанга қўшган ҳиссаси тўғрисида сўзлаб бериш, кейин ўша китобларни тавсия қилиш ўз самарасини беради.

Айни пайтда Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳандаса (геометрия) илмидаги буюк хизматлари, унинг Шарқда қозонган обрў-ҳурмати, Фарғона шаҳрида барпо этилган мажмуа тўғрисида гапириб бериш ҳам китобхон қалбида чексиз ифтихор туйғуларини пайдо қилади. Бу жараёнда кутубхоначининг ўқитувчи билан ҳамкорлиги зарур. Зотан, ўқитувчининг дарсда айтганларига кутубхоначининг хатти-ҳаракатлари мос тушсагина кутилган натижага эришиш мумкин бўлади.

Кутубхоначи коинот, космик кемалар, атом қуроли, атом сув ости кемалари тўғрисида сўзлаб бериши, шу мавзуга оид кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга аталган китобларни тавсия этиши лозим. Шунингдек, осмон жисмлари, юлдузлар тўғрисида гапира туриб, буюк мунажжим Мирзо Улуғбек, унинг расадхонаси ҳақида ҳикоя қилиб бериш ҳам китобхонда илмий-оммабоп адабиётларга нисбатан қизиқиш уйғотиши мумкин.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология каби фанларга ўқувчилар рағбатини оширишнинг ҳам ўзига хос йўллари мавжудки, уларни ўз ўрнида қўллаш боланинг китобхонлигини

ривожлантириш учун яхши натижа беради. Назаримизда, кутубхоначи ижодкор, ўз касбининг фидойиси бўлса, ҳар бир кутубхонада бундай имкониятлар жуда кўплигини англаб олади.

Маълумки, кутубхона ўз заҳирасини доимий тарзда тўлдириб боради. Агар шу жараёнда ўқувчилар сўровлари ҳисобга олинса, уларнинг эҳтиёжлари, талаб ва сўроқлари асосида фонд комплекланса, белгиланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Бунинг учун кутубхоначи нашр қилинаётган адабиётлардан яхши хабардор бўлиши керак.

Шу ўринда кичик бир мулоҳазани ҳам айтиб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказларининг республикамызда нашр қилинаётган барча адабиётлардан хабардор бўлишлари, ўз фондларини уларнинг барчаси билан мунтазам тўлдиришлари қийин. Бироқ ушбу муаммони ижобий ҳал этиш йўллари топилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирликларининг биргаликдаги нашри - «Китоблар дунёси» журнали шу масалада айни муддао бўлди. Агар барча кутубхоналар ушбу нашрга обуна бўлиб, ундаги маълумотлардан ўринли фойдалана олсалар, ўқиш маданияти бўйича ҳам яхши самарадорликка эришган бўлур эдилар. Мазкур нашр бўйича бир истак шундан иборатки, болаларга мўлжалланган адабиётлар бўйича алоҳида рукн очилиб, босилиб чиққан адабиётлар рўйхати бериб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, мактаб дастуридаги бир канча фанлар ўқувчига эстетик тарбия беришга йўналтирилган. Шундай фанлардан бири – тасвирий санъатдир. Кутубхонада болалар диққатини тортадиган ажойиб китоблар, турли хил журналлар, картиналар мавжудки, уларнинг болага эстетик таъсири кучли бўлади. Фақат бу сурат ва манзаралар моҳиятини китобхонга етказиш йўлларини излаб топилмаганга қадар келлади. Тасвирий санъатга бағишланган китоблар ҳақидаги суҳбатда узундан-узун ҳикоя қилишдан қочиш керак. Болаларнинг эътиборини образни юзага келтирувчи ёрқин деталларга қаратган маъқул. Шундай йўл тutilса, болалар ўзларини ҳамкор, асар персонажлари, образларнинг муаллифдошлари деб ҳис қиладилар. «Суратнинг мазмунини баён қилиб берманг, у ҳақдаги китобга, бўёқ, шакл, композиция воситасида тасвирланаётган нарса ва ҳодисага ўз муносабатини

ифодалаётган санъаткор услубига асосланиб, уни кўрсатинг. Болалар расмдаги деталларга эътибор беришади, персонаж, инсон хулқ-атворидаги ўзига хос хусусиятларни илгашади, шу жиҳатдан уларга расм, этюд, кораламаларда акс этган алоҳида деталларнинг тўлақонли бадиий образга айланиш жараёни кизиқарлидир» [67,123].

Ўқувчининг маънавий оламини бойитадиган, уни гўзаллик, эзуликка чорлайдиган воситалардан бири - мусикадир. Шу сабабли ҳам мусика таълими мактаб дастурида асосий фанлар қаторидан жой олган. Кутубхона мусика маданиятини оммавий тарғиб қилишнинг ўзига хос усулига эга. Бу аввало мусикани жамоа бўлиб тинглашда кўринади.

Аслида, мусика санъати мураккаб санъат, уни ўргатиш бошқа, тарғиб этиш бошқа. Кутубхоначи китобхонга мусикий адабиётларни тарғиб этади.

Кутубхоначи ўқувчилар билан ишлаганда кўпроқ амалий суҳбатлар олиб борса, китобхонга таъсир кучи кенгайди. Масалан, ўқувчиларга мусика ҳақида гапираётиб юртимизда ўтказилаётган турли кўрик-танловлар тўғрисида маълумот бериши мумкин. Жумладан, «Ўзбекистон - Ватаним маним», «Шарк тароналари» каби кўрик-танловларнинг моҳияти болаларга тушунтириб берилиши керак. Айни пайтда «Булбулча» хор жамоаси, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг фаолияти ҳақидаги суҳбатларни ҳам ўқувчилар мароқ билан тинглайдилар. Охир-окибатда уларда мусикага эътибор кучайиб, мусикий тафаккур нишонлари юзага кела бошлайди.

«Излаган имкон топар» деганларидек, кутубхоначи ўз фаолиятида ўқиш маданиятини тарбиялашнинг турли-туман йўллариини ўрганиши, ҳар хил усуллардан фойдалана олишига тўғри келади. Айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ўзига хос усулларни излайди. Назаримизда, ана шундай усуллардан бири китоблардаги расмлардан фойдаланишдир. Одатда, кутубхоначи боланинг ҳаяжонини кузатган ҳолда унга китобдаги расмларни кўрсата бошлайди. Агар эътибор берилса, бола 1-2 жойдаги расмни кўргач, унинг ҳаяжонлари орта бошлайди. Айни пайтда бола китобдаги эпизодларга, асар қаҳрамонларига, воқеа-ҳодисаларга кизика бошлайди. Масалан, «Зумрад ва Қиммат»

эртагини ўқишдан аввал, унинг нигоҳи эртақ асосида чизилган суратларга тушади. Суратлар эса боланинг қалбида ажиб бир таассурот қолдиради, унинг хаёлот оламини кенгайтиради. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, китоб ўқишга қизиқтиришда ва болаларда ўқиш маданиятини тарбиялашда китоблардаги расмларнинг аҳамияти улкан. Китобдаги расмларни болалар билан бирга кўриб, уни гапириб бериш бола онгини, фантазиясини бойитади.

Табиийки, барча китобхонлар ҳам китобларга чизилган расмларнинг асл мазмунини англаб етавермайдилар, ҳатто чизилган расмлардан тескари хулоса чиқариши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам кутубхоначи китобдаги расмлар хусусида бола билан алоҳида тавсия суҳбати ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Суҳбатда болага китобнинг расмларини, муаллифини, рассомини, асар воқеаларининг бўлган вақти ва жойини кўрсатиб, китобхон диққатини китобнинг асосий жиҳатларига тортади. Айни шу жараёнда ҳам китобхон ўқишини фаоллаштириш имкони туғилади. Нафақат мактаб ўқувчиларида, балки катта ёшли китобхонларда ҳам китоблардаги расмларга эътибор кучлилиги кузатилади. Хусусан, кўпгина ўқувчилар билан суҳбат қурган чоғимизда биз шу нарсага амин бўлдикки, китобни хоҳ кутубхонадан, хоҳ китоб дўконидан биринчи бор қўлга олганда, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ундаги расмлар, иллюстрациялар ўзига ром қилади. Шу китобда акс этган расмларнинг мазмуни, ундаги боғлиқликни билиб олишга бўлган қизиқиш уни китобни бошдан охиригача ўқиб чиқишга ундайди. А.Умаров фикрича, «Мутолаага бўлган шахсий эҳтиёжларнинг шаклланиш жараёни жамият таъсири остида кўплаб омилларнинг, мутолаа рағбатининг турфалиги, яъни танлашга ташқи таъсир кўрсатувчи ҳаракатлар, адабиётни қабул қилиб олиш ва унга баҳо бериш баробарида қийин ва мураккаб шарт-шароитлар замирида кечиши мумкин. Барча кутубхона-библиографик таъсирлар, шунингдек китобнинг маълум бир сифатлари (унинг тузилиши, мундарижаси, безатилиши) мутолаа рағбати бўлиб китобхонга хизмат қилади» [114,107].

Кўпчилик ўқувчилар билан бўлган суҳбатларда ўқувчиларнинг 78% китоб танлашда аввал ундаги расмларга аҳамият қаратишларини таъкидладилар. Демак, бу ҳолат ҳам китобхонда

Ўқиш маданиятини тарбиялашнинг воситаларидан бири - китобдаги расмлар эканидан далолат беради.

Кутубхоналардаги газета-журналлар учун махсус хоналарнинг мавжудлиги китобхон учун катта қулайлик бўлиб, истаган газета ёки журнал билан танишиб чиқиш имконини беради. Бола газета ёки журналлардан ўзи учун қизиқарли материални топа олса, унинг кейинги сонларини сабрсизлик билан кута бошлайди. Айниқса, ўша нашрларнинг бирида ўзининг ёки ўртоқларининг мақоласига кўзи тушиб қолса, ўша газета ёки журнал бола учун янада қизиқарли манбага айланиб қолади. Фикримизча, кутубхоначи баъзи китобхонларни ўзининг фаол аъзосига айлантиришда шу усулдан ҳам фойдаланиши мумкин.

Абу Абдулла Рўдакийнинг «Агар ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим» деган мисралари халқимиз орасида нақлга айланиб кетган. Назаримизда, бу мисралар биз таҳлил қилаётган китоб-кутубхона-китобхон тизимига бевосита дахлдордир. Негаки, китобхон дастлаб ўқитувчи ва кутубхоначи кўмагида таҳсил олса, бора-бора у мустақил ўқиш малакаларини эгаллаши, ўқиган китобидан ўзига тегишли хулосалар чиқара олиши лозим. Бу борада китобхонга кутубхонанинг очиқ жавонларидаги луғатлар, қомуслар жуда қўл келади. Чунки она тилимизнинг жуда катта маънавий бойлиги мужассамлашган луғатлар, хоҳ изоҳли, хоҳ таржима луғатлари бўлсин, улар ўқувчига сўз кудратини, шуқуҳини, имкониятларини намоёиш қилади. Лекин бу ўринда ҳам кутубхоначининг онгли аралашуви зарур. Чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчи луғатлар тўғрисида тасаввурга эга бўлмаслиги, ундан фойдаланиш йўлларини билмаслиги мумкин. Хусусан, унга кутубхоначи луғат мақоласи, бош сўз, сўз маъноларининг берилиш тартиби, сўзларни изоҳлаш коидалари, далилий кўчирмалар, рим ва араб ракамларининг қўлланиш тартиби, сўз бирикмалари ва ибораларнинг берилиш ўрни, ромбик белгисининг қўлланиш жойи ҳақида қисқача маълумот бериши лозим.

Кузатувларга қараганда, бугунги кунда юқори синф ўқувчиларини кўпроқ икки тилли таржима луғатлар қизиқтиради. Айниқса, ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганишга эътибор кучайган пайтда улар ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, ўзбекча-русча, русча-ўзбекча, шунингдек, француз, немис, испан, араб,

япон, корейс тиллари бўйича яратилган луғатларга эҳтиёж сезмоқдалар. Мазкур луғатларнинг кўпчилиги ҳозирда кутубхоналарда мавжуд. Ўқувчиларга кичик мактаб ёшидан бошлаб бундай таржима луғатларида берилган бош сўзларнинг ўзаги, қўшимчалари, уларнинг ўзга бир тилдаги муқобиллари тўғрисида, қўлланилиши ҳақида қисқача маълумот берилиши керак. Кутубхоначи томонидан берилган маълумотлардан кейингина болалар луғатларнинг аҳамиятини теранроқ англай бошлайдилар. Дарвоқе, луғатлар сўзларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки инсон тафаккурининг маҳсули эканлиги, кўплаб олимларнинг неча йиллик меҳнати эвазига юзага келганини билиб оладилар. Шундан кейингина ўқувчиларда луғатларга нисбатан онгли муносабат шакллана бошлайди. Бу эса уларда ўқиш маданияти даражасининг ўсиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда мактаб ўқувчиларининг қомусларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда. Бунинг бир қатор объектив сабаблари бор. Биринчидан, XXI аср ахборот асри сифатида тезкор маълумотларни тақозо этмоқда. Иккинчидан, ҳозирги кун талаблари асосида яратилган мактаб дарсликлари ўқувчиларни «дарсликлардан ташқарига чиқиш»га, қўшимча материаллардан унумли фойдаланишга ундамоқда. Учинчидан, газета ва журналларда берилётган турли хил бошқотирма - кроссвордларнинг ечимини топишга бўлган интилиш, телевидениеда кўрсатилаётган турли хил теле-шоулардаги саволларга жавоб ахтариш зарурати ҳам қомусий адабиётларга бўлган талабни ошириб юборди.

Бизнингча, кутубхоначи ўқувчиларнинг энциклопедияларга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаши билан бирга, ундан фойдаланиш йўллариини ўргатиб бориши зарур. Бунда, аввало, луғат ва энциклопедиянинг бир-биридан фарқли жиҳатлари кўрсатиб ўтилиши керак. Чунончи, икки тилли луғатда сўзга, қомусларда эса тушунчага изоҳ берилиши тушунтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Қомусда бош сўзларнинг қисқартма шаклда ҳам берилиши мумкинлиги, луғат мақолалари турли хил суратлар, чизмалар, хариталар билан таъминланиши мумкинлигига ўқувчининг эътибори қаратилса, самарадорлик юқори бўлади.

Қузатишлар шунини кўрсатадики, ўқувчилар ўзлари учун мўлжалланган «У ким, бу нима», «Болалар энциклопедияси»,

«Оймома» каби қомусий адабиётлардан ташқари, катталар учун мўлжалланган «Ўзбек миллий энциклопедияси», «Саломатлик», «Энциклопедик луғат», «Тошкент» каби қомусий-маълумотнома нашрларидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Кутубхоначи томонидан бериладиган қисқа тушунтиришлар орқали ўқувчи-китобхон бундай асарлардан қай тарзда фойдаланишни ўрганиб олади. Натижада, бирор-бир асарни танлаб, ундан ўзига керакли маълумотни топиб фойдаланиш кўникмалари ривожлана боради. Шунинг таъкидлаш лозимки, танлаб ёки топиб ўқишнинг аҳамияти шундаки, у бирор-бир доклад, иншо, реферат ёзиш ёки сўзга чиқиш учун керакли бўлган материални, ахборотни тез ва пишиқ тайёрлашга ёрдам беради. Бунинг учун китобнинг тузилишини ва унинг аппарати билан ишлаш йўлини билиш керак. Шунинг учун ҳам кутубхонада луғатлар, справка адабиётлари, энциклопедияларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш йўллари билан ўқувчилар таништириб борилади.

Кутубхона маърифат маскани сифатида китобхон ўқишини ўрганиш, унда ўқиш маданиятини тарбиялаш борасида фаолият кўрсатишнинг жуда катта имкониятига эга. Жумладан, юқорида кўриб ўтилганидек, болалар ўқишига яқка тартибда, алоҳида-алоҳида ёндашув асосида ҳам раҳбарлик қилиш мумкин. Бунинг ўзига хос йўллари, назаримизда, бирмунча конкрет ва фактлар асосида кўрсатиб берилди.

Айни вақтда таъкидлаб ўтиш жоизки, кутубхоначилик ишидаги мавжуд тажрибалар асосида кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялашнинг оммавий шакллари ҳам мавжуд. Чунончи, китоблар кўрғазмаси, адабиётлар обзори, ўқишлар туркуми, ўқилган китоб ҳақида суҳбатлар, китоблар муҳокамаси, китобхонлар конференциялари, хилма-хил адабий ўйинлар, оғзаки журналлар, адабий кечалар болаларнинг ўқишига раҳбарлик қилишнинг асосий оммавий шакллари ҳисобланади. Ҳар бир минтақа ўз хусусиятидан келиб чиқиб, маҳаллий шароитлар асосида, ўз имкониятларини ҳисобга олиб, қайси шакллардан фойдаланишни ҳал этиб келган. Республикамизнинг бир қатор кутубхонашунослари бу масалада ўз асарларида умумий тарзда фикрлар билдириб ўтганлар. Профессор Э.Йўлдошев кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари бўйича фикр юритиб, кутубхоналардаги оммавий тадбирларни 2 турга ажратиб

кўрсатади: «Кутубхонада ўтказиладиган оммавий ишлар асосан китобни кўргазмали усулда тарғибот қилиш (китоб кўргазмаси, кутубхона плакати, диафильм, видеопозитивлар) ва оғзаки усулда тарғибот қилиш шакллари (обзор, бадиий ўқишлар, маърузалар, мунозара, конференция)га бўлинади» [67,127].

Кўпгина кутубхоначилар суҳбат ва маслаҳат (консультация)га эътибор билан қарашади. Маълумки, маслаҳат-консультациялар учун махсус жой танлаб ўтирилмайди. Одатда, китоблар жавони, кўргазмалар, каталоглар ва картотекалар олдида олиб бориладиган консультацияларнинг самараси кўпроқ бўлади. Шу ўринда консультациянинг асл мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш муҳимдир. «Консультациянинг муҳим вазифаси - китобхонга ўқиш пайтида қийинчиликлар дуч келиши мумкинлигини айтиб бериш, унга маълумотнома нашрларини таклиф этишдан иборат. Ўқишнинг психологик ҳолатини яратиш-идрок этишда олдиндан муайян фаолликка тайёр бўлишлик - консультациянинг муҳим мақсадларидан бири. Шундай қилиб, бадиий асарни тўлақонли идрок этиш, унинг бадиий қийматини тушуниш учун муҳим бўлган асар хусусиятларини таъкидлаб, китобхонларга шарт-шароит яратиш мумкин» [75,49]. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашда суҳбат усулидан фойдаланиш ўринлидир. Чунки, бу ёшдаги болалар билан бўладиган самимий суҳбат жуда кўп нарсаларни очиб беради. Одатда суҳбат ифодали ўқишдан олдин ёки кейин, кўпинча бола китобни мустақил ўқиганидан сўнг олиб борилади. Агар мустақил равишда ўқилган бўлса, бола уни қанчалик тушунган-тушунмаганлиги сиёнаб кўрилади. Бунинг учун у китобдаги қаҳрамонлар ва воқеаларни эслаб қолган-қолмаганини текшириш учун саволлар берилиб, бу саволлар биргаликда ҳал қилинади. Бундай суҳбат, биринчидан, боланинг нутқини, сўзлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилса, иккинчидан, китобнинг тушунмаган жойларини тушунишга, учинчидан эса муҳокама қилишга ўргатади. Педагогик амалиётда педагогик жараённинг моддий, объектив жиҳати доимо руҳий жараёнлар билан қўшилган ҳолда мавжуд бўлиб, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайди [65,73].

Ж.Ф.Йўлдошев ва С.А.Усмоновлар фикрича, педагогик жараённи психологик механизмларсиз амалга ошириб бўлмайди. Инсондаги билимларнинг ҳосил бўлишида ундаги 5 та сезги

аъзолари воситасида қабул қилинган ва ишлаб чиқилган ахборотлар нисбати қуйидагича:

Кўриш аъзоси орқали - 83%

Эшитиш аъзоси орқали - 11%

Ҳид билиш аъзоси орқали - 3,5%

Тери сезгиси орқали - 1,5%

Таъм билиш аъзоси орқали - 1%

Жами - 100%

Турли сезги аъзоларимиз иштирокида ўзлаштирилган ахборот орадан 2 ҳафта ўтгач, қуйидаги миқдорларда эслаб қолинади:

Ўқиганимизнинг 10%

Эшитганимизнинг 20%

Кўрганимизнинг 30%

Кўрган ва эшитганимизнинг 50%

Гапирганимизнинг 80%

Гапирган ва амалда бажарганимизнинг 90%.

Бундан инсоннинг эслаб қолиш қобилияти ахборотни қайси усулларда ва қайси сезги аъзолари воситасида ўзлаштирганига боғлиқ эканлиги маълум бўлади. [65,73]. Демак, кутубхоналарда олиб бориладиган ўқиш маданиятини тарбиялашдаги барча ишлар боланинг ахборотларни қабул қилиши ва ўзлаштирилишига асосан турли усулларда олиб борилади.

Кутубхоналар тажрибасида ўқилган китоб ҳақида гуруҳли суҳбат ўтказиш анъанаси ҳам мавжуд. Бунда болаларни ҳаяжонлантирган асар ҳақида бироз вақтдан кейин суҳбат ўтказилгани маъқул. Чунки бу даврда болада ўқиб чиққан китоби тўғрисида хилма-хил фикрлар туғилади, ҳатто китобхонда бири-бирини инкор этувчи қарашлар пайдо бўлади. Ана шундан кейин кутубхоначи мазкур асар ҳақида аввал ўқувчиларнинг фикрини эшитиб кўриши, суҳбат охирида ўз фикрини айтгани маъқул бўлади. Натижада, ўқувчиларда китобни тушуниб, мулоҳаза қилиб ўқиш малакалари шакллана боради. Айни пайтда кутубхоначи ҳар бир ўқувчининг китобхонлик савиясини ҳисобга олган ҳолда уларга китобдан энг керакли, энг муҳим нарсаларни билиб олиш

йўлларини ўргатади, имконияти ва қобилиятига қараб оддий китоблардан мураккаброқ китобларни ўқишга етаклайди.

Кутубхоначи китобхон қизиқишларини кучайтириб бориш мақсадида оммавий шакллардан бир нечасини қўллаши мумкин. Масалан, китоб кўргазмаси, плакатлар, расмли картотекалар, турли хил альбомлардан унумли фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Буларнинг орасида китоблар кўргазмаси алоҳида ажралиб туради. Чунки у кутубхона бойлигини ўқувчиларга очиб бериш шароитини яратиб беради. Адабиёт тарғиботининг энг кўзга кўринган ва таъсирчан кўргазмали воситаларидан бири китоб кўргазмасидир. Унда ўқувчи бевосита китобнинг ўзини ўз кўзи билан кўради, китоб ташқи қиёфаси билан уни ўзига тортади. Кўргазмалар болаларни аниқ бир мақсадга қаратилган режали мутолаа қилишга ўргатади, зеро, китобларнинг ҳар бири ўқувчи учун мутолаанинг тайёр режасини тақдим этади.

Китоб кўргазмалари, айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун жуда муҳимдир. Чунки ушбу кўргазмалар 1-2-синф ўқувчиларига қайси китобни қандай танлаб олиш ва ўқиш кераклигини ўргатади. Натижада, кўргазмадаги китоблар болалар ўртасида оммалашиб бораверади. Айниқса, кўргазма бошланғич синф ўқувчиларида катта таассурот қолдиради, улар кўргазмани кўргач, ўзлари ўқимаган китобга нисбатан қизиқиш уйғонади ёки ўқиб чиққан китобларини яна эсга оладилар.

Шу ўринда масаланинг педагогик томонига эътибор бериш лозим. Чунончи, аввало, кўргазманинг мавзуси аниқ белгилаб олиниши керак. Унинг кимларга мўлжаллангани, қайси тоифадаги ўқувчиларни қамраб олишни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниб чиройли сарлавҳалар танланиши, жарангдор, ўқувчини ўзига жалб қиладиган сўзлардан иборат бўлиши зарур. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун кўргазмалар чиройли, қизиқарли, унча катта бўлмаган, бироқ тез-тез янгилаб туриладиган бўлиши керак. Кўргазмани безашда болалар ясаган қўлбола расмлар, тасвирлар, қўғирчоқлар, ўйинчоқлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан: «Биласизми?» сарлавҳаси остида бошланғич синф ўқувчилари учун атроф-муҳит, бизни ўраб турган она табиат, унинг сир-асрорлари ҳақида китоблар кўргазмаси ташкил этса бўлади. Унда «Қайси гуллар вақтни кўрсатади?», «Доим ям-яшил бўлиб

турадиган дарахтлар борми?», «Нима учун чўлдаги ўсимликларда баргнинг ўрнига тиконлар ўсади?» каби турли хил қизиқтирувчи саволлар болани ўзига жалб этувчи рангларда берилади. «Бу саволларга жавоб топмоқчи бўлсанг қуйидаги китобларни ўқи!» тарзида ушбу мавзуга оид китоблар кўргазмаси ташкил этилади. Китоб фондиди кўргазма ва плакатлар орқали очиб берилиши натижасида болалар ўзларини қизиқтирган мавзудаги китоблар билан танишиш имконига эга бўладилар. Кутубхоначи 1-4-синф ўқувчилари учун китоб кўргазмаси ташкил этар экан, шу ёшдаги болалар онгига яқин мавзулар ва китобларни тавсия этиши зарур. Шунингдек, кўргазма орқали кутубхоначи фақатгина китобларни эмас, балки ушбу танланган мавзунини очиб беришда болаларга аталган газета ва журналлардаги мақолалардан ҳам фойдаланиши ўринлидир. Кўргазма орқали болада аввал унинг диққатини жалб этмаган саволларга жавоб топиш истаги уйғонади. Ва бу истак болани амалий ҳаракатга киришга мажбур қилади, яъни китобларни ўқиб чиқиш томон етаклайди. Республика болалар кутубхонасининг китобхонлари билан олиб борилган суҳбатлардан шу нарса аён бўладики, болалар кўпинча аввал ўзларини қизиқтирмаган мавзуга кўргазма орқали қизиқиб қолишади ва кўргазмадаги барча китобларни ўқиб чиқишга ҳаракат қилишади. «Мен авваллари турли халқ эртақларини ўқишни ёқтирардим, — дейди 3-синф ўқувчиси Нигина, — кутубхонадаги «Шоирлар болаларга» деган кўргазмадаги жуда чиройли ранг-баранг китобларни кўриб, бу китобларга қизиқиб қолдим. Жуда қизиқарли шеърлий китоблар экан. Шундан бери мен шоирларнинг асарларини, уларни болаларга аталган шеърларини ўқий бошладим». Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бу ёшдаги болаларни ноихтиёрлик диққатини ёрқин сарлавҳалар, қизиқарли саволларни ёритувчи китоблар албатта жалб қилади. «Қизиқарли ҳикоялар» деб номланган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун мўлжалланган кўргазмада 18 та китоб жойлаштирилди. 1 ой ичида ушбу китоблар 200 мартадан кўп сўралган. Кўргазмадан аввал ушбу китобларга етарли қизиқиш сезилмаган эди. Кўргазма материалларининг китобхонлар ўртасида оммавийлашиши учун у ёш китобхонларнинг қизиқиши ва имкониятларидан келиб чиқиб тузилган бўлиши керак. Кўргазма учун китоб танлаётган кутубхоначи китоблар сонига эътибор бериши керак. 1-синф

ўқувчилари учун кўргазма 4-5 китобдан иборат бўлади. 2-3-синфлар ёки 3-4 синф ўқувчилари учун ташкил этиладиган кўргазмаларда эса китоблар сони аста-секин ошириб борилади. Танланган мавзу бўйича фонддан мазмун жиҳатдан ҳам, иллюстрациялар жиҳатдан ҳам энг сара 15-20 тагача китоблар танланади. Агар китобнинг муковаси қизиқарли бўлмаса, унинг қизиқарли, бола эътиборини жалб қиладиган саҳифасини очиб қўйиш мумкин. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, китобхон кўргазмадаги китобларни фақат томоша қилмайди, балки уларни кўлига олиб варақлаши, яқинроқ танишиши мумкин.

Кутубхоналарда китоблар кўргазмасига ҳамоҳанг тарзда китоблар обзори ҳам ўтказилиб турилади. Маълумки, бу тадбир китобхонлар сўровини кондириш, кутубхонадаги ҳар хил адабиётларни кўрсатиш мақсадида амалга оширилади. Айни пайтда кутубхонада адабиётлар шарҳини ўтказиш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Бинобарин, адабиёт шарҳи кутубхонадаги оммавий ишларнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Бу маълум режа бўйича тузилган оғзаки ҳикоя бўлиб, унда китоб ва мақолаларнинг тавсияси берилди. Адабиёт шарҳи мутолаани яхшилаш, китобхон талабини ошириш мақсадида қилинади. Бундан асосий мақсад болалар эътиборини китобга жалб этиш, уларни қизиқтиришдир. Бутун шарҳ тугал, яхлит, ғоявий мукамал, ҳиссиётли, тушунарли ва қизиқарли бўлиши керак.

Маълумки, кутубхонадаги оммавий ишларнинг ажралмас бир қисми ифодали ўқишдир. Ифодали ўқишнинг самарали томони шундаки, кичик ёшдаги болалар ўқишдан кўра эшитишни маъқул кўрадилар. Бундан ташқари, китобни ўқиб берадиган кишининг интонацияси, ўқиш техникаси юқори бўлса, асар мазмуни болаларга тез сингади ва улар ҳам яхши ўқишга интиладилар. Агар ўқилган матн ёки асар сўзлаб берилса, болалар китоб мазмунини теранроқ тушуниб оладилар ва ўзлари ҳам сўзлаб беришга ўрганадилар. Бу эса ўқиш маданиятининг шаклланишидан далолат беради.

Кузатишлардан маълум бўлдики, 1-2 синф ўқувчилари асосан кичик ҳажмли, персонажлари кам бўлган китобларни қизиқиб ўқийдилар. Лекин катта ҳажмли, кўп персонажлар қатнашадиган китоблар улар учун бирмунча оғирлик қиладди. Шунинг учун ҳам кутубхоналарда катта ҳажмли китоблардан ифодали ўқиш учун

фойдаланадилар. Чунки ифодали ўқиб берилганда улар ҳажми каттароқ китобларни ҳам ўзлари ўқиғандан кўра, осонроқ тушунадилар. Ифодали ўқиш ҳам кутубхоначидан, яхши тайёргарликни талаб этади. Аввало, ифодали ўқиш учун танланган китоб, ҳикоя ёки шеър бир-икки марта ўқиб чиқилиши, қизиқарли расмларга эътибор берилиши лозим. Шундан кейин асар таҳлил қилиниши, китобнинг мазмуни, ғояси, муаллиф услуби аниқланиши керак. Бунда кутубхоначи белгиланган матнни қандай ўқиш, яъни қаерда тўхтаб пауза қилиш, қаерини секин ёки баланд овозда ўқиш кераклигини билиб олиши жоиз. Бу жараёнда у матндаги тиниш белгиларининг аҳамиятини тўғри англаб олиши шарт.

Ифодали ўқишнинг аҳамияти тўғрисида ўзбек шоир ва ёзувчилари, машҳур педагог олимлар ҳам юқори баҳо берганлар. Жумладан, машҳур ўзбек маърифатпарварлари Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айнийлар, педагог олимлардан Субутой Долимов, Сиддик Ражабовлар асарларида бу ҳақда қимматли фикрлар билдирилган. Демак, ифодали ўқишга муносабат фақат XX асрда эмас, балки эски мактабларда ҳам кучли бўлган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда кутубхонада ифодали ўқиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш ҳамда унинг ўзига хос томонларини ўзлаштириш лозим бўлади. Дарвоқе, ифодали ўқишни ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари куйидагилардан иборат:

1. Танланган китоб болаларга таниш, бадиий юксак савияда, содда тилда ёзилган бўлиши керак. Бундай асарлар асосан ўзбек, қардош халқлар ва чет эл болалар адабиётининг юксак намунасидир.

2. Халқнинг нодир ижод намуналари ўзининг теран халқчиллиги, тил жозибadorлиги ва юксак бадиийлиги билан мароқлидир. Зотан, уларда халқнинг орзу-умидлари, қаҳрамонлиги, ватанпарварлик туйғулари акс этгандир [67,125].

Биз кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялайдиган қандай оммавий шакллар ҳақида гапирмайлик, аввало, ўша тадбирнинг педагогик жиҳатига эътибор қаратишимиз лозим. Чунки бизнинг тадқиқот объектимишни мактаб ва болалар кутубхоналари ташкил этади. Кутубхоначининг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳатто бир

мимикаси ҳам китобхонга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам кутубхоначи асарни қанчалар теран ўқиса, қаҳрамонлар руҳиятига қанчалик чуқур кириб борса, уларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккабликларни нозик илғаса, образлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳамда уйқашиб кетишларни сеза олса, муаллиф нуқтаи назари борасида диққат билан ўйланса, ўқиш жараёнига бўлган педагогик таъсир шунчалар фойдали ва унумли бўлади.

Табиатдаги воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги ҳаммага маълум бўлганидек, жамиятдаги ўзгаришлар ҳам бири иккинчисини тақозо этади. Жумладан, кутубхона фаолиятида ҳам бир тадбир иккинчиси билан, бир шакл бошқа бир шакл билан ҳамбарчас боғланиб кетади. Масалан, ифодали ўқишлар ўз мазмун-этибори ила овоз чиқариб ўқишлар ёки сўзлаб бериш, ҳикоя қилиб бериш усулларига ҳамоҳангдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, овоз чиқариб ўқишлар - кутубхонанинг катталар ва болалар, айниқса, кичик тарбия ёшидагилар билан муомала қилишнинг энг самарали усули бўлиб, у болаларга мустақил ўқиш пайтида уларнинг этиборидан четда қолган нарсаларни кўрсатиш имконини беради.

Кўринадики, овоз чиқариб ўқиш бола ҳали ўқиш малакаларини яхши эгалламаган 1-2-синф ўқувчилари учун ниҳоятда зарурдир. Овоз чиқариб ўқиш ҳам, сўзлаб бериш ҳам болани китобга жалб қилишдаги табиий усул бўлиб, ҳатто бу одат оилада ҳам амалга оширилиши зарур. Машҳур педагог А.С.Макаренко таъкидлаганидек, «имкони борича ўқиш ҳар кунини ва доимий равишда олиб борилиши лозим. Аввало ота-оналар ўқиб беришса, сўнгра бу ишни болаларнинг ўзига топшириш мақсадга мувофиқдир».

Овоз чиқариб ўқиш ва сўзлаб беришга ўзбек халқ эртақлари жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ҳар хил фантастик, сеҳрли эртақларни сўзлаб бериш мақсадга мувофиқдир. Қизиқарли маънодор эртақлар болаларни қурраи замин билан яқиндан таништиради ҳамда уларнинг кўпгина саволларига жавоб беради. Кутубхоначи бу жараёнда доимо эртақларнинг тарбиявий томонини эсдан чиқармаслиги керак.

Овоз чиқариб ўқиш қайси синф ўқувчиларига мос тушади, деган савол туғилиши табиий. Бундай тадбирнинг, асосан, 1-2-синф ўқувчиларига мос тушиши ҳақида юқорида гапириб ўтилган эди. Шунини айтиш жоизки, овозли ўқиш 3-синф ўқувчилари учун ҳам муҳимдир. Бу уларга китобни тўла тушунишга ёрдам беради. Бу вақтда болаларнинг асосий эътиборини табиат тасвирига доир сўзлар, воқеалар, эпизодларга, қатнашаётган шахсларнинг характерларига жалб қилиш лозим. Овозли ўқиш ёзувчидаги тил нафосатини, ифода чиройлилигини ҳис қилишга, унинг услубини китобхон томонидан сезишга, тушунишга олиб келади. Катталарнинг ифодали ўқишини эшитгач, унинг ўзида ўқишга кизикиш пайдо бўлади ва ўзи мустақил ифодали ўқий бошлайди. У интонация ва пауза билан ўқишни ўрганади, диалогда қатнашаётган шахсдек ролларга бўлиб ўқишга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси ўқиш сифатини оширишда ва боланинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Овоз чиқариб ўқиш шеърини асарлар устида ишлашда ҳам ўзини тўла оқлайди. Чунки шеърларнинг аксарияти оҳангдор, мусикавий кувноқ бўлгани учун ҳам уни тинглаганда ёш китобхонларда яхши кайфият юзага келади. Бундай ҳолатларда китобхонга ўша шоирнинг бошқа бир шеърини тавсия этиш мумкин бўлади. Натижада болаларда ижодий фаоллик куртаклари ривожлана бошлайди.

Ифодали ўқиш, овоз чиқариб ўқиш билан бирга сўзлаб бериш шаклидан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Аслида, сўзлаб бериш ифодали ўқишдан кўра кўпроқ тайёргарлик кўришни талаб қилади. Аввало, сўзлаб бериш учун бирор асар танланади. Ушбу асар бир неча марта синчиклаб ўқиб чиқилади, асарнинг ғоявий-бадиий жиҳатларига эътибор берилган ҳолда керакли, муҳим нуқталар белгилаб олинади. Айрим кутубхоначилар асар тўғрисида шундай усталик билан сўзлаб берадиларки, уни эшитганлар гўёки сеҳрланиб қолишади. Демак, кутубхоначининг маҳорати ила ёш китобхон эътибори бутунлай бошқа бир оламга кўчади, фикри-хаёли фақат ўша китобда бўлади. Албатта, сўзлаб беришдан олдин шеър, ҳикоя ва эртакларда учрайдиган нотаниш сўзлар, тушунилиши қийин бўлган сўзларга қисқача изоҳ берилиб, уларнинг маъноси айтиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар

асар ёддан айтиб берилса, унинг самарадорлиги янада ошади. Буни тегишли соҳа мутахассислари кўп марта уқтиришган.

Баъзи ўқувчилар берилган мавзуни ёки бирор китобни кунт билан ўқиб чиқиши мумкин. Лекин дарсда ўқитувчининг ҳузурда ўша мавзуни кўнгилдагидек айтиб беролмайди. Бунинг натижасида у яхши баҳо ололмасдан, ўзига бўлган ишонч йўқолиб, ўқишга бўлган муносабати ҳам салбий томонга ўзгариши мумкин. Тажрибадан шу нарса маълумки, агар ўша ўқувчи ўқиб чиққан китобини бировга гапириб берса, ҳамма керакли нарсалар унинг ёдида қолади. Кўпинча ўқилган китобни бировга сўзлаб бериш ёки у билан шу китоб тўғрисида суҳбатлашиш ҳам асарнинг мазмунини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Профессор Э.Й. Йўлдошевнинг таъкидлашича, китоб устида фикрлашиш, мунозара қилиш ва баҳслашиш уни тўлақонли тушунишга олиб келади [67,155]. Фикримизча, кутубхонада - болалар ўқиш маданиятини оширишдаги оммавий шакллардан оқилона фойдалана олиш учун кутубхоначининг ижодкор шахс бўлиши шарт. Агар у ўз кузатишлари асосида иш юритса, қайси китобхоннинг қайси асарга қандай шаклда қизиқишини ўрганиб олса, келажакдаги ишлари бирмунча осон кўчади. Бизнингча, бундай имкониятларни кутубхонада яратиш мумкин. Масалан, кутубхоналарда ифодали ўқиш жараёнида нафақат кутубхоначининг ўзи ўқиши, балки ифодали ўқиш намуналари қайд қилинган аудио ва видеокассеталардан, ҳар хил радио ёзувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунончи, ёқимли овоз соҳиблари, театр ва кино арбоблари, телевидение ва радиодаги етакчи сухандонлар ижросида керакли матнлар ёздирилиб, болаларга эшиттирилса, албатта, китобхон қизиқишига сезиларли таъсир қилади. Хусусан, Ёқуб Аҳмедов, Қодир Махсумов, Темурмалик Юнусов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Дилором Умарова, Раҳимбой Жуманиёзовларнинг овозли ёзувлари кутубхоналарда қўйиб эшиттирилса, кўрсатилса, ўйлаймизки, болаларнинг сўз санъатига, адабиётга бўлган қизиқишлари ошиб боради.

Маълумки, кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашдаги оммавий шакллардан бири - китоблар муҳокамасидир. Одатда, бу тадбир анча жонли ўтади. Чунки унда бадиий савияси, китобхонлик даражаси турлича бўлган ўқувчилар иштирок этишлари мумкин. Бизнингча, бу шаклнинг педагогик аҳамияти катта. Аввало, китоб

муҳокамаси оркали китобхон фикри анча фаоллашади, китобга бўлган иштиёқ кучайиб боради, энг муҳими, китобга нисбатан онгли муносабат, адабий дид ривожланиб боради. А.Умаров таърифича, ўқиш маданиятини тарбиялашда ўқувчи томонидан маълумотни англашнинг тўртта босқичи бўлиб, булар куйидагилардир:

Биринчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини англаб, ҳикоя қилинаётган воқеанинг сюжетини ҳамда унинг асосий жиҳатларини эслаб қолади.

Иккинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини ҳамда сюжетни англаб, воқеалар ривожини маълум даражада башорат қила олиш қобилиятига эга бўлади.

Учинчи даражада ўқувчи матнга ва унда ҳикоя қилинаётган воқеага ўзининг мустақил муносабатини билдириб, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олади ҳамда асар эпизодларини таҳлил қила олади.

Тўртинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини тўла англаб, воқеани мустақил таҳлил қила олади [114, 37].

Демак, китобни муҳокама қила олиш учун китобхон маълумотни англашнинг тўрт босқичини ҳам босиб ўтади. Э.Исломов «Китоб муҳокамаси - бу ўқилган китоб юзасидан эркин фикр алмашув бўлиб, шахсий нуқтаи назарни, китобга нисбатан шахсий муносабатни ўзида намоён этади, ўз фикрини далил-исботлар ёрдамида кизгин ва моҳирлик билан ҳимоя этишни талаб қилади. Муҳокаманинг педагогик қиймати ана шу билан белгиланади», [63,69] деб ҳисоблайди.

Кутубхоналарда ҳозирги пайтда бундай тадбирларни ўрта ва юқори синф ўқувчилари билан олиб бориш анъанага айланган, лекин кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари билан ҳам китоб муҳокамаларини ўтказиш яхши натижалар беради. Китоб муҳокамасига маълум вақт оралиғида тайёргарлик кўрилади. Мактаб ўқитувчиси билан келишилган ҳолда муайян бир китоб синф ўқувчиларига тавсия қилинади. Китобни танлашда унинг ғоявий-бадиий, эстетик мазмуни, шунингдек, китобхонлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Баъзи кутубхоналарда китоб муҳокамасига бағишлаб махсус плакатлар тайёрланади. Назаримизда, бу жуда тўғри йўналиш бўлиб, у

ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилади, ўқувчини муҳокамага жиддий тайёргарлик кўришга чорлайди.

Айни пайтда китоблар муҳокамасида қанча китобхон иштирок этиши, қайси синф ўқувчилари доирасида ўтказиш каби муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Бизнингча, мактаб кутубхонасида муҳокама ўтказилганда бу жараёни битта ёки икки-учта параллел синф ўқувчилари иштирокида олиб борган маъқул. Болалар кутубхонасида эса китоб муҳокамалари ўтказилганда имкони қадар бир-бирига яқин синфларнинг ўқувчилари қатнашгани мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ҳамда уларнинг психологик тайёргарликларига боғлиқ тарзда кутубхонада ўтказиладиган оммавий тадбирларнинг ҳам салмоғи ошиб бораверади. Кўринадики, мазкур тадбир ўқувчилардаги ўқиш маданиятининг такомиллашиб бораётганидан, китоблар ҳақида ўз фикрини, муносабатини билдира оладиган китобхонлар жамоасининг шаклланишидан далолат беради. Шунинг учун ҳам кутубхоначилар бундай тадбирларнинг ўтказилишига жиддий эътибор бериши, имкони қадар ўқитувчилар билан ижодий ҳамкорлик қилиши, китобхонларда масъулиятлилиқ ҳисларини таркиб топтириши зарур.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, кутубхонада ўқиш маданиятини таркиб топтиришнинг хилма-хил воситалари мавжуд. Бунда ўқувчиларнинг ёшига мос воситалар танланиши уларда руҳиятнинг кўтарилишига ва китоблар оламига кириб келишида муҳим роль ўйнайди. Кузатишлар натижасида айтиш мумкинки, кутубхоналарда ўтказиладиган адабий ўйин ва **викторина**ларнинг ўзига хос ўрни бор. Негаки, кичик ёшдаги болаларни китобхонликка ўргатишда ўйиннинг аҳамияти катта. Педагоглар ўртасида ўтказилган оммавий сўроқлар натижасида С.А.Шпаков шундай хулосага келди: «Таълим жараёнида юқори синф ўқувчиларининг ўқув фаолиятида ўйинларнинг қўлланилишини 1% ўқитувчилар ёқладилар, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида эса ўйиннинг қўлланилишига 41 % ўқитувчилар тарафдорлик билдирганлар. Реал ҳолда эса ўқув жараёнида ўйинни юқори синфларда 3%, бошланғич синфларда эса 24% қўлланилиши аниқланган» [77,130]. Аслида, болаларга ўйин орқали кўп нарсани ўргатиш мумкин. Буни оила даврасида, синфда, кутубхонада тез

айтишлар, топишмоқлар, ҳазил шеърлар айтишдан бошлаш керак. Агар жиддий шуғулланилса, болалар ўқиган китобидаги қаҳрамонларнинг ҳолатларини ўйин орқали, ўз хатти-ҳаракатлари билан кўрсатишлари мумкин. Айти пайтда китоб ёки ҳикоя мазмунини мусобақа - ўйин воситасида ҳам ифодалаш имкониятлари мавжуд. Шу боисдан ҳам, адабий ўйинлар ва викториналар ишни жонлантиради, ёш китобхонларнинг вақтини хуш қилади, ҳар нарсага самимий қизиқиш ва ғайрат ҳиссини уйғотади, билимини кенгайтиради, улар мусобақа руҳини олиб киради, кўпроқ берилиб ўқишга истак пайдо қилади, ўқилганларни эслаб қолишга, қиёслашга, ўйлашга ундайди [63,73].

Бизга маълумки, топишмоқ ва мақолларда халқнинг зукколиги, топқирлиги, тафаккур олами, бутун бошли тарихи, қадимий анъана ва маросимлари, бебаҳо сўз бойлиги яширинган бўлади. Худди шу хусусиятларига кўра, топишмоқ ва халқ мақолларидан ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашда ҳам усталик билан фойдаланиш мумкин. Чунки, топишмоқ болада ўткир зеҳни, тез фикрлашни, топқирликни тарбиялайди, шу билан бирга уни кўпроқ ўқиш ва билим олишга ўргатади.

Мақолларни айтганда эса, уларнинг чуқур мазмунини, маъносини мисоллар, воқеа-ҳодисалар воситасида тушунтириб беришга ҳаракат қилиш керак. Чунки, халқ мақоллари ўзининг афористик хусусияти, чуқур маънони ихчам ва содда ифода этиш йўли билан фарқ қилади. Бу эса болага мантиқий фикрлашни, фикрни қисқа, содда ифодалашни ўргатади ҳамда ўқиган нарсасининг моҳиятини яхшироқ, чуқурроқ англаб олишга ёрдам беради.

Шу ўринда китобхонларнинг шеърӣ ўйинлари ҳақида ҳам фикр билдириш жоиздир. Чунки шеърӣ ўйинлар ҳам муҳим тарбиявий аҳамият касб этиб, улар болалардаги ҳис-туйғуларнинг таъсирчан қатламига таъсир этиш орқали улардаги ақлий қобилятнинг ўсишига кўмаклашади. Буни бугунги ўзбек шеърӣятининг истеъдодли вакиллари ижодидан ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, Анвар Обиджон шеърӣяти беқиёс юмор туйғусига, жиловланмас хаёл, сўзни бетакрор ишлата олиш қобилятига, товушни имконият даражасида ранг-баранглаштиришга тўлиб тошган. Унинг шеърлари шакл жиҳатдан мукамал бўлиб, маъно товланишига, сўз ўйинларига лиммо-лим.

Демак, кутубхоначи адабий ўйинларда шеъриятнинг чексиз кудратини ўқувчига тушунтириб бера олиши керак. Айти пайтда бошқа тадбирларда бўлгани каби, адабий ўйинларда ҳам китобхонларнинг вақти, ёш хусусиятлари билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Кутубхоначилар кўпинча адабий эрталиклар ва адабий кечалар шаклида ҳам китобхонлар билан учрашувлар ташкил қилиши мумкин. Адабий кеча - бу саҳна асари бўлиб, ёш китобхонлар онгига жиддий таъсир кўрсата олади. Агар кутубхоначи китобхонлар орасидан жамоалар тузиб, ушбу тадбирни ўтказадиган бўлса, бу ҳам маълум бир асарларнинг оммалашувига сабаб бўлади. Адабий эрталиклар эса адабий кечадан бир мунча фарқланади. Мутахассисларнинг фикрича, «адабий эрталиклар кўпинча мавзуга оид бўлиб, бирон-бир ёзувчининг асарларига, шонли саналарга, бирон-бир жанрдаги асарларга бағишланади.» [63,67]. Одатда, эрталик бир соатча давом этиб, куйидаги режада олиб борилади:

1. Кириш сўзи.
2. Бадиий қисм.
3. Адабий ўйинлар ва викториналар.

Одатда, болаларнинг психологик хусўсиятларини ҳисобга олиб, 1-2 синф ўқувчилари учун ўтказиладиган ушбу тадбирларга 20-25 минут, 3-4 синф ўқувчиларига 30-35 минут ажратиш етарлидир [47, 17]. Агар эрталик узоқ давом этса, болалар диққат қилиб эшитишдан чарчайдилар ва залда шовқин-сурон кўтарилади, эрталикнинг охириги қисми қабул қилинмайди. Тузилган дастур болалар диққатини ўзига жалб қила олиши керак. Адабий ўқишларни саҳна кўринишлари билан, мусиқий чиқишлар билан кетма-кетликда жойлаштириш лозим. Ёш китобхонлар эрталикларга тайёргарлик жараёнида фаол иштирок этадилар. Эрталикнинг вазифаси фақатгина фаол китобхонларни эмас, балки барча китобхонларни иштирок этишга жалб қилишдир. Шу мақсадда эрталикка бағишланган китоблар бўйича савол-жавоб тарзида адабий ўйинлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ёш китобхонлар адабий ўйинларни жуда ёқтирадилар, чунки болаларда баҳслашиш, китоб тўғрисида ўқиганларини эсга олиб, берилган саволларга жавоб топиб, ўртоқларидан ўзиб кетиш имконияти туғилади. Бундай ўйинлар болаларни китобни диққат билан ўқишга, унинг қаҳрамонларини эслаб қолишга, китоб муаллифи

ҳақида ҳам маълумот тўплашга ундайди. Эрталиклар кутубхоналардан ташқарида, дам олиш масканларида, болалар боғчаларида ҳам ўтказилиши мумкин. Лекин шунини унутмаслик керакки, кутубхонада ўтказиладиган эрталикнинг асосий мақсади болалар ўртасида ахборот манбаларини тарғибот қилишдан иборатдир. Эрталиклар кутубхонага янги китобхонларни жалб қилишда, китобларни ўқувчилар орасида тарғиб этишда ёрдам беради.

Биз кутубхона фаолиятининг ҳар бир қиррасини, кутубхоначининг ҳар қандай хатти-ҳаракати замирида тарбиявий мақсад ётишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Чунончи, эрталиклар мазмунида ҳам кўз илғамас ҳолатлар борки, улар ўқувчига тарбиявий жиҳатдан таъсир кўрсатишга йўналтирилгандир. Эрталикнинг тарбиявий аҳамияти шундаки:

- у болаларни бир мавзу атрофида бирлаштиради;
- ўша мавзунинг ўзига хослигини очиб беради;
- фаол китобхонлар учун ўз ўртоқларига китобларни тавсия этиш имкониятини яратади;
- янги мавзудаги китоб ва мақолаларнинг ўқишлишига сабаб бўлади.

Ҳар қандай ташкилотда, ҳар қайси соҳада ҳам ўз касбининг фидойилари, шу соҳанинг жонқуярлари бўлмаса, ўша соҳанинг ривожини, раванқ топишини тасаввур қилиш қийин. Худди шу ҳолатни биз тадқиқ қилаётган мавзу доирасида ҳам кўришимиз мумкин. Чунончи, кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнида фаол китобхонлар гуруҳини шакллантирмасдан туриб кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бинобарин, фаол, ўз мустақил фикрига эга китобхоннинг ўз тенгдошларига кўрсатадиган таъсири кутубхоначи томонидан амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлардан қолишмайди. Шу сабабли ҳам кутубхоналарда фаол китобхонларни тарбиялашга жиддий эътибор билан қаралиши керак.

Сўровнома натижаларидан, ёш китобхонларнинг 34% и китоб танлашда ўртоқларининг таъсирини эътироф этганлар. Шунингдек, синфда мавжуд 1-2 та фаол китобхон 20 та ўртоғини кутубхонанинг фаол китобхонига айлантира олади. Бундай ҳолатлар кутубхоначилар иш тажрибаларида кўп кузатилган.

Кутубхонада фаол китобхонларни тарбиялашнинг турлича йўллари мавжуд. Бунда болалар билан ишлашнинг ҳам якка (шахсий), ҳам оммавий усулларидан фойдаланиш мумкин. Қайси усулни қўллаш кутубхона имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Ёш китобхонларнинг фаоллигини ошириш йўлларидан бири - ота-оналар ва ўқитувчилар билан доимий тарзда олиб бориладиган ҳамкорликдир. Кутубхоначи боланинг кутубхонага илк ташрифидан бошлаб, ўз кузатишлари асосида китобхондаги ўзгаришларни қайд қилиб бориши, ижобий жиҳатларни рағбатлантириб туриши лозим. Бу ҳақда синф раҳбари ва фан ўқитувчилари билан доимий мулоқотда бўлиб туриш жуда фойдалидир. Айниқса, ота-оналар билан суҳбатда китобхоннинг ижобий томонларини мактаб кўрсатиш, унинг қизиқишлар доираси кенгайиб бораётганидан огоҳ этиш, шу сабабли ҳам янги нашрдан чиққан адабиётларни олиб бериш зарурлигини таъкидлаш зарур. Бу эса болани янада фаолроқ бўлишга чорлайди. Бола ўзи ўқиган китобларини ўз ўртоқларига тавсия этишга ўрганиб боради.

Фаол китобхонларни тарбиялашнинг яна бир шакли - кутубхоналарда фаолият кўрсатадиган тўғараклардир. Маълумки, кутубхоналарда китобхонлар қизиқишини ҳисобга олган ҳолда тўғараклар ташкил қилинади. Мазкур тўғараклар маълум дастур асосида иш олиб боради. Бинобарин, тўғаракнинг фаолияти маълум бир қисқа давр билан чегараланиб қолмайди, яъни у доимий тарзда иш олиб боради. Бу эса ўқувчи-китобхон учун катта имконият туғдиради. Аввало, ўқувчи ушбу тўғарак орқали ўз билмаганларини ўрганиб олса, иккинчи томондан, ёши катта китобхонлар тажрибасини ҳам ўзлаштириши мумкин. Бу ерда ўзаро фикр алмашиш, бахс-мунозара қилиш имкониятлари кўпроқ бўлади.

Айни пайтда шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, кутубхонадаги тўғараклар мактабдаги тўғараклардан ажралиб туриши лозим. Бу тўғаракнинг асосий мақсади китобхонлардаги фаолликни оширишга, ўқиш маданиятини тарбиялашга қаратилмоғи даркор. Шу билан бирга тўғаракларнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурлари китобхонларни зериктириб қўймаслиги керак. Бунинг учун тўғаракларнинг иш дастурлари замон билан ҳамнафас ҳолда янгиланиб бориши, ёш китобхонларнинг асл қизиқишларини ҳисобга олиши шарт. Зеро, тўғарак миқёсида кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш ва

ўтказиш муҳим ҳисобланади. Кутубхоналардаги барча юқорида келтирилган ўқиш маданиятини тарбиялашдаги шакл, усул ва воситалардан ҳар бир кутубхона ўз имконияти даражасида фойдаланса яхши самара беради.

Кутубхона шунчаки китоблар жамланган жой эмас, балки илм-маърифат, маънавият маскани эканлигини ўзини англаган ҳар бир фуқаро билиши керак. Кутубхона, айниқса, ўз фаолиятидаги оммавий шакллар орқали ўқувчининг дунё сирларини, жамият қонунларини билиб олиш учун катта имкониятлар эшигини очиб беради. Бугунги кунда, хусусан, маънавият ва маърифат масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган ва барча куч-воситалар шунга йўналтирилган бир пайтда, кутубхоналарга бўлган талаб янада ортиб бормоқда.

Кутубхона ходимлари ўз фаолият йўналишларини давр талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб, янги-янги тадбирларга қўл урмоқдалар. Мана шундай тадбирлардан бири - кутубхоналарда ўтказиладиган **ижодий учрашувлардир**. Чунки бундай учрашувларда китобхон намуна-идеал бўлган кишилар билан юзма-юз кўришиб, уларнинг суҳбатини тинглаб, ўзи ҳам саволлар бериб, жуда кўп масалалар юзасидан жавоблар олиши мумкин. Бизнингча, ижодий учрашувлар ҳам мазмун-моҳияти билан турлича шаклларда ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кутубхонада илм-фан, маданият ва санъат арбоблари, машҳур спортчилар билан ўтказиладиган ижодий учрашувлар китобхонда жуда ёрқин таассурот қолдиради. Кутубхоналарда болалар ёзувчилари, шоирлари, адабиётшунос олимлар, турли соҳа мутахассислари билан учрашувлар уюштириш керак. Бундай учрашувларда асосий эътибор учрашув иштирокчиларининг китобларга бўлган муносабатига қаратилмоғи лозим. Ўқувчилар китобнинг аҳамияти, жамият тараққиётидаги ўрни, умуман, китобсиз яшаш мумкин эмаслигини шоир ва ёзувчилар, олимларнинг ўз оғзидан эшитсалар унинг таъсири кучли бўлади. Болалар адабиёти ва китобхонлиги, ҳозирги адабий жараён ва адабий танқид хусусида билдирадиган фикрлар китобхонларни ўзига жалб қилади. Ўйлаймизки, бундай учрашув китобхон қалбида бир умрга муҳрланиб қолади, уни фаол китобхон бўлишга чорлайди.

Фикримизча, академик Азиз Қаюмов билан бўладиган ижодий учрашув ҳам китобхонларда ўчмас таассурот қолдиради. Бу учрашувнинг мавзуси мумтоз адабиёт бўлиши мумкин. Устознинг ўзбек мумтоз адабиётининг вакиллари, хусусан, Алишер Навоий ижоди тўғрисида билдирадиган фикрлари ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Айниқса, Алишер Навоийнинг ёшлик йилларидаги фаолияти, Хирот ва Самарқандда таҳсил олиши, китобларга бўлган муносабати, араб, форс-тожик тилларини пухта эгаллагани каби маълумотлар ёш китобхоннинг эътиборини тортади. Домланинг нутқи, Навоий ижод қилган барча тиллардаги, жумладан, форс-тожик тилидаги ғазалларни ҳам шарҳлаб бера олиши, болалар учун мураккаб туюлган ғазалларни ниҳоятда содда тилда тушунтириб бериши ўқувчини мафтун этади. Китобхонлар Азиз Қаюмов даражасига етишиш учун кўплаб китоблар мутолаа қилиш зарурлигини англаб етадилар. Бундай тадбирларнинг амалий аҳамияти жуда самарали бўлади.

Биз, одатда, ижодий учрашув дейилганда кўпроқ шоир-ёзувчилар билан бўладиган учрашувларни кўзда тутамиз. Аслида, бундай ижодий учрашувлар мактабларда ўтказиб турилади. Бирок айнан кутубхоналарда ўтказиладиган ижодий учрашувларнинг ёш китобхонларга таъсири катта бўлади. Негаки, ўқувчи мактаб дастури бўйича ёзувчи-шоирларнинг маълум бир асарлари билан танишган бўлса, кутубхонада ёзувчининг бошқа асарлари билан ҳам танишади. Бу эса китобхонда кўплаб саволлар туғдириши, табиий. Агар ижодий учрашув ўша асар муаллифи билан ташкил қилинган бўлса, бу ёш китобхон учун байрамга, катта шодиёнага айланиб кетади. Ёзувчининг асар яратилиш тарихи, ёзишга туртки берган ҳодисалар, қаҳрамонларнинг прототиплари ҳақида сўзлаб бериши болаларга қувонч бағишлайди.

Кутубхоначи бундай тадбирларга олдиндан тайёргарлик кўриши лозим. Аввало, ижодий учрашувларнинг режаси ишлаб чиқилиб, тадбир ҳақида эълон осиб қўйилиши, ёзувчи ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазма тайёрланиши керак. Кўргазма орқали ҳам ўқувчилар ижодий учрашувга келадиган адиб ижоди тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлади. Кутубхонада ўтказиладиган учрашувда кутубхоначининг адиб ижоди ҳақида қисқагина сўзи кифоя қилади. Бунда узундан-узук, илмий маърузалардан қочиш лозим. Чунки боланинг бутун диққат-

этибори, нигоҳи ёзувчига қаратилганини, унинг сўзини интиқлик билан кутиб ўтирганини унутмаслик керак. Шу боисдан ҳам, кўпроқ ёзувчининг ўзига сўз бериш, ёзувчи ва ўқувчиларнинг эркин мулоқотини ташкил этиш фойдали бўлади.

Шу ўринда яна бир таклифни ўртага ташлаш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Таклиф шундан иборатки, одатда, китобхонларга китоб мутолааси ҳақида кўпроқ гапираму, бироқ уни авайлаб асраш тўғрисида, китобларнинг юзага келиш жараёни, китоб босиб чиқариш хусусида етарлича маълумот бермаймиз. Ваҳоланки, кутубхонада олиб бориладиган оммавий тадбирлар сирасига нашриёт муҳаррирлари ва босмаҳона ходимлари билан ҳам ижодий мулоқот ўтказиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Нашриёт муҳаррирлари китобнинг ёзилиш жараёни, уни таҳрир қилиш ишлари хусусида сўзлаб берсалар, босмаҳона ходимлари уни чоп этишнинг мураккабликлари, қаңча-қаңча одамларнинг меҳнати самараси эканлиги ҳақида гапириб ўтсалар, китобхоннинг китобга муносабатида кескин ўзгариш содир бўлади. Айни пайтда ўқувчиларга республикаміздаги нашриётлар, хусусан, болалар учун адабиётлар босиб чиқариладиган «Чўлпон», «Камалак», «Янги аср авлоди» каби нашриётлар ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилганидек, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва психологик ҳолатлари ҳар қандай тадбирда ҳам ҳисобга олиниши лозим. Чунончи, ижодий учрашувларда ҳам ёш китобхоннинг қизиқишлари, ёзувчи ёки шоир томон талпиниши, уни бутун вужуди билан тинглаши, кўнглига келган ҳар қандай ўй-фикрларни ҳеч тортинмасдан айта олишини ҳам табиий деб қабул қилиш керак. Баъзида кутубхоначи ўқувчиларнинг ҳаракатини чегаралашга, маълум қолипдаги саволлар беришга уринади. Бизнингча, ижодий учрашувлар ўз номига яраша ижодий тарзда олиб борилиши керак. Айниқса, шоирлар билан бўладиган учрашувлар китобхонни ниҳоятда тўлқинлантириб юбориши мумкин. Чунки ўқувчи дарсларда шоирларнинг шеърларини ёд олган бўлса-да, ўша шеърни шоирнинг ўз оғзидан эшитиши унинг учун жуда катта воқеа даражасида қабул қилинади. Китобхон ўша шеърларни шоир билан бирга айтишга ҳаракат қилади ва бундан олам-олам завқ олади. Учрашув ниҳоясида адибларнинг ўз китобларига ёзиб берадиган дастхатлари эса ўқувчининг рағбатига

рағбат кўшади. Энди у ўзини катта одамлардек тутишга интила бошлайди, айна пайтда бундай дастхатли китобларни тезроқ ўқитувчилари ва тенгдошларига, ота-оналарига кўрсатишга ошиқади.

Кутубхоналарда ўтказиладиган ижодий учрашувлар китобхонларда муҳим бир омилни - китобга, адабиётга меҳр-муҳаббат билан ёндашувни юзага келтиради. Ёзувчи ёки шоир тимсолида ўз ҳаёлидаги идеал инсонни, келажак ҳаётида намуна бўладиган шахсни топгандек бўлади. Ўқувчи ўзига намуна бўлган шахснинг хулқ-атвори билан ўзининг хатти-ҳаракатини солиштиради ва ўзининг ижобий ёки салбий жиҳатларини англаб етади. Натижада унда ўзини тарбиялашга боғлиқ яна бир муҳим хислат вужудга келади [127,146].

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкин: ижодий учрашувлар ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашдаги асосий воситалардан бири бўлиб қолади. Бунда:

- Ижодкор ва китобхон ўртасида ҳақиқий ижодий мулоқот шакли юзага келади.
- Китобхон ўз фикр-мулоҳазасини бемалол, эркин айтиш имконига эга бўлади.
- Айна пайтда ўқувчида адибнинг асарларига, умуман, китобга бўлган муносабат ижобий томонга ўзгара бошлайди.
- Китобхон адиб сиймосида ўз идеалини кўргандек бўлиб, унга эришишга, кўпроқ китоб ўқишга, ниҳоят ўзи ҳам келгусида шундай асарлар ёзишга рағбат сезади.

Буларнинг барчаси китобхоннинг ўқиш маданияти борасида янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради. Шу боисдан ҳам кутубхоналар ўз иш фаолиятида ижодий учрашувларга жиддий эътибор беришлари ва буни маълум бир режа асосида олиб боришлари зарур.

Маълумки, ўқувчиларга эстетик тарбия бериш ҳам кутубхонанинг асосий фаолият йўналишларидан бирини ташкил этади. Аслида, эстетик тарбия ва ўқиш маданияти бир-бири билан узвий боғлиқ тушунчалардир. Мактаб дастуридаги кўп фанлар ўқувчида гўзалликни тушуниш туйғуларини шакллантиришга йўналтирилган бўлса-да, лекин бу борада, назаримизда,

кутубхонанинг имкониятлари катта. Чунки, кутубхонада, биринчидан, адабиёт, санъат, маданият ҳақида китоблар кўп. Иккинчидан, бу борада ижодий учрашувлар ташкил этиб, ўқувчиларни гўзаллик сари, нафосат оламига бошлаш мумкин.

Аввало, театр ва кино санъати тўғрисида китобхонлар билан ажойиб суҳбат ташкил этиш мумкин. Ўқувчиларга санъатнинг муҳим тури сифатида театр қандай хусусиятларга эга эканлиги, театрнинг пайдо бўлиши, унинг инсон ҳаётидаги ўрни, спектаклларнинг яратилиш жараёни ҳақида маълумот бериш ҳам уларни театр ҳақидаги китобларни ўқишга рағбатлантиради. Айниқса, тарихи узоқ ўтмишга бориб тақаладиган кўғирчоқ театрлари тўғрисида ҳикоя қилиб бериш болаларда ўчмас таассурот қолдиради. Назаримизда, бундай суҳбатлар ижодий учрашув тарзида олиб борилиб, унда таниқли театр актёрлари, ўзбек киносининг усталари қатнашсалар, ўқувчилар ўзлари учун янги бир оламни кашф этадилар.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар мультфильмларга жуда қизиқадилар. Бу уларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ, албатта. Бизнингча, кутубхонадаги ижодий учрашувларда айнан шу ҳолатларни ҳисобга олиш, имкони борича мультфильмларнинг яратилиш жараёни, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот бериш керак. Хусусан, болалар севиб томоша қиладиган «Алпомиш», «Қундуз амакининг қиссалари» каби мультфильмларга асос бўлган асарлар тўғрисида сўзлаб бериш фойдали бўлади. Айни пайтда Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри, Республика кўғирчоқ театри ва вилоятлардаги кўғирчоқ театрлари ҳақида ҳикоя қила туриб, асосий эътиборни спектаклнинг қайси асар асосига қурилгани, ундаги образларнинг тарбиявий аҳамиятига қаратиш зарур. Кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашга қаратилган барча шакл, усул ва воситалар замирида ўқувчилар ўргасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, китоб ва кутубхонадан рационал фойдаланишга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш вазибалари туради.

Ўқиш маданиятини тарбиялаш кутубхонанинг болалар ўқишига раҳбарлик қилиш ишидаги асосий таркибий қисмларидан бири саналади. Маълумки, кутубхона мактаб таълим-тарбия жараёнининг узвий қисми, муҳим ҳалқаси ҳисобланади. Шу

боисдан кутубхоначи мактаб ҳаётини чуқур билиши зарур. Кутубхоналарда болалар мактабда олган билимларини тўлдириши, ривожлантириши, чуқурлаштириши назарда тутилади. Болани китоб ўқишига муҳаббат уйғотиш ва ўқилган нарсаларига кизикиш ҳосил қилиш, мутолаанинг усул ва воситалари билан таништириш, адабиётни тушунишга ўргатиш, асарнинг мазмунига ҳиссий муносабатни тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда, синфдан ташқари таълимни ташкил этишда кутубхоналар энг яхши кўмакчидир. Китоб билан инсон ўртасидаги муносабатда тарбия жараёни вужудга келар экан, бу жараёни бошқариш, албатта, педагогик характерда бўлиши керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялашда кутубхоналарнинг тарбиявий таъсир кўрсатиш воситалари, имкониятлари каттадир. Улардан меҳнат тарбияси, ахлоқий, экологик, эстетик тарбия каби жиҳатлари кутубхоналар иш йўналишининг, таъсир доирасининг асосини белгилайди.

Кутубхонанинг иш жараёни адабиётлар, турли хил манбалар, ахборот ресурсларидан иборат экан, табиийки, уларнинг мавзуси турли ҳилдир. Шунинг учун кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик имкониятлари таҳлил этилар экан, ўқувчиларни китобхон сифатида тарбия-лашнинг турли шакл, усул ва воситалари назарда тутилади.

Кутубхоначи ўз фаолиятида ўқиш маданиятини тарбиялашнинг турли-туман йўллариини ўрганиши, ҳар хил усуллардан фойдалана олиши лозим. Айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун ўзига хос усулларни излайди. Кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ўзига хос йўллари мавжуд бўлиб, кутубхоначилар мазкур йўлларнинг ҳам яққа (шахсий), ҳам оммавий шаклларидан фойдалана оладилар. Жумладан, ҳар бир ўқувчининг ёш хусусиятлари ва психологик тайёргарлиги ҳисобга олинади.

1. Кутубхоначи мактаб дастуридаги фанлар, улардаги ўзгаришлар билан танишиб бориши, ўқувчининг қайси фанларга кизикишини, қобилияти, руҳий имкониятлари даражасини ҳисобга олган ҳолда китоблар тавсия этмоғи лозим.

2. Кутубхоначи ўқувчининг айна пайтда муайян фан дастуридаги қайси қисм ва мавзулар устида ишлаётганидан хабардор бўлиши ҳамда адабиётларни тавсия этаётганида шу жиҳатларни назарда тутиши керак бўлади.

3. Ўқувчининг эътиборини кўпроқ ўз устида ишлашга, мустақил фикрлаш, мустақил билим олиш каби хислатларни шакллантиришга, бунинг учун эса қўшимча адабиётлар, ахборот ресурсларидан фойдаланиш зарурлигига йўналтирилмоғи мақсадга мувофиқдир.

4. Ўқиш маданиятини тарбиялашнинг турли шаклларида биргаликда фойдалана олиш - кутубхонанинг асосий воситаларидан биридир.

III БОБ. КУТУБХОНАЛАРДА ЎҚИШ МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИК ДАРАЖАСИ

3.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш методлари

Кутубхоначилик ишидаги мавжуд тажриба шунини кўрсатадики, кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг энг самарали воситаси - кутубхоначилик-библиография билимларини ўқувчилар орасида тарғибот қилишдир. Бунинг энг самарали йўлларида бири кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш ҳисобланади. Маълумки, жамиятда юз берадиган ҳар қандай воқеа-ҳодиса ҳам муайян бир қонуниятлар асосида юзага келади, бири иккинчиси билан ҳамма вақт боғлиқ бўлади. Жумладан, биз тадқиқ қилаётган муаммо – ўқиш маданиятини тарбиялаш масаласи ҳам, агар масалага чуқурроқ кириб борилса, фақатгина кутубхона доираси билан чегараланиб қоладиган муаммо эмас. Ҳозирга қадар келтирилган фактлар ҳам кўрсатиб турибдики, бу жуда чуқур ижтимоий, маънавий-маърифий муаммолар сирасига киради. Бу оилавий шароит билан, мактаб дастурлари билан, жамиятнинг ижтимоий буюртмаси билан узвий алоқадор масаладир. Шу сабабли ҳам, ривожланган малакатларнинг ўрта мактаб дастурларида кутубхоналар тўғрисида маълумот бериб борилади, яъни асосий фанлар қаторида ўқувчилар учун кутубхоначилик дарслари ҳам ўтказилади. Англияда бошланғич синфлар учун ҳар бир ўқув хоналарида кичкина кутубхоналар мавжуддир.

Биз шахсий тажрибамиздан шунга амин бўлдикки, юқоридаги бобларда қайд этилган барча тадбирлар кутубхоначилик дарслари доирасида ташкил этилса самарали натижалар беради. Негаки, кутубхоначилик дарслари ўқувчиларни китобга эҳтиёткорлик билан муомала қилишга, ўқиганлари юзасидан мулоҳаза юритишга, унга ўз муносабатини билдиришга, ўқиган китоблари бўйича қайдномалар тутишга, каталоглар ҳақида маълумот олишга, ўз мутолаа талаби ва мақсадини шакллантиришга ўргатади [63,83]. Барча шакл ва усулларни биргаликда қўллаш натижасида биз ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг юқори

натижаларига эришишимиз муқаррардир. Кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботи ҳусусида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борганлар. Булардан В.Г.Валькова, М.Д.Коноплева ва бошқалар [32,18-40] кутубхоначилик – библиографик билимлар тарғиботининг мустақил таълим олишдаги аҳамияти, уларни мактаб ўқувчилари орасида оммалаштириш ҳусусида изланишлар олиб борган. Уларнинг ижодкор китобхонни тарбиялаш борасидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Шунингдек, М.И.Губанова [47,22] мактаб ва кутубхонанинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни китобхон сифатида тарбиялашдаги ҳамкорлиги, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ўртасида кутубхоначилик–библиография дарсларини ташкил қилиш ўқиш маданиятини тарбиялашнинг асосий омили эканини таъкидлайди.

Бугунги кунда республикада ўрта мактабларда кутубхоначилик дарслари йўлга қўйилганми, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, бу борада маълум ишлар амалга оширилган. Жумладан, профессор Э.Йўлдошев томонидан кутубхоначилик дарсларини олиб боришнинг махсус дастури ишлаб чиқилган [67,182]. Шунингдек Э.Исломов [63,22] билан ҳамкорликда мактаб-лицей кутубхоналарида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилишда, уларнинг ўқиш маданиятини тарбиялашда кутубхоначилик-библиографик билимлар тарғиботининг аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот доирасида ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнида кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботини кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўртасида тарғиб қилишнинг аҳамиятини таҳлил қилиш натижасида олинган хулосалар асосида 1-4-синф ўқувчилари учун янги дастур лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялашнинг тавсия қилинган шакл, усул ва воситаларини биргаликда қўллаб, кутубхоначилик дарслари дастур асосида ташкил этилди. Ушбу дастурга машгулотлар олиб бориш учун материаллар, шунингдек, фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати илова қилинди [126,34].

**1–4 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ БИЛАН ОЛИБ
БОРИЛАДИГАН МАШҒУЛОТЛАР ДАСТУРИ
БИРИНЧИ СИНФ**

**Мавзу 1. КУТУБХОНАГА ИЛК ТАШРИФ. КУТУБХОНА
БИЛАН ТАНИШУВ (1 соат)**

- Кутубхона бўйлаб саёҳат. Кутубхона ҳақида тушунча. Кутубхонанинг китоб бериш ва ўқув бўлими.
- Қандай қилиб мустақил китоб танлаш мумкин?
- Эртақ қаҳрамонлари билан учрашув.

**Мавзу 2. КИТОБДАН ФойДАЛАНИШ Қоидалари
(1 соат)**

- Китобларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишнинг аҳамияти.
- Китобдан тўғри фойдаланиш учун қандай қоидаларга амал қилиш керак? Китоб ўқиш гигиенаси ҳақида тушунча.

Мавзу 3. КИТОБНИНГ ТУЗИЛИШИ. (1 соат)

- Китобнинг тузилиши билан биринчи танишув: муқова, корешок, саҳифалар, безак – расмлар.
- Китоблар умрини узайтириш учун қандай ишлар қилинади?
- Китобларни таъмирлаш бўйича содда муолажаларни бажариш. Китобларга муқовалар ясаш, хатчўплар тайёрлаш.
(Амалий машғулот)

ИККИНЧИ СИНФ

Мавзу 1. КУТУБХОНА БИЛАН ТАНИШУВ (1 соат)

- Кутубхоналарнинг вазифаси. Ўқув бўлими ва кироатхона. Кутубхонада китобларни жавонларга жойлаштирилиш тартиби.
- Кутубхоначи ва китобхон.
- Компьютер кутубхонада.
- Кутубхонада ўтказиладиган адабий кечалар.

Мавзу 2. КИТОБНИНГ ТУЗИЛИШИ (1 соат)

- Китобнинг тузилиши ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш: сарварақ (муаллиф исм-шарифлари, сарлавҳа), мундарижа, сўзбоши.
- Китобнинг мазмуни ва қандай китобхонга мўлжалланганлигини аниқлаш маҳорати.
- Расм ва безаклар. Турли сураткаш расомларнинг ўзига ҳос қизиш услуби. Китоб мазмунини англашда расмларнинг аҳамияти.

Мавзу 3. КУТУБХОНАДА КИТОБ ҚАНДАЙ ТАНЛанаДИ (1 соат)

- Китоб фондларидан эркин фойдаланиш: турли мавзу ва жанрларга оид китобларнинг жойлашуви, китобларни токчаларга жойлаштириш тартиби, токча ажраткичлари. Токчалар ёнида китобларни кўздан кечириш.
- Китоб кўргазмалари.
- Хатчўплар ва улардан фойдаланиш.

Мавзу 4. БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР (1 соат)

- Газета ва журнал тўғрисида тушунча бериш. Мамлакатимизда нашр этилаётган болаларга мўлжалланган газета ва журналлар. Уларнинг мақсад ва вазифалари. Газета ва журналларга қандай обуна бўлиш мумкин?
- Кутубхоналарда газета ва журналлар қайси бўлимда жой олган.

УЧИНЧИ СИНФ

Мавзу 1. КИТОБ ҚАНДАЙ ЎҚИЛАДИ. (1 соат)

- Китоб ўқишда қандай қоидаларга амал қилиш керак? Китоб ўқиш гигиенаси нима? Муқова учун либослар.
- Китоб ўқиш учун диққатни жамлаш. Матн, бадий деталларга диққатни йўналтира олиш. Сўз боши ва хулоса.

- Тенгдошлар, ота-она, кутубхоначи билан китобни муҳокама қилиш малакаларини шакллантириш.

Мавзу 2. КУТУБХОНАДА КИТОБ ТАНЛАШ (2 соат)

- Китоб фондларидан эркин фойдаланиш: китобларни тоқчаларга жойлаштириш тартиби, тоқча ажратгичлари.
- Китоб кўргазмалари, плакатлар, альбомлар.
- Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга мўлжалланган кутубхонанинг маълумот-библиографик аппарати. Китобларни тоқчаларда жойлаштириш билан каталог ўртасидаги боғлиқлик. Кутубхоналарда компьютернинг вазифаси.
- Карготекалар. Шу ёшдаги болаларга мўлжалланган тавсия-библиографик кўрсаткичлар ҳақида тушунча.

Мавзу 3. ЎҚИЛГАН КИТОБ ҲАҚИДАГИ ҚАЙДЛАР (1 соат)

- Мутолаа кундалиги – ўқувчиларнинг мулоҳаза ва ёзма нутқларини ривожлантириш воситаси сифатида.
- Кундалик юритишнинг эҳтимол тутилган шакли. (Муаллиф, сарлавҳа, китобни мутолаа қилиш вақти, мавзу, асосий иштирок этувчилар, китобнинг китобхонада қолдирган таассуроти, кўпроқ ёкиб қолган сатрлар...) Кундаликни безаш.

ТЎРТИНЧИ СИНФ

Мавзу 1. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АДАБИЁТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ (2 соат)

- Илмий билимлар берувчи китоблар мавзусининг турли-туманлиги. Уларнинг муаллифлари кимлар? Олимлар, муҳандислар, сайёҳлар, журналистлар ҳақида.
- Илмий-маърифий китобларнинг туркумлари, уларнинг безак санъати, илмий-бадиий ва илмий-оммабоп адабиёт мутолаасининг ўзига хос хусусиятлари.

- Ахборот олиш нима? Электрон ресурслардан қандай фойдаланиш мумкин?

Мавзу 2. МАЪЛУМОТНОМА, ҚОМУСИЙ АДАБИЁТЛАР

ҲАҚИДА ТУШУНЧА (1 соат)

- Дастлабки қомуслар, лугатлар, маълумотномалар. Маълумотнома адабиётлар ҳақида тушунча.
- «Бу ким? У нима?» қомуси, «Ойнома» митти қомусий лугатча, «Болалар энциклопедияси» ва ҳ.к. Уларнинг тузилиши, материалларнинг алифбо тартибида жойлашуви. Бу китоблардан ўқув ва ижтимоий ишларда қандай фойдаланилади?
- Қомусий китобларда илмий билимлар баёнининг қизиқарлилиги.

Мавзу 3. ЎҚУВЧИЛАРГА АТАЛГАН МАТБУОТ (1 соат)

- Вақтли матбуот. Вақтли нашрларнинг китобдан фарқи. Катталар матбуоти. Турли ёш, гуруҳларга мўлжалланган газета ва журналлар (уларнинг тарихи, тиражи, безак хусусиятлари).
- Газета яратувчилари, газетанинг ахборот ва ташкилотчилик вазифалари. Ўқувчилар газетасининг болалар китоби билан алоқаси
- Вақтли нашрларни мутолаа қилиш усули.

МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИШ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

БИРИНЧИ СИНФ

1- мавзу. КУТУБХОНАГА ИЛК БОР ТАШРИФ КУТУБХОНА БИЛАН ТАНИШУВ

Олти, етти ёшдаги китобхонлар билан ишлашнинг энг самарали усулларидан бири машғулотларни адабий ўйин-топишмоқ тарзида ўтказишдир.

Дастлабки машғулотни ноябрь, декабрь ойларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу даврга келиб биринчи синф ўқувчилари мактаб ҳаётига ва ўзларининг ҳаётларидаги бундай ўзгаришга анча кўниккан ва мослашган бўладилар.

Кутубхонага уюштириладиган биринчи экскурсия, яъни танишувни ўйин тарзида ўтказган маъқулдир.

Кутубхонани қиёсий тарзда «Китоблар шаҳри» деб атаб, «Китоблар шаҳри»га саёҳатни кутубхоначи бошлаб борадиган махсус «поезд» бошлаймиз. «Поезд»га чипта сифатида таклифномалар тузилади. Таклифномада куйидаги матн бўлиши мумкин:

ҚАДРЛИ ДЎСТИМ!

Бугун сен «Китоблар шаҳри»га саёҳат қилдинг.

Сени ва сенинг дўстларингни «Китоблар шаҳри»га яна бир бор таклиф қиламиз. Билмасвой, Шум бола, Доктор Войжоним, Качал полвонлар ҳақидаги китоблар жавонларда сени кутиб қолади.

Бундай китобларни сен хоҳлаган кунинг соат ___ дан ___ гача олишинг мумкин. Бизнинг манзил _____

Бундай «таклифнома»ларга болалар китоб, кутубхона тўғрисидаги топшимоқларни топганларидан сўнг эга бўладилар. «Поезд» йўлни секин давом эттиради. 1-қоида кутубхонада қаттиқ гапириш мумкин эмас. Кираверишда болаларнинг ўз қўллари билан ясаган эртак қаҳрамонлари, ўқилган асарларига чизилган расмлар кўргазмаларини учратадилар. Китоб бериш бўлими, қироатхона асосий бекатлардир. Улардаги тартиб-қоидалар билан ушбу бўлимларнинг мезбонлари, яъни кутубхоначилар таништирадилар. Сухбат чоғида «кутубхона» тушунчасини кенгрок ёритиб бериш лозим. Китоб бериш бўлими ва қироатхоналар фарқини эса

кизикарли ўйин тарзида ҳеч нарсани билмайдиган Билмасвой ёрдамида олиб бориш мумкин. Китоб жавонларидан болаларга китобларни олиб томоша қилиш завқ бағишлайди, шу ўринда китобдан фойдаланиб, кўриб бўлгач жойига қайтариб қўйиш учун, яъни китоб ўз жойини йўқотиб қўймаслиги учун махсус белгидан фойдаланиш кераклиги ҳам айтиб ўтилади. Бу малака китобхоннинг кутубхонага кейинги ташрифларида мустаҳкамлаб борилади.

«Эртакни топинг», «Билмасвой китоблар мамлакатид» деб номланган викториналарни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

2 - мавзу. КИТОБДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИ

Биринчи синф ўқувчилари билан олиб бориладиган иккинчи машғулот, бу - болаларни китобдан фойдаланиш қоидалари билан таништиришдир. Амалиёт шуни кўрсатадики, бу ёшдаги болаларнинг кўпчилиги китобдан фойдаланиш қоидалари билан қисман бўлса-да таниш бўладилар. Машғулотнинг мақсади — китобга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, китобдан тўғри фойдаланиш борасидаги мавжуд малакаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Бу машғулот учун «Китоблар биздан хурсанд» ёки «Китобларни асранг, болалар» сарлавҳалари остида кўргазма тайёрланади. Кўргазмага бир вақтда нашр этилган ва турли хил ҳолатда фойдаланилган китоблар: яхши, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинган китоблар билан бир қаторда, болалар томонидан муковалари ифлосланган, варақлари титилиб кетган китоблар ҳам қўйилади. Шунингдек, кўп йиллар илгари нашр қилиниб, бугунга қадар яхши сақланиб, китобхонларга хизмат қилаётган китоблар билан бир қаторда улардан анча «ёш», лекин китобдан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиги учун ёмон аҳволга келиб қолган «беъмор» китобларнинг кўргазмасини ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Шунда бу китобларнинг ёшларини ҳам кўрсатиб ўтиш яхши натижа беради. Болаларга китобдан тўғри фойдаланиш учун қандай қоидаларга амал қилиш кераклиги тушунтирилади. Китоб ўқиш гигиенаси ҳақида тушунча берилади.

3 - мавзу. КИТОБНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бу машғулотда болалар китобнинг тузилиши билан таништирилади, яъни китобнинг қандай тайёрланиши, унинг муқоваси, қорешок, саҳифалари, саҳифалардаги расм-безаклар тўғрисида илк содда тушунчалар берилади. Китобларнинг умрини узайтириш учун қилинадиган ишлар ҳақида гапирилиб, китобларни таъмирлаш бўйича содда операциялар бажарилади. Болалар билан биргаликда «Китоблар қасалхонаси» ташкил этилиб, муқоваларни таъмирлаш, йиртилган саҳифаларини елимлаш ишлари бажарилади. Шунингдек, китоблар устига муқовалар яшаш ўргатилади.

ИККИНЧИ СИНФ

Мавзу 1. КУТУБХОНА БИЛАН ТАНИШУВ

Иккинчи синф ўқувчиларини болалар кутубхонасига экскурсияга олиб келишни ўқув йилининг биринчи ярмида (ноябрь-декабрь ойларида) уюштириш лозимдир. Бундан мақсад – ўқувчиларни китоб ва кутубхонадан фойдаланишга жалб қилиш. Бу вақтда кутубхонада мазмунан қизиқарли ва бадиий, тасвирий безак жиҳатдан муқаммал китоблар кўрғазмаси уюштирилади. Бу кўрғазмалар мавзулар ёки жанрлар бўйича ташкил этилиши мумкин. Кўрғазмада болалар китобининг безакчи – расомлари иллюстрацияларидан, ёш китобхонлар томонидан чизилган, ўқилган китоб қаҳрамонларининг суратларидан, эртақ қаҳрамонлари асосида ясалган ўйинчоқлар билан безатилиши мақсадга мувофиқдир. Кутубхона бўйлаб экскурсия ўтказиш бўйича кутубхоначилар бой тажрибага эгадирлар. Ўқувчиларни аввало кутубхона қандай даргоҳ? Унда қандай китоблар сақланади? Кутубхоначи ким? Унинг вазифаси нимадан иборат? - деган саволларга жавоб бериб ўтилади.

Ўқувчиларни кутубхонанинг китоб сақлаш бўлимлари билан таништириш, унда сақланаётган китобларни кўрсатиш лозим. Китобларнинг жавонларда жойлашиш тартиби тушунтириб ўтилади. Электрон ресурслар ҳақида маълумот берилади. Шунингдек, кутубхонанинг иш тартиби, китоб бериш бўлими ва қироатхонанинг тартиб-қоидалари билан таништириш керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун кутубхонада ўтказиладиган оммавий тадбирлар (адабий кечалар, ўйинлар, викториналар)

ҳақида ҳикоя қилинади. Кутубхонада ўтказилиши режалаштирилган бирон-бир тадбирга ўқувчилар таклиф қилинади.

Экскурсия охирида кутубхонадан фойдаланиш қоидалари, китобга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, китобларни белгиланган муддатда кутубхонага топшириш, очик жавонлардаги китоблардан фойдаланилганда ўрни алмаштириб юбормаслик тартиби тушунтирилиб, улар кутубхонага аъзо қилинади.

2 - мавзу. КИТОБНИНГ ТУЗИЛИШИ

Февраль–март ойларида бутун синф кутубхонага таклиф қилиниб, болалар билан китобнинг тузилиши, унинг элементлари ҳақида суҳбат ўтказилади. Мақсад – иккинчи синф ўқувчиларида китобнинг тузилиши ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, мустақамлашдир. Китобнинг муаллифи, сарлавҳаси, сўзбоши ва мундарижанинг аҳамияти, китобдаги расм ва безаклар, муаллифнинг фикрини китобхонга етказишда расмларнинг аҳамияти ҳақида маълумот берилади.

«Бугун биз рассомлармиз» деб номланган, ўйин тарзидаги танлов ташкил қилиш мумкин. Бунинг учун бирор бир эртақ ёки ҳикоя ўқиб эшиттирилади. Болалардан эса ўзларига ёққан лавҳани чизишни сўрайдилар. Болалар томонидан чизилган энг яхши суратлардан эса кўргазма ташкил этилади.

3 - мавзу. КУТУБХОНАДА КИТОБ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ

Бу машғулотнинг мақсади - ўқувчиларда кутубхонанинг очик китоб фондидан эркин фойдаланиш малакаларини шакллантиришдан иборат. Китобларни жавонларга жойлаштириш тартиби, токча ажратгичларнинг, каталог ва карточкаларнинг вазифаси ёритилади. Китоб кўргазмаларига ўқувчиларнинг эътибори қаратилиб, уларнинг турлари ва аҳамияти тушунтирилади.

4 - мавзу. БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР

Бу машғулотда болаларга аталган газета ва журналлар ҳақида маълумот бериб, уларнинг мунтазам ўқиш малакалари шакллантирилади. Ўқитувчи ёрдамида ўқувчиларнинг оилаларида обуна бўлинган ёки кўп ўқиладиган газета ва журналлардан бир нусхадан олиб келиш сўралади. Синфда мавжуд болаларга аталган

журналлар ҳақида ўқувчиларнинг ўзидан уларнинг моҳияти, вазифалари тўғрисида сўралади. Машғулот давомида ҳар бир паргада болаларга аталган «Тонг юлдузи», «Ғунча» каби газета ва журналлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, бугунги кунда болаларга атаб нашр қилинаётган янги «Бекинмачок» маърифий-тарбиявий болалар журнали, «Kinder-press» болалар маърифий ва ҳажвий комикслар журналлари билан таништириш фойдалидир. Сухбат давомида болаларнинг уйларида олиб келинган газета ва журналларга тўхтаб ўтилади. Газета ва журналлар кимларга мўлжалланганлигига қараб, мазмунига қараб безатилиши, уларнинг номланиши, чоп этилиш нусхалари ҳақида маълумотлар берилади.

УЧИНЧИ СИНФ

Мавзу 1. КИТОБ ҚАНДАЙ ЎҚИЛАДИ

Машғулотнинг мақсади китоб ўқиш гигиенаси, китоб ўқиш учун диққатни йўналтира олиш каби китобхонлик малакаларини мустаҳкамлашдан иборат. Ўқувчиларга китоб билан муомалада бўлганда нималарга йўл қўйиш мумкин эмаслиги коидалари санаб ўтилади. Масалан:

- Китобларни кир қўл билан ушлаш;
- Овқатланиш вақтида китоб ўқиш;
- Китобни буклаш;
- Китоб саҳифаларини бўлиб қўйиш мумкин эмас;
- Китоб ораларига қалам, ручка қўймаслик;
- Китобнинг саҳифаларига расм чизмаслик ва ёзмаслик;
- Куёш шуъласида ҳам китоб ўқимаслик лозимлиги каби муҳим коидалар санаб ўтилади. Шунингдек, китобнинг кирланишидан ҳам, куёш шуъласидан ҳам, чанг ва ҳашоротлардан ҳам қўрқинишнинг сабаблари айтиб ўтилади.

Китоб ўқиш гигиенасининг асосий коидалари ҳам санаб ўтилади.

- Китобни ётиб ўқиш китоб учун ҳам, китобхон учун ҳам зарарли.
- Кўчада кетаётиб китоб ўқиш мумкин эмас, чунки бу нафақат зарарли ҳатто хавфли.
- Китобни столда ўтириб ўқиган маъқул.
- Китоб ўқиганда ёруғлик чап томондан ёки бироз орқа ёқдан тушиб туриши керак.

- Стол устидаги чирокдан фойдаланилганда чирок китобдан 50-60 сантиметр нарироқда тургани маъқул.
- Китоб саҳифалари бир текис, соя тушмайдиган тарзда ёритилган бўлиши керак.

2 - мавзу. КУТУБХОНАДА КИТОБ ТАНЛАШ

Ушбу машғулотнинг мақсади ўқувчиларни кутубхонанинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун мўлжалланган тавсия-библиографик аппарати билан таништириш, улардан фойдаланишга оид кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришдир. Машғулотда ўқувчиларни системали каталог, каталог карточкаси, китобларни тоқчаларда жойлаштириш билан каталог ўртасидаги боғлиқлик тушунтирилади. Кутубхонада мавжуд электрон каталог ҳақида тушунча берилади. Шунингдек, картотекалар ҳақида, шу ёшдаги ўқувчиларга аталган тавсия-библиографик кўрсаткичлардан фойдаланиш тартиблари ўргатилади.

3 - мавзу. ЎҚИЛГАН КИТОБ ҲАҚИДАГИ ҚАЙДЛАР

Машғулотнинг мақсади – ўқувчиларни ўқиган китобларига қайдлар ёзиб бориш учун мутолаа кундалиги туғиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Маълумки, ўқувчилар ўзлари ўқиган китобларининг маъно ва мазмунини мутолаа кундалигида ақс эттирсалар, уларнинг фикр юритиш доиралари, мулоҳаза қилиш кўникмалари ва ёзма нутқлари ҳам ривожланади. Ўқувчиларга кундалик юритишнинг шакли, тартиби ўргатилади. Кундалик юритганда, аввало, муаллиф исми-шарифи, китобнинг сарлавҳаси, китобнинг мутолаа қилинган вақти, унинг мавзуси, асосий иштирок этувчи қаҳрамонлари ёритилади. Шунингдек, ушбу китобнинг китобхонда қолдирган таассуроти, кўпроқ ёқиб қолган сатрларини ёзиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқилган асарларни фақатгина кундаликда тасвирлаб, қалбида, хотирасида сақламаслик ҳам тўғри эмаслиги айтиб ўтилиши керак. Шу ўринда Алоуддин Мансурнинг замондошлари томонидан «бағри муғрик», «хужжатул ислом» деб тан олинган буюк аллома Муҳаммад Абу Ҳомид Тусий - Ғаззолий тақдирига оид қуйидаги ҳикоясини келтиришни жоиз деб биламиз: «Бошланғич билимлар ва ҳуқуқшунослик фанини туғилган

шаҳрида ўрганган Абу Ҳомид кейинчалик Журжонга, ўша даврнинг машҳур комусий алломаси Абу Наср хузурига бориб, таҳсили илмни ўша жойда давом эттиради. Бир неча йил мобайнида устозининг барча билимларини эгаллаб, ўқиб-ўрганиб, китобларига кўп жилдлик шарҳ ва изоҳлар битиб, ўз юртига қайтаётганида, йўлда келажак ҳаётида катта аҳамият касб этган бир воқеа рўй беради. Ғаззолийнинг ўзи бу ҳақда бундай ҳикоя қилади: «Йўлда карвонимизга қароқчилар хужум қилиб, бор нарсамизни талаб кетдилар. Мен қароқчилар бошлигининг олдига бориб:

- Олган нарсаларинг орасида сенга ҳеч қандай фойдаси бўлмаган бир тўрва бор, шунга қайтариб бергин,- деб ялиндим.

- Тўрвангга нима бор эди?- сўради у.

- Унда менинг бор илмим – жуда кўп китоблардан ёзилган шарҳ ва изоҳлар бор. Нега йиллардан бери мусофирлик азобини тортиб топган бойлигим шу, - дедим. Қароқчи кулиб:

- Ҳар қандай одам олиб қўйиши мумкин бўлган нарсани «менинг илмим» дейишга уялмайсанми? – деди ва, - Унинг илмини қайтариб беринглар, деб буюрди.

Бу гап менга шундай қаттиқ таъсир қилдики, Тусга қайтиб келганимдан кейин уч йилгача уйдан ташқарига чиқмасдан ўша ёзган шарҳ ва изоҳларимни ҳаммасини ёд олиб, ҳеч қандай қароқчи ололмайдиган жойга - қалбимга жо қилдим». Демак, китобни шунчаки ўқиш эмас, балки ўқиганини қалбига жойлашни, унга ҳаётда амал қилишни ҳам ҳаёт тақозо этади. Мана шунинг учун ҳам Муҳаммад Ғаззолий илмининг чексизлигига кўра тубсиз денгизга киёсланган.

ТЎРТИНЧИ СИНФ

1 - мавзу. КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ АДАБИЁТЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Машғулотнинг мақсади ўқувчиларни илмий-маърифий китоблар туркумлари билан таништириш, ўқув жараёнида илмий-бадиий ва илмий-оммабоп адабиётлардан фойдаланиш малакаларини ривожлантириш.

Ушбу машғулотни олиб бориш учун кутубхонада мавжуд бўлаларга аталган илмий-оммабоп нашрларнинг кўргазмасини

ташқил этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу китобларнинг муаллифлари ҳақида маълумотлар бериш керак. Болалар билан суҳбат давомида ушбу китоблардан билимларнинг барча жабҳаларига оид саволларга жавоб топиш мумкинлиги уқтириб ўтилади. Фан ва техникага оид, фанларнинг турли жабҳаларига оид: ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёсига доир қизиқарли китоблар тўғрисида, шу билан бир қаторда уларнинг муаллифлари тўғрисида маълумотлар бериш жоиздир. Суҳбат давомида болаларни синфдан ташқари ўқиш машғулотларида ёки дарсларга тайёргарлик жараёнида қандай илмий-маърифий китоблар билан танишганликлари сўралади. Уларнинг жавоблари асосида хулоса қилиниб машғулот якунланади.

2 - мавзу. МАЪЛУМОТНОМА, ҚОМУСИЙ АДАБИЁТЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Машғулотдан кўзланган мақсад – ўқувчиларни маълумотнома нашрлари, қомусий адабиётлар билан ишлаш малакаларини шакллантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини ўргатишдан иборат.

Машғулот учун кутубхонада мавжуд кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга аталган барча қомусий адабиётлар, луғатлар, маълумотномаларнинг кўргазмаси тузилади. Китобларни намойиш қилиш билан бир қаторда, уларнинг тузилиши, материалларнинг жойлашув тартиби ҳақида тўлиқ маълумотлар берилади. Шунингдек, қомусий китобларда илмий билимлар баёнининг қизиқарлилиги ҳақида, бу китоблардан ўқув ва ижтимоий ишларда фойдаланишнинг аҳамияти ёритиб берилади. Машғулот учун «Болалар энциклопедияси», «Бу ким? У нима?» қомуси, «Оймома» қомусий луғатларидан фойдаланиш мумкин.

3 - мавзу. ЎҚУВЧИЛАРГА АТАЛГАН МАТБУОТ

Ушбу машғулотда ўқувчиларнинг вақтли матбуот нашрлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш, уларнинг турли ёш ва гуруҳларга мўлжалланганлиги, уларнинг тарихи, нашр қилиниш нусхалари, безак хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумотлар берилади. Шунингдек, вақтли матбуот нашрларининг китоблардан фарқи ва ўқувчиларга аталган газета ва журналларнинг болалар китоби билан алоқаси ёритилади. Машғулот давомида катталар

матбуоти, уларнинг болалар матбуотидан фарқи ва ўхшаш жиҳатлари, вақтли нашрларни мутолаа қилиш усуллари тушунтириб берилади.

Ушбу дастурдан ҳар бир мактаб ажратилган соатларга қараб ижодий фойдаланиши мумкин. Бинобарин, кутубхоначилик дарсларида ҳам ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши шарт. Яъни қайси синфда қайси мавзунини ўрганиш зарурлиги қатъий тарзда белгиланиши зарур. Дастурда кўрсатилган баъзи мавзуларнинг номланиши бир хил бўлса-да, уларда бериладиган материаллар ва маълумотларнинг ҳар хил бўлиши таъминланган. Яъни ўқувчининг ёши ва синфига боғлиқ ҳолда мавзулар оддийдан мураккабга қараб боради.

Масалан, 3-синфда ўтиш мўлжалланган “Биринчи луғатлар, маълумотномалар, энциклопедиялар” мавзусини олиб кўрайлик. Бунда, аввало, илмий адабиётлар ҳақида қисқача маълумот берилади. “У нима, бу ким?” энциклопедияси, “Болалар энциклопедияси”, ўқув луғатлари бевосита болаларга кўрсатилади. Уларнинг ички тузилиши, материалларнинг алифбо тартибида жойланиши, алфавит кўрсаткичлари тўғрисида сўзлаб берилади. Энциклопедик адабиётларнинг ўқув ва ижтимоий фаолиятдаги ўрни ҳақида тушунтириб берилди.

Кутубхоначилик дарсларининг мавзуси ва кўлами анча кенг бўлиб, ўқувчининг китоблардан фойдалана олишини таъминлаш, вақтни ортиқча сарфламасликка ўргатишни мақсад қилиб олади. Масалан, кутубхоначи болалар билан биргаликда библиографик кўлланмадан 3-4 та китоб танлайди ва уларни китоб жавондан қидириб топиб, болаларга кутубхонадаги барча китобларни бирданига ўқиб чиқиш мумкин эмаслигини, оддийдан мураккабга томон йўл тутилишини тушунтиради. Шунинг учун ҳам библиографик кўлланмалар яратилишини, уларда китобхон қизиққан китоблар рўйхати берилишини уқтиради.

Кутубхоначилик дарслари имкони қадар ҳар бир ўқувчини мустақил ўқишга рағбатлантириб бориши керак. Аввало, ўқувчиларга мустақил ўқишнинг вазифалари, ўқиш орқали нималарга эришиш мумкинлиги тўғрисида ишонарли далиллар билан сўзлаб берилади. Китоб фақат билим манбаи эмас, балки у содиқ дўст эканлиги ҳам уқтирилади. Назаримизда, бундай ўринларда машҳур кишиларнинг китобдан қандай фойдалангани

ҳақида ҳам гапириб бериш ўринлидир. Масалан, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, академик Бўрибой Аҳмедовларнинг илмий-ижодий фаолиятида китоблар қандай роль ўйнагани тўғрисида муаллифларнинг ўзлари айтган сўзлари билан ҳикоя қилиб берилса, бу ҳолат ўқувчига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Китоб ўқиш ва у билан ишлашнинг асосий усуллари ҳақида маълумот бериш кутубхоначилик дарсларининг негизини ташкил этади. Ушбу дарсларда китоб билан танишиш, китобни бевосита ўқиш, энг муҳими, уни уқиш, ўрганиш малакалари сингдириб борилиши керак. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошадиган, жўн нарса эмас, албатта. Бунинг учун кутубхоначидан жуда кенг билим, маҳорат талаб қилинади. Китобни ўқиш ва уқиш бошқа-бошқа ҳодисалар эканлиги мисоллар ёрдамида тушунтириб берилади. Аввало, ўқувчига китобнинг элементлари ҳақида маълумот берилади. Маълумки, китобнинг элементлари ўқувчига, биринчидан, китобни характерлаб беради ва унда асар ҳақида тасаввур ҳосил қилдиради, иккинчидан, китобни танлаб ўқишга имконият беради, учинчидан эса уни тўлиқ тушунишга ёрдам беради. Китобхонларни каталог ва катротекалар билан таништиришни кичик мактаб ёшидан оқ бошлаш мақсадга мувофиқдир, бунда каталоглар ва катротекаларнинг фонд билан, китоб жавонларидаги китобларнинг жойлаштирилиши билан боғлиқ эканлиги тушунтирилиб, кўрсатиб берилиши керак [121,15].

Кўринадикки, кутубхоначилик дарсларидаги асосий эътибор китобдан унумли фойдалана олиш, китобни ўқиш ва уқиб олиш малакаларинини ривожлантиришга қаратилади. Бинобарин, «Китобдаги материални ва текстнинг мазмунини уқиб олиш учун:

1. Китоб билан ишлаш йўлларини билиш;
2. Ўқилган нарсани чуқур англаб олиш;
3. Асосий нарсани иккинчи даражалидан, хулосани эса ҳар хил аргумент ва далиллардан ажратиб олиш;
4. Тушунмаган бирорта сўз ёки иборани тушуриб қолдирмаслик;
5. Ўқилган китобдан керакли нарсаларни ёзиб олишни билиш;
6. Китобдаги энг керакли нарсаларни эсда сақлаб қолиш ва ўзлаштириб олишни билиш лозим» [67,155].

Кутубхоначилик дарсларини қай тарзда ташкил этиш мумкин, деган саволга ҳам жавоб бериб ўтиш лозим. Тажриба шуни

кўрсатадики, кутубхоначилик дарсларини ўтказиш учун синфдан ташқари дарслар ва тарбиявий соатлардан алоҳида соатлар ажратиб олиш мумкин. Дарс жадвали тузишда асосан синфлар сони, назарий ва амалий дарс соатлари, ўқитувчи ва кутубхоначи ўтказадиган соатлар, дарсни ўтказиш жойини, яъни синфхонада ёки кутубхонада ўтказилишини аниқаб олиш зарур.

Айни пайтда бир неча ташкилий масалаларни ҳам ҳал этиш зарур. Чунончи, кўпгина ўқитувчилар дарс бериш услубиётини яхши эгаллаган бўлсалар-да, кутубхоначилик соҳасида етарли билим ва малакага эга бўлмайдилар. Кутубхоначилар эса аксинча. Шу сабабли ҳам ўқитувчиларга кутубхонашунослик юзасидан маърузалар ўқиб, уларни кутубхона иши билан таништириш, кутубхоначиларга эса дарс ўтиш қоидаларини ўргатиш муҳимдир. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, республикамизда махсус дастур асосида мактабларда кутубхоначилик дарслари олиб борилди. Бу соҳага ўқитувчилар ҳам, кутубхоначилар ҳам жалб қилинди. Ҳатто бу борада маълум бир тажриба ҳам тўпланди. Бизнингча, ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ўта муҳимлигини ҳисобга олиб кутубхоначилик дарсларини оммалаштириш, йўлга қўйиш зарур. Аввало, бунинг учун масаланинг ташкилий жиҳатини ҳал этиш, яъни кутубхоначилик дарсларини йўлга қўйиш юзасидан қарор қабул қилиш, шу қарорга асосан мактаб ва кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш ва ўтказишнинг аниқ шаклларини ишлаб чиқиш зарур. Негаки, кутубхона ва мактаб ҳамкорлигида ўтказиладиган кутубхоначилик дарслари ўқувчиларни кутубхонадан, китобдан фойдаланишга, уни кадрлаш ва севишга, ундан билим ва завқ олишга ўргатади.

Кутубхоначилик дарслари китобни танлаб мунтазам, тартибли ўқишга ўргатиш билан бирга дарсларни сифатли тайёрлашга, уни тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради, ўқувчини ҳақиқий китобхон сифатида тарбиялайди. Зеро, бугуннинг талаби, эртанги кун эҳтиёжи ҳам шуни тақозо қилади.

3.2. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини тарбиялашга йўналтирилган илмий-услубий тавсияларнинг самарадорлиги

Тадқиқот доирасида бугунги кундаги болалар китобхонлигининг ва кутубхоналарининг аҳволи ва долзарб муаммолари ўрганилди. Бунда Республика Китоб палатасининг республикада чоп этилаётган нашрлар хусусидаги; болалар учун адабиётлар чоп этаётган «Чўлпон», «Ўқитувчи», «Янги аср авлоди» каби нашриётларнинг ҳисоботлари ўрганилди. Бунда албатта болалар адабиётининг нашр этилиши, мазмуни, полиграфик безатилиши ва ҳозирги давр талабига жавоб бериши таҳлил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасининг, Республика илмий-педагогика кутубхонасининг барча вилоятлар бўйича ҳисоботлари таҳлил этилди. Мавжуд ҳолатни ўрганиш қуйидаги принциплар асосида амалга оширилди:

- Болалар китобининг нашр этилиши, кутубхона, ахборот-ресурс марказларининг фондларини таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- Кутубхона, ахборот-ресурс марказларида китоб ўқилиши, китобларнинг ўртача айланиши ва китоб билан таъминланганлик даражасини топиш;
- Кутубхоналарнинг ўқиш маданиятини тарбиялашдаги имкониятларини асослаш;
- Ота-оналарнинг ўз фарзандлари китобхонлигига, болалар китобига, мутолаасига муносабатлари даражасини аниқлаш;
- Кутубхоначилик дарсларининг ўқиш маданиятини юксалтиришдаги аҳамиятини асослаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда китоб, кутубхона, китобхонлик масалаларига, муаммоларига доир мавзу кенг омманинг диққат эътиборида. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялашга доир олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳамда ижтимоий ҳаётимизда содир бўлаётган ҳодисаларни кузата бориб, мазкур муаммонинг ижтимоий, умуммиллий характеридан келиб чиқиб, қуйидаги

фикрларни айтиш лозим деб ҳисоблаймиз. Тадқиқот доирасида болалар китобининг нашр этилиши, нашр этилган китобларнинг болалар кутубхоналарига етиб бориши, болалар кутубхоналарининг адабиётлар билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилдик, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг китобга, оилаларимизнинг болалар китобхонлигига муносабатини сўровномалар тарқатиш йўли билан аниқланди. Аввало, болалар китобхонлиги ҳақида фикр юритишдан аввал улар учун мўлжалланган адабиётларнинг нашр этилиши билан танишдик. Болалар китобининг нашр этилиши таҳлил этилиб, кутубхоналарнинг адабиётлар билан таъминланиш даражаси ўрганилди. Республикамизда болалар китобининг нашр этилишида қатор муаммолар мавжуддир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида 10 121 та ахборот кутубхона муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ўқиш маданиятини тарбиялаш, аввало, кутубхоналарда яратилган шарт-шароитларга, ҳар бир китобхонни етарлича китоб билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади. Китоб билан таъминланганлик ҳар бир китобхонга нисбатан минимум - 4 та; ўртача - 8 та; максимум- 12 та ва ундан ортиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Кутубхонада китобхонларни ўртача китоб билан таъминланганлик ($K.m.$) даражасини формула асосида ҳисоблаймиз.

$$K.m. = \frac{K\Phi}{K}$$

Бу ерда $K\Phi$ - кутубхона фонди, K - китобхонлар сони

Ўзбекистондаги халқ таълими тизимидаги ахборот кутубхона муассасаларининг ўқув адабиётларидан ташқари жами фонди 24 061 785 ни ташкил этади. Китобхонлари сони 5 520 069 ни, китоб берилиши 49 596 892 ташкил этади [РИПКнинг 2016 йил ҳисоботи. Илова №4]. Шунга асосан китоб билан таъминланганлик даражасини $K.m.$ ни топамиз:

$$K.m. = \frac{24061785}{5520069} = 4,4$$

Демак, республикамиз халқ таълими тизимидаги ахборот-кутубхона муассасаларининг китоб билан таъминланганлик кўрсаткичи 4,35 ни ташкил этар экан. Бу кўрсаткич ҳар бир

китобхон минимум кўрсаткичда китоб билан таъминланганлигини билдиради.

Соҳалар бўйича китоб билан таъминланганлик кўрсаткичларини аниқлаймиз:

Ўқув методик адабиётлар бўйича таъминланганлик даражаси:

$$K.м. = \frac{3374354}{5520069} = 0,6$$

Бадиий адабиётлар билан таъминланганлик:

$$K.м. = \frac{16507322}{5520069} = 3$$

Ижтимоий адабиётлар билан таъминланганлик:

$$K.м. = \frac{2628397}{5520069} = 0,47$$

Луғат ва энциклопедик нашрлар билан таъминланганлик:

$$K.м. = \frac{722867}{5520069} = 0,13$$

Бу 3.2-жадвалда куйидагича акс этади:

3.2-жадвал

Мақтаб кутубхоналарининг соҳалар бўйича китоб билан таъминланиш кўрсаткичлари

№	Мақтаб кутубхоналарининг дарсликлардан ташқари фонди	Миқдори	Таъминланганлик даражаси
1.	Умумий фонд	24 061 785	4,4
2.	Ижтимоий-сиёсий адабиётлар	2 628 397	0,47
3.	Луғат ва энциклопедик адабиётлар	722867	0,13
4.	Бадиий адабиётлар. Илмий-оммабоп адабиётлар	16 507 322	3
5.	Ўқув-методик адабиётлар	3 374 354	0,6

Демак, ушбу кўрсаткичлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, мақтаб кутубхоналарининг бадиий, соҳавий адабиётлар билан

таъминланиш кўрсаткичлари талаб даражасидан паст. Бу табиийки, китоб ўқилишига, кутубхона китобларининг ўртача айланишига таъсир кўрсатади. Китобнинг ўқилишида китоб билан таъминланиш муҳим аҳамиятга эга. Кутубхоналарда қанчалик кўп ва қизиқарли китоб бўлса, китобхон шунчалик кўп катнайди ва ўқийди. Бунда китоб тавсияси ва ўқишга қизиқтириш муҳим аҳамиятга эга. Китоб ўқилишининг йиллик кўрсаткичлари битта китобхон учун: қуйи 12, ўрта 20, юқори 25 бўлиши мақсадга мувофиқдир. Кутубхонада бир китобхонни ўртача бир йилда қанча китоб ўқиганлигини формула асосида ҳисоблаймиз:

$$K\ddot{U} = \frac{B_k}{K}$$

$K\ddot{U}$ – китобнинг ўртача ўқилиши B_k – берилган китоблар сонини K – китобхонлар сонига бўлиш натижасида топилади. Шунга асосан:

$$K\ddot{U} = \frac{49596892}{5520069} = 9$$

Китобларнинг ўртача айланишини KA ни топиш учун B_k ни $K\Phi$ га бўламиз Шунда китобларнинг ўртача айланиши келиб чиқади. (Меъёр 2-7 та)

$$KA = \frac{B_k}{K\Phi} = \frac{49596892}{24061785} = 2,6$$

Олинган натижалар жадвал кўринишида қуйидагича акс этади:

3.3-жадвал

Фонднинг асосий кўрсаткичлари

Китоблар билан таъминланганлик	Китобнинг ўртача ўқилиши	Китобнинг ўртача айланиши
(меъёр 4-7)	(меъёр 12-25)	(меъёр 2-7)
4,4	9	2,6

Юқоридаги 3 та асосий кўрсаткичлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Агар кутубхоначилар болаларни ўқишга қизиқтириб, ўқиш маданияти, ахборот олиш маданияти мунтазам

тарбиялаб борилса, китобхонлар сони кўпаяди. Китобхонлар сони кўпайса, китоб бериш ҳам ортади. Демак, китобхонлик маданияти шаклланган ўқувчиларнинг ортиши ўз-ўзидан кутубхоналарнинг фондини мазмунан ва шаклан бойитилишини такозо этади. Бу ерда биз китоб-кутубхона-китобхон тизимининг яхши ишлаётганлигига амин бўламиз.

Тажриба-синов ишлари мактаб кутубхоналарида, болалар кутубхоналарида икки босқичда амалга оширилди. Тажриба-синовга киришишдан олдин шу соҳага доир энг мақсадга мувофиқ методни белгилаб олиш муҳимдир [69,86]. Тажриба-синов мавзусига оид маълум бўлган адабиётлар, кўшимча манбалар, ғоялар, тажрибаларни ўрганиб чиқиш асосида тажриба-синовга оид фаразлар, моделлар, бажарилиши керак бўлган ишлар лойиҳаси яратилди, синаб кўриб, амалиётга татбиқ этилди.

Ўрганувчи тажриба-синов ишларида 280 та респондент, яъни турли мактаблардан 120 ота-она, 40 бошланғич синф ўқитувчилари ва 120 кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар иштирок этдилар. Ота-оналар, мактаб ўқитувчилари, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўртасида китобхонлик ҳолатларини ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказилди.


Биринчи босқичда муаммога доир адабиётлар ўрганилди, кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқиши ўрганилиб, ўқиш маданиятини тарбиялаш жараёнининг мезонлари ишлаб чиқилди, илмий фаразни тасдиқлаш бўйича эксперимент ўтказилди.

Иккинчи босқичда кутубхоналарда таълимий эксперимент ташкил этилиб, унинг натижаларини текшириш учун назорат эксперименти ўтказилди. Китобхонлик малакаларини шаклланиш динамикаси аниқланди, тўпланган далиллар ўзаро таққосланиб, яқуний хулосалар чиқарилди.

Тадқиқотлардан ўқувчилар маънавиятини юксалтиришда китобхонлик назардан четда қолганлиги, китобхонлик – инсон маънавиятини шакллантиришдаги ва билим олишдаги энг муҳим восита эканлиги етарлича англаб етилмаганлиги аниқланди. «Фарзандингиз бўш вақтида кўпроқ қандай иш билан машғул бўлади?» сўрови бўйича ота-оналарининг жавоблари қуйидаги 3.4-жадвалда акс этади:

«Фарзандингиз бўш вақтида кўпроқ қандай иш билан машғул бўлади?» сўрови олинган жавоблар кўрсаткичи

№	Респондентларнинг жавоблари	Фоиш ҳисобида
1.	Телевизор кўради	32%
2.	Компьютер билан шуғулланади	28%
3.	Китоб ўқийди	14%
4.	Тўғарақларга қатнайди	12%
5.	Уй-рўзғор юмушларига қарашади	8%
6.	Дарслари кўплиги сабаб бўш вақти йўқ	6%



1-Телевизор кўради

2-Компьютер билан шуғулланади

■ 1 3-Китоб ўқийди

■ 2 4-Тўғарақларга қатнайди

□ 3 5-Уй-рўзғор юмушларига қарашади

□ 4 6-Дарслари кўплиги сабаб бўш вақти йўқ

■ 5

■ 6

Тажриба-синов жараёнида ўқувчилар ўртасида кутубхона ва китобдан рационал фойдаланиш, ўқиш маданиятини тарбиялаш мақсадида кутубхоначилик

дарслари доирасида «Энг яхши китобхон», «Китобсеварлар» танлови, «Топқирлар ўйини», «Эртақни топинг», «Билмасвой китоблар мамлакатада» деб номланган ўйин-викториналар, «Китоблар биздан хурсанд», «Яшайвер китоб!» номли суҳбатлар, «Китобларни асранг болалар» номли кўргазма ўтказилди.

Тажриба-синов ишлари якунида ўқиш маданиятининг тарбияланиш даражаси қай даражада ортанлигини аниқлаш мақсадида сўровномалар қайтадан ўтказилди. Жавоблардан маълум бўлдики, тажриба синовлари олиб борилган гуруҳларда ўқувчиларнинг китобхонлик даражалари ортан. Китобга, китобхонликка, кутубхонага бўлган муносабатлари ўзгарган.

Кутубхоналарда болалар ўқиш маданиятини тарбиялашни куйидаги принциплар асосида олиб бориш самарали натижалар беришига тадқиқотлар жараёнида ишонч ҳосил қилдик: ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, қобилияти, имконияти ва

тайёргарлик даражаларига мос китобларни танлаб тавсия этиш, кутубхоналарда болалар ўқишига раҳбарлик қилишнинг якка ва оммавий усулларидан фойдаланиш, шунингдек, кутубхоначилик дарслари китобхонлик маданиятини шакллантиради. Кутубхоначилик-библиография дарслари воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданияти, тарбияланганлик даражаси қуйидаги мезонлар орқали аниқланди. Унинг асосий натижаларини қуйидаги 3.5-жадвалда кўришимиз мумкин.

3.5-жадвал

Кутубхоначилик дарслари воситасида ўқиш маданиятининг шаклланганлик даражаси (% ҳисобида)

№	Ўқиш маданиятининг тарбияланганлигини белгиловчи мезонлар	Дастлабки босқич	Яқунловчи босқич
1.	Китобнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини англаб етиш	33-35	58-63
2.	Кутубхонанинг аҳамиятини тушуниш, фойдаланиш тартиб-қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлиш	37-39	69-74
3.	Кутубхонанинг маълумот-библиографик апаратидан фойдаланиш малакалари	8-12	33-37
4.	Онгли равишда мутолаа қилиш	33-35	68-70
5.	Билим олишга интилиш	45-47	65-67
7.	Мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятларининг таркиб топганлиги	41-44	59-61

Ушбу жадвал асосида қуйидаги натижаларга эришдик. Кутубхоналарда ўтказиладиган тадбирлар воситасида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўртасида китобхонлик малакаларини шакллантириш, ўқиш маданиятини тарбиялаш жарёнида болаларда китобга, кутубхонага бўлган муносабат ўзгарганлигининг юкори даражасини кўриш мумкин. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчисининг ўқиш маданиятини тарбиялашнинг қуйидаги асосий йўналишлари аниқланди:

1. Китобга, кутубхонага бўлган онгли муносабат. Китобнинг ва кутубхонанинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини англаш, китоб структураси, яъни таркибини билиш, шунингдек, китоб ўқиш гигиенаси ва китобга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш қоидаларидан огоҳ бўлиш.
2. Мустақил равишда китоб танлай билиш. Китобнинг элементлари асосида танлай олиш, китоб танлашда

кутубхонанинг очик фондидан фойдалана билиш, китобларни жавонларда жойлашув системаси ҳақида тушунчага эга бўлиш, шунингдек, кутубхона картотекаси, альбомлар ва рўйхатлар билан таниш бўлишлик.

3. Онгли равишда мутолаа қилиш. Ўқилган нарсадан ўзи учун маънавий озуқа ола билиш, асарнинг ғоясини тушуниб етмоқлик: ўқилган асарга ёзма ёки оғзаки равишда ўз муносабатини баён эта олиш.

Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини тарбиялаш амалиётда қандай натижалар беришини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин. Биз тажриба–синовгача бўлган натижаларни ва тажриба–синовдан кейинги натижаларни даражалаштириш орқали кўриб чиқдик. Ўсиш даражасида китобхонлик 42,8 фоизга ортиб, 87,8 % ўзлаштиришга эришилгани маълум бўлди.

3.6-жадвал

Назорат ва тажриба-синов гуруҳларининг тажриба якунидаги умумий кўрсаткичлари

Даража	Тажриба-синовгача бўлган ўқувчилар таркибининг миқдори		Тажриба-синовдан сўнг ўқувчилар таркибининг миқдори	
	Ўқувчилар сони	% ҳисобида	Ўқувчилар сони	% ҳисобида
Юқори	19	15,8	38	29
Ўрта	35	29,2	77	58,8
Қуйи	66	55	16	12,2
Жами	120	45	131	87,8

Респондентларнинг жавобларини даражалаштириш мезони қуйидагича ифодаланган:

1. Юқори даража - ўқиш маданияти шаклланган, китобхонлик малакалари тўлиқ намоён бўлганлиги билан тавсифланади.
2. Ўрта даража - ўқиш маданияти етарлича тўлиқ тарбияланмаган, аммо ўқиш, китобхонлик истаги намоён бўлганлиги билан белгиланади.
3. Қуйи даражага шундай китобхонлар киритилдики, уларда ўқиш маданиятининг тарбияланганлиги деярли намоён

бўлмаган, бироқ тартибсиз равишда бўлса ҳам билим эгаллаш, мустақил ўқиш эҳтиёжи мавжудлиги билан ифодаланади.


Шундай қилиб, тажриба-синов ишлари бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари юқоридаги келтирилган даражалантириш мезони бўйича ўртача ҳисобда гуруҳларга ажратилиб, ўқувчилар сони умумлаштирилганда тажрибагача ва тажрибадан кейинги ўзлаштириш кўрсаткичлари аниқланганда тажрибагача 66 нафар (55%) қуйи даражадаги, 35 нафар (29,2%) ўрта даражадаги ва 19 нафар (15,8%) юқори даражадаги китобхон эканликлари маълум бўлди. Тажриба-синов ишларидан кейин 16 (12,2%) нафар қуйи, 77 (58,8%) нафар ўрта, 38 (29%) нафар юқори даражадаги китобхон экани аниқланди. Олинган маълумотлардан Стьюдент-Фишер мезони асосида математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба ва назорат гуруҳидаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1- ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

<u>1-танланма</u>	X_i	“5”	“4”	“3”
(тажриба гуруҳи)	n_i	38	77	16
$m=131$.				

<u>2-танланма</u>	Y_j	“5”	“4”	“3”
(назорат гуруҳи)	n_j	19;	35;	66
$n=120$.				

Бу танланмаларга мос келган полигонларни чизамиз:



Полигонда қайд этилган графикларидан англанадиги, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар

учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Биз тажриба ва назорат гуруҳларида олинган натижалар асосида математик қутилишларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}\bar{X} &= \frac{1}{n} \sum_{j=1}^{m-1} n_j x_j = \frac{1}{131} (38 \cdot 5 + 77 \cdot 4 + 16 \cdot 3) = \\ &= \frac{1}{131} (190 + 308 + 48) = \frac{546}{131} = 4,2\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}\bar{Y} &= \frac{1}{n} \sum_{j=1}^{m-1} n_j y_j = \frac{1}{120} (19 \cdot 5 + 35 \cdot 4 + 66 \cdot 3) = \\ &= \frac{1}{120} (95 + 140 + 198) = \frac{433}{120} = 3,6\end{aligned}$$

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан катта экан: $X > Y$

Энди ҳар икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларини ҳисоблаймиз. Шу мақсадда дастлаб танланма дисперсияларни ҳисоблаймиз:

$$\begin{aligned}D_m &= \frac{\sum_{j=1}^{m-1} n_j (x_j - \bar{x})^2 / (n-1)}{130} = \frac{38(5-4,2)^2 + 77(4-4,2)^2 + 16(3-4,2)^2}{130} = \\ &= \frac{38 \cdot 0,64 + 77 \cdot 0,04 + 16 \cdot 1,44}{130} = \frac{24,32 + 13,08 + 23,04}{130} = \frac{50,44}{130} \approx 0,39\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}D_n &= \frac{\sum_{j=1}^{m-1} n_j (y_j - \bar{y})^2 / (n-1)}{119} = \frac{19(5-3,6)^2 + 35(4-3,6)^2 + 66(3-3,6)^2}{119} = \\ &= \frac{19 \cdot 1,96 + 35 \cdot 0,16 + 66 \cdot 0,36}{119} = \frac{37,24 + 5,6 + 23,76}{119} = \frac{66,6}{119} \approx 0,56\end{aligned}$$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз:

$$\tau_m = \sqrt{0,39} \approx 0,62 \qquad \tau_n = \sqrt{0,56} \approx 0,75$$

Булар асосида ҳар икки гуруҳ учун вариация кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{\bar{X}} = \frac{0,62}{4,2} \approx 0,15 \qquad \delta_n = \frac{\tau_n}{\bar{Y}} = \frac{0,75}{3,6} \approx 0,21$$

Агар статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha = 0,05$ деб олсак, у ҳолда Лаплас функцияси жадвалидан статистика учун критик нукта $t_{кр}$ ни

$$\Phi(t_{кр}) = \frac{1-2\alpha}{2} = \frac{1-2 \cdot 0,05}{2} = \frac{0,9}{2} = 0,45$$

тенгликдан аниқлаймиз: $t_{кр} = 1,67$. Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_m = t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,39}{\sqrt{131}} = 1,67 \cdot \frac{0,39}{11,45} = 1,67 \cdot 0,03 = 0,05$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_x = t_{\gamma} \cdot \frac{D_x}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,56}{\sqrt{120}} = 1,67 \cdot \frac{0,56}{10,95} = 1,67 \cdot 0,05 = 0,08$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$

$$4,2 - 0,05 \leq a_x \leq 4,2 + 0,05$$

$$4,15 \leq a_x \leq 4,25$$


назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_{\gamma} \cdot \frac{D_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{\gamma} \cdot \frac{D_y}{\sqrt{n}}$$

$$3,6 - 0,08 \leq a_y \leq 3,6 + 0,08$$

$$3,52 \leq a_y \leq 3,65$$

Буни геометрик тасвирласак:



Демак, $\alpha = 0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори бўлар экан.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат

кўрсаткичларини ҳисоблаймиз. Бизга маълум $\bar{X}=4,2$; $\bar{Y}=3,6$;
 $\Delta_m = 0,05$; $\Delta_n = 0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{крит}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,2 - 0,05}{3,6 + 0,08} = \frac{4,15}{3,68} = 1,13 > 1;$$

$$K_{\text{факт}} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} + \Delta_n) = (4,2 - 0,05) - (3,6 + 0,08) = 4,15 - 3,68 = 0,47 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезонини бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳи назорат гуруҳидагилардан юкори экан. Демак, кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбиялаш амалиётда яхши натижага эришилгани тажриба-синов натижаларидан маълум бўлиб турибди. Тадқиқот ниҳоясида илмий фаразнинг тўғрилиги ўз исботини топди.

1. Кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишларига мос тарзда адабиётлар ва ахборот ресурслари билан таъминланиши;
2. Ўқиш маданиятини шакллантиришнинг усул ва воситалари ўрганилиб, амалда кенг миқёсда қўлланилиши;
3. Ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботи кутубхоначилик дарслари воситасида кенг йўлга қўйилиши;
4. Кутубхоначилик дарсларига зарур ҳажмдаги соатлар ажратилиши;
5. Машғулотларни олиб бориш учун олий кутубхоначилик маълумотиغا эга кутубхоначи ёки ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошида ташкил этиш керак бўлган махсус «Кутубхона-библиографик билим асослари» курсларини таъминлаган ўқитувчилар олиб бориши мақсадга мувофиқдир.
6. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиши мунтазам тадқиқ этилиб, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқиш маданиятини шакллантириш ва тарбиялашнинг самарали технологияси ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилса, ўқувчиларда китоб ва кутубхонадан рационал фойдаланиш, китобхонлик маданиятини шаклланганлигининг самарадорлиги даражаси ортади. Буни бизнинг тадқиқот натижалари исботлади.

ХУЛОСА

Ахборот кутубхона муассасаларида ўқувчилар китобхонлик маданиятини тарбиялаш масаласини ҳал қилиш фақат таълим-тарбия жараёнига алоқадор бўлмасдан, балки жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, маънавий юксалиши билан боғлиқ, бинобарин, давлатнинг стратегик мақсадларига хизмат қилувчи фаолиятига ҳам дахлдордир. Шу сабабли ҳам мазкур муаммо ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан комплекс ўрганишни тақозо қилади. Бинобарин, тадқиқот натижалари, курсатиб турганидек, кутубхонада ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялаш масаласи педагогика, психология, фалсафа, адабиётшунослик, социология каби қатор фанлар эришган ютуқларга таянган ҳолдагина ҳал этилиши мумкин.

Биз кутубхонада кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар китобхонлик маданиятини тарбиялаш масаласини махсус тадқиқ этиш асосида, бу соҳада хорижий мамлакатларда эришилган тажрибаларни ўрганиб ҳамда уларни миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиб куйидаги ҳулосаларга келдик:

1. Китобхонлик маданиятини тарбиялаш масаласи ижтимоий, маънавий-маърифий, умуммиллий муаммо ҳисобланади. Бу маълум давр билан чегараланадиган ҳодиса бўлмасдан, инсон умр бўйи ўрганадиган маънавий эҳтиёждир.
2. Ўқувчиларда ўқиш маданиятини тарбияладиган асосий маскан – кутубхоналардир. Кутубхоналар ўз имкониятлари билан нафақат мактаб дастурларининг бажарилишида, балки ўқувчини мустақил билим олиш сари йўллайди.
3. Ўқиш маданиятини тарбиялашда мактаб-оила-кутубхона ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.
4. Кутубхоналарнинг болалар ўқиш маданиятини тарбиялашдаги асосий вазифаларини белгилаш зарур.
5. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик-психологик асосларини ўрганмасдан туриб, ҳақиқий китобхонни камол топтириш мумкин эмас. Хусусан, кутубхоналарда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, уларнинг психологик тайёргарлиги, улардаги физиологик ўзгаришлар албатта ҳисобга олиниши зарур.

6. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқишини ўрганишнинг хилма-хил усулларини самарали қўллаш муҳимдир.

7. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашда қуйидаги асосий йўналишларга жиддий эътибор қаратилиши лозим:

- китобхонанинг оилавий шароити, оилада кутубхонанинг бор-йўклиги, боланинг ёш хусусиятлари ва психологик тайёргарлик даражасини ўрганиш;
- мактаб дастуридаги фанларни ҳисобга олиш, боланинг қизиқишлари доирасини аниқлаш ҳамда шунга мувофиқ тарзда яққа ва оммавий раҳбарлик йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчида ўз устида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириб бориш, ахборот олиш малакаларини шакллантириш;
- ўқувчининг ёш хусусиятлари ва психологик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда турли-туман оммавий шакллардан самарали фойдалана олиш, мавжуд шароитдан келиб чиқиб янги шаклларни излаб топиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиш;
- ўқувчиларнинг ўқишга бўлган қизиқишини шакллантириш, уларни кутубхоналарга, мутолаага кенгроқ жалб қилиш;
- ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик билимларини кенг тарғиб қилиш.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун яратилаётган илмий, бадиий, публицистик, оммабоп китобларни нашр этиш билан республикамиздаги барча нашриётлар, нашриёт-полиграфик бирлашмалари шуғулланмоқда. Бу ишга кўплаб таълим-тарбия муассасалари, хусусий тадбиркорлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Шунга қарамай, улар яратаётган, тайёрлаётган барча нашр маҳсулотлари барча ахборот-ресурс марказларига келиб тушаётгани йўқ. Бу жараённинг реал механизми ҳам мавжуд эмас. Шунга кўра бугунги кунда ўқиш маданиятини тарбиялаш, болалар китобхонлигини ривожлантириш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор муаммоларни айтиб ўтишга тўғри келади. Булар:

- Кутубхоналарда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган китобларнинг етарли эмаслиги.
- Болалар учун мўлжалланган нашрларнинг миқдори талабга жавоб бермаслиги.

- Кутубхоналарнинг чоп этилаётган нашрлар билан етарли таъминланмаганлиги
- Кутубхоналар ўз заҳираларидаги мавжуд ресурсларнинг китобхонлар ўртасида кенг тарғиботини йўлга қўймаганликлари.

Муаммоларни бартараф қилиш учун:

1. Кутубхоналарда билимларнинг кенг кўламини ўзида акс эттирувчи мукамал фондни таъкил этиш, ахборот ресурслари фондларини шакллантириш, сақлаш ва уни фойдаланишга тақдим этиш.
2. Кутубхоналарнинг моддий заҳирасини мустаҳкамлаш.
3. Кутубхоналарни компьютер, моддий техника билан таъминлаш, интернет хизматларидан фойдаланишни йўлга қўйиш.
4. Кутубхоналар китоб фондини тўлдириш учун нашриётларда чоп этилаётган барча нашрлардан мажбурий нусха ажратиш.
5. Ҳомий ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва улар кўмагига таяниш.
6. Кутубхонашунослик ва библиография бўйича илмий тадқиқот ва илмий методик ишларни такомиллаштириш.
7. Кенг омма ўртасида, хусусан, ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик билимлари тарғиботини кенг йўлга қўйиш.
8. Болалар учун чоп этилаётган адабиётлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун болалар учун чиқарилаётган адабиётлар ҳақида йиллик тўплам нашр этиш.
9. Кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга кўпроқ эътибор қаратиш муҳимдир.

Китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг асосий масъулияти кутубхоначилар зиммасига тушади. Бу жараён эса кутубхоначидан жуда катта педагогик маҳоратни, профессионал билимни, энг муҳими, ўз касбига бўлган фидойиликни талаб этади. Бу асосан кутубхоначи кадрлар тайёрлаш жараёнида шаклланади. Шу сабабли ҳам кутубхоначи кадрларга бўлган талабни кучайтириш, таълим сифатини ошириш зарур. Бу борада олий маълумотли кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларининг масъулияти оширилиши керак. Бунда, аввало, мазкур соҳани танламоқчи бўлган абитуриентлар орасидан иқтидорли, кутубхоначилик фаолиятдан хабари бор, шу соҳага қизиққан фидойи ёшларни танлаб олиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай хатти-ҳаракат маълум бир қонуният асосида содир бўлади, яъни қонуний хатти-ҳаракатлар жамиятнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади. Шу маънода олиб қаралганда, республикаимизда «Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

ТАВСИЯЛАР

1. Кутубхонашунослик ва библиография соҳаларига республика ва халқаро грантларни кенг жалб қилишга эришиш.
2. Педагогика йўналишидаги, кутубхона-ахборот фаолиятини бошқаруви бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқув режасига «Кутубхона-библиографик билим асослари» курсини киритиш.
3. Умумтаълим ўрта мактаблари ўқув режасига «Кутубхоначилик» фанига оид машғулотларни факультатив сифатида киритиш ва уларнинг ўқув дастурлари, дарслик ҳамда методик қўлланмаларини яратиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. РАСМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.: Шарк, 1999.- 184 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзлаган нутқи. 1997 й. 29 авг.-Т.: Шарк, 1997.-Б. 4-19.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-301 б.,1б. портр.
4. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик.-Т.: Ўзбекистон, 1993.- 48 б.
5. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 1994.- 160 б.
6. Каримов И.А. Соғлом авлод-халқимиз келажаги // Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-Т., Б. 87-99
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида.Т.: Ўзбекистон, 1994.- 48 б.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.- б.34
10. «Оммавий кутубхоналар тўғрисида» ги ЮНЕСКО нинг манифести // Мафкура ва ёшлар: Кутубхона ходимлари учун метод.қўл./Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси; Тузувчилар: А. Умаров ва бошқ.-Т.: А.Навоий номи Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси, 2003.- Б. 192-196.
11. Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш хусусида: Ўзбекистон Республикаси

- Президентининг фармони. 2006 й. 20 июнь // Маърифат.- 2006.- 21 июнь.
12. Таълим тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1997 й. 29 авг. // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т., 1997.-Б. 20-29.
 13. Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисидаги: Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонуни. 2011 й. 13 апр. // Халқ сўзи.-Т., 2011 14 апрель.
 14. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3271 Қарори// lex.uz/docs/3338600
 15. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони//Халқ сўзи, 2017.-8 февраль
 16. Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т., 1997.- Б. 31-61.

2. АДАБИЁТЛАР

17. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар / Масъул муҳаррир ва кириш сўзи И. Абдуллаевники.- Т.: Фан, 1968.- Т.1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - 486 б.
18. Авлоний А.Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: Ўқитувчи, 1992.- 160 б.
19. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари. Пед.фанл.докт.илм.дар. Диссертация.-Т., 2002.- 320 б.
20. Азаров Ю.П. Болаларни севиш санъати.-Т.: Ўқитувчи,1991.- 243 б.
21. Айзенберг А.Я. Самообразование: История, теория и современные проблемы: Учеб. пос. - М.: Высшая школа, 1986.- 126 с.
22. Андерсен Г. Қор одам: Эртақлар.- Т.: Камалак, 1991.- 336 б.
23. Андреева Г.М. Психология социального познания: Учеб. пос. 2-изд.- М.: Аспект-Пресс, 2000.- 288 с.

24. Асотирлар ва ривоятлар / Тўпл. нашрга тайёрл. М.Муродов ва бошқ.-Т.: Ёш гвардия, 1990.- 126 б.
25. Ахунджанов Э.А. Письменная культура Средней Азии. - Т.: Издательство народного наследия им. А. Кадири, 2000.- С. 6-28.
26. Баркамол авлод орзуси / Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасидаги публицистик мулохазалар.- Т.: Шарқ, 1998.- 184 б.
27. Бекмуродов М. Социология асослари.- Т.: Фан, 1994.- 175 б.
28. Беленькая Л. Ребенок и книга / О читателе восьми - девяти лет. - М.: Книга, 1969.- 165 с.
29. Белинский В.Г. Эстетика и литературная критика. В 2-х т. Т.1.- М.: Госиздат, 1959.- С. 395-485
30. Библиотечно-библиографические знания школьникам / Валькова В.Г. и др.- М.: Книжная палата, 1989. - 214 с.
31. Библиотека и юный читатель. Прак. пос. / Адаменко А.С. и др.- М.: Книжная палата, 1987.- 255 с.
32. Бинхем Р., Хэррисон К. Основы библиотечного дела: Учеб. пос./Пер. с англ. Рос. Гос. Б-ка. Информкультура.- М.: Наука, 1999.- 97 с.
33. Богусловский С.Р. Пока сердца для чести живы.- М.: Знание, 1990.- С. 80
34. Болалар адабиёти/Хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1994.- 286 б.
35. Болалар адабиётининг тавсифи ва системалаштирилиши: Ўқув. кўлл./ Садурская В.В. ва бошқ.-Т.: Ўқитувчи, 1990.- 59 б.
36. Болалар олами.: Тўплам. К.2. - Т.: Ёш гвардия, 1989.- 96 б.
37. Болалар психологияси очерклари/ П.И Левинтуев, В. Э.Чудновский ва бошқ.- Т: Ўқитувчи, 1964.- 324 б.
38. Bolalar ensiklopediyasi.-2-hashr.-Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002. - 664 б.
39. Бородина В.Ф. Библиотечное обслуживание: Учеб. мет. пос.-М.: Либерия, 2004.- С. 14-22
40. Бутенко И. А. Читатели и чтение на исходе XX века: Социол. аспект.- М.: Наука, 1997.- 140 с.
41. Венгер А., Цукерман Г. Психологическое обследование младших школьников.- М.: ВЛДОС Пресс, 2003.- 160 с.
42. Выготский Л.С. Мышление и речь. - М.:Книга, 1979.- 57 с.
43. Внимание! Интер. формы работы / Вып.1. Областная детс. библ. мет. библиогр. отд.- Фергана, 1992.- 56 с.

44. Гольдберг А.Л. Общие вопросы методологии и методики библиотекведческих исследований.- Л.,1973.- 87 с.
45. Гранник Г.Г. Как учить школьников работать с учебником.- М.: Знание, 1987.- 79 с.
46. Губанова М. Либова О. Библиотекарь и читатель: Проблемы общения. - Санкт-Петербург, 1993.- 130 с.
47. Губанова М.И. Воспитание культуры чтения младших школьников.- М.: Книга, 1968.- 110 с.
48. Давлетшин М.Г. Бошланғич таълимнинг психологик омиллари.- Т.: ТДПУ, 1996.- Б. 132-134
49. Деловые игры: Метод. рекомендации. - М., 1991.- 34 с.
50. Демидова И.Ф. Педагогическая психология: Учеб. пос. - Ростов Дон: Феникс, 2003.- 224 с.
51. Дидактика. - Т.: Фан, 1997.- 258 б.
52. Дмитриева Н.А. Вопросы эстетического воспитания.- М.: Искусство, 1956.- С. 99
53. Дмитриева Н.А. Изображение и слово.- М.: Искусство,1962.- с. 25-26
54. Елачич Е. Основные задачи детского чтения: Хрестоматия-практикум/ Автор сост. Б.Ланин.- М.: Академия, 2003.- С. 54-55
55. Зайцев В. Н. Резервы обучения чтению: Кн. для учителя.- М.: Просвещение, 1991.- 32с.
56. Зиёмухамедов Б., Абдуллаева Ш. Илгор педагогик технология: Назария ва амалиёт.- Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2001.- 80 б.
57. Зимняя И.А. Педагогическая психология. Изд. 2-е доп.: Учеб. для вузов.- М.: Логос, 2003.- С. 173-174
58. Ибодуллаева О.Н. Кичик ёшдаги ўқувчиларда инсонпарварлик ғоясини шакллантиришнинг педагогик асослари. Пед.ф. ном. Диссертация. - Т., 2004.- 141 б.
59. Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчиларининг билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. Пед.ф. док. Диссертация. - Т., 2005.- 265 б.
60. Имом Исмоил ал Бухорий. Ал-адаб ал муфрад: Адаб дурдоналари.- Т.: Ўзбекистон, 1990.- 196 б.
61. Иномова М. Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси.- Т.: Низомий номидаги ТДПУ; Махпират ном. Ўрта Осиё халқлари тарихи институти, 1999.- 152 б.

62. Истратова О.Н., Эксакусто Т.В. Справочник психолога начальной школы.- Ростов-Дон: Феникс, 2003.- 448 б.
63. Исломов Э. Йўлдошев Э. Мактаб-лицей кутубхонаси ишини ташкил қилиш.- Т.: Ўқитувчи, 1997.- Б. 20-53
64. Йўлдошев Ж.Ф. Ўзбекистон Республикаси таълими – тараққиёт йўлида, Т.: Ўқитувчи, 1994.- Б. 96
65. Йўлдошев Ж.Г. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари: Халқ таълими ходимлари учун қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 2004.- 104 б.
66. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш: Ўқув қўлл.- Т.: Ўзбекистон, 2002.- 128 б.
67. Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон.- Т.: Ўзбекистон, 2003.- 200 б.
68. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш.- Т.: Тош. Дав. унив., 1986.- 45 б.
69. Йўлдошев Э. Кутубхона ва болалар китобхонлиги.- Т.: Тош. Дав. унив., 1995.- 162 б.
70. Китобсиз уй – куёвсиз кун./ Тўпл.нашрга тайёрловчи Муродов М.М.- Т.: Ф.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.- 50 б.
71. Книга: Энциклопедия. / Ред. кол. Баренбаум И.Е. и др.; Гл. ред. Жарков.- М.: Большая Российская энциклопедия, 1999.- 800 с.
72. Кормилицын А.И. Судьбы книг: Библиотеки восточных рукописей на территории Узбекистана с древнейших времен.- Т.: Фан, 1994.- 168 с.
73. Культура и личность в свете обновления общества: Тезисы докладов.- Т.: Таш. ГИК им. А. Кадири, 1991.- 84 с.
74. Кукушкин В.С. Современные педагогические технологии. Начальная школа. Пос. для учителей. (Серия «Школа развивающего обучения»).- Ростов на Дону: Феникс, 2003.- 448 с.
75. Кутубхона ва ёш китобхон. Амалий қўлл. / Муаллифлар А.С. Адаменко, Л.А. Балашева ва бошқ.- Т.: Ўқитувчи, 1991.- 192 б.
76. Леонтьев Н.Г. Книга – хорошая она или плохая? Об искусстве быть читателем.- Л.: Знание, 1971.- 40 с.
77. Лишин О.В. Педагогическая психология воспитания / Библиотека школьного психолога / Под ред. Д.И. Фельдштейна.- М.: Академкнига, 2003.- С.130

78. Мавлонова Р. ва бошқ.. Бошланғич синфларда ўқитиш усулларины такомиллаштириш масалалари.- Т.: Ўқитувчи, 1997.- 56 б.
79. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-б.34.
80. Минько Э.В. Минько А.Э. Ускоренное конспектирование и чтение.- Санкт-Петербург: Питер, 2003.-138 с.
81. Мирзаев Р., Раҳимов А. Ҳайвонот оламига саёҳат: Билимлар олами болаларга.- Т.: Заркалам, 2004. - 192 б.
82. Младший школьник как субъект педагогического воздействия: Межвуз.сб. науч.тр./ Ленинград. Гос. пед. инст. - Ленинград: ЛГПИ, 1989.- 131 с.
83. Мазок Н.Н. Муқовачилик тўғараги: Мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар тўғарак раҳбарлари учун қўлл.- 3-нашр. Тарж.-Т.: Ўқитувчи, 1989.- 112 с.
84. Матчон Сафо. Китоб ўқишни биласизми?- Т.: Ўқитувчи, 1993.- 140б.
85. Маҳмудов М. Комил инсон – аждодлар орзуси: Адабий фалсафий ўйлар: Рисола / Масъуд муҳаррир Р.Ж. Воҳидов.- Т.: Ўқитувчи, 2002.- 288 б.
86. Маҳмудов М.Ҳ. Мактаб кутубхонасида ўқувчиларга кутубхона хизмати кўрсатиш.-Т., 1992.- 184 б.
87. Маҳмудов Т. Авесто ҳақида.- Т.: Шарқ, 2000.- 63 б.
88. Маъқулова Б., Саъдиева С. Синфдан ташқари ўқиш машғулотлари.- Т.: Ўқитувчи, 1997.- 64 б.
89. Мунавваров А. Оила педагогикаси.-Т.: Ўқитувчи, 1994.- 111 б.
90. Мурашева Е.В. Ваш непонятный ребёнок: Психологические проблемы ваших детей. - М.: Дрофа, 2002.- 416 с.
91. Мустақиллик ва ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришнинг истиқболлари.-Тўплам.- Т.: ТДМИ, 2001.- 125 б.
92. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур: Ўқув қўлл.- Т.: Ўқитувчи, 1999.- 200 б.
93. Нажмиддинова Г.Н. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. Пед.ф.ном.
94. Диссертация. - Т., 2006.- 159 б.

95. Нгуен ке Хао. Психологические основы формирования учебной деятельности младших школьников. Автореферат на соиск. уч.ст. док. пед. наук. - М., 1986.- 35 с.
96. Нишонова С. Таълим самарадорлигини ошириш воситалари: Адабиёт ўқитувчилари учун метод. қўлл.- Т.: РЎММ, 1991.- 66 б.
97. Очиллов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.- Т.: Ўқитувчи, 1995.- 207 б.
98. Паршина А. Опыт работы психологической службы в библиотеке им. А.Навои. // Бетгеровские чтения.-2002. Материалы круглого стола «Инновационная деятельность библиотеки: сотрудничество и взаимодействие» - Т.: НБ Узбекистана им. А.Навои, 2003.- С.73-77
99. Педагогика. Ўқув қўлланма./ Мунавваров А. тахр. остида.- Т.: Ўқитувчи, 1996.- Б. 65
100. Педагогика тарихи / Ҳасанбоева О. ва бошқ.-Т.: Ўқитувчи, 1997. - 245 б
101. Педагогическая психология. Учеб. для вузов. / Под.ред. Н.В. Клоевой. - М.: Владос пресс, 2003.- 398 с.
102. Психологические аспекты. Воспитание: Научно-аналитический обзор. - М., 1989.- 38 с.
103. Психология детства: Практикум. Тесты.- Санкт-Петербург: Прайм - Еврознак, 2003.- 224 с.- (Серия «Мэтры психологии»).
104. Раҳимова М., Йўлдошев Э. Камолот калити. Болалар ўқишига раҳбарлик қилишда оила, мактаб ва кутубхонанинг ҳамкорлиги ҳақида.- Т.: Ф.Ғулум номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.- 54 б.
105. Реан А.А. Психология и педагогика. - Санкт-Петербург: Питер, 2001.- 432 с.
106. Рожина Л.Н. Искусство быть читателем: Кн. для учащихся.- Минск: Нарасвета, 1987.- 21 с.
107. Рубакин Н.А. Письма к читателям о самообразовании. - Избр. произ.Т.2.- М.: Книга, 1975.- С. 12
108. Руководство чтением детей в библиотеке: Учебник / Житомирская и др. 3-изд.- М.: Книга, 1976.- 319 с.
109. Саттор Маҳмуд. Ўзбек удумлари: Кенжа миллатнинг бўғинига Т.: Фан, 1993.- 218 б.

110. Сафарова Р. Ўқув дастурларининг интеграцияси ва методик йўналишлари соҳасида мавжуд бўлган нуқтаи назарлар (ДТС асосидаги ўқув дастурлари: муаммолар, изланишлар, ечимлар / Семинар материаллари. ХТБнинг илмий мақолалари тўплами.- Т., 2002.- Б. 28
111. Суннатов Р.И. Индивидуальные типологические особенности мыслительной деятельности. Автореф. дис. док. пед. наук. - Т., 2001.-С. 18
112. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича: Илмий-услубий рисола.- Т.: Маънавият, 2017.- Б.197
113. Туропов М. Развитие библиографического дела в Узбекистане / 1852-1970.- Т.: Фан, 1983.- 128 с.
114. Умаров А., Коваленко А. Психология читателя и чтения: Учеб. пос.- Т.: Изд-во Национальной библиотеки им А. Навои, 2004.- 137 с.
115. Умаров А. Мутолаа маданияти: шахс, жамият, тараққиёт.-Т.: Фан, 2004.- 191 б.
116. Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц.ф.д... диссертация автореферати.-Т., 2005.- 56 б.
117. Усмонов С. Бошланғич синфларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишнинг педагогик асослари. Диссертация.Т., 2004.- Б. 64
118. Фалсафа асослари./ Тузувчи ва масъ. мух. Қ. Назаров.- Т.: Ўзбекистон. - 2005.- Б. 24
119. Fan, ta'lim, madaniyat va biznes sohalarida internet va kutubxonaxborot resurslaridan foydalanish=Интернет и библиотечно-информационные ресурсы в науке, культуре, образовании и бизнесе=Internet and Library-information Resources in business. Central ASIA-2006 / Конференция материаллари. - Urganch, Xiva, 18-21. X. 2006.- 286 b.
120. Форобий Абу Наср. Фозил шаҳар одамлари.- Т.: Мерос, 1990.- 224 б.

121. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари / Масъул мух. Д.А.Алимова; тарж. Ш. Воҳидов.- Т.: Маънавият, 1998.- 112 б.
122. O'zbekiston Respublikasining kutubxona-bibliografik klassifikatsiyasi: Maktab kutubxonasi uchun jadvallar/ Tuzuv.E.Yo'ldoshev va boshq.-Т.: G'ffur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2005.- 320 б.
123. Чинниева С.А. Ўзбек оилаларида китобхонлик воситасида ўсмирлар маънавиятини шакллантириш. Пед.ф.н. диссертация автореферати.- Т., 2006.- 26 б.
124. Қосимова О.Ф. Есімов Т.Б. Умумий кутубхонашунослик.- Т.: Ўқитувчи, 1994.- 272 б.
125. Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик тарихи: Ўқув кўлл.-2-нашр.- Т.: Ўқитувчи, 1992.- 190 б.
126. Куронов М. Ўзбек умумтаълим мактабларида миллий тарбиянинг илмий-педагогик асослари: Пед.фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёз. диссертация. - Т., 1998.- Б.29
127. Ғаниева Б.И. Бошланғич синф ўқувчиларида кутубхоначилик-библиография билимлари тарғиботи.-Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2006.- 34 б.
128. Ғозиев Э. Психология./ Ёш даврлари психологияси: Ўқув кўлл.- Т.: Ўқитувчи, 1994.- 223 б.
129. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси: Ўқув кўлл.-Т.: Ўқитувчи, 1990.-183 б.
130. XXI Асрда маълумот ва ахборот хизматлари: Иккинчи таҳрир К.Э. Кассан, У.Хайрмат. Тошкент: Baktria press, 2014.-464б.

3. МАҚОЛАЛАР

131. Антипова В.Б. Нетрадиционные модели проведения библиотечных уроков // Школьная библиотека.- 2006.- № 4.- С. 32-39
132. Аҳмад М. Китобхонлик кай ахволда? // Нафосат. - 1992.- № 9-10.- Б. 20-21.
133. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети // Гулистон.- 2001.- № 3.- Б. 3
134. Бошланғич таълим бўйича янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти./Туз. Абдуллаева ва бошқ.- Бошланғич таълим.- 2005.- № 5. - Б. 3-17

135. Заварова А. Для ребёнка читающего // Детская литература.- 1992. - № 4. - С. 3-5
136. Иброҳимова З. Такдирланишга лойиқ тадқиқот // Халқ сўзи.- 1991.- 16 авг.
137. Йўлдошев Э. Болалар китобхонлиги // Гулистон.- 2001.- № 3.- Б. 42
138. Йўлдошев Э.Й. Ўқувчиларни керакли ахборот билан таъминлашда мактаб ва кутубхоналарнинг аҳамияти. // Мустақиллик ва ўзбек миллий маданиятини ривожлантиришнинг истиқболлари.- Т., 2001.- Б. 54-56.
139. Мирали кизи Камола. Кутубхонага қачон боргансиз? // Даракчи.-2005.- № 40. - 6 ноябрь.
140. Муродов М., Исҳоқов М. Маънавиятимиз бутун, эътиқодимиз устувор бўлсин // Тошкент ҳақиқати.- 1992.- 5 янв.
141. Нишонова З. Мустақил фикрлаш – шахс хислати сифатида // Халқ таълими.-2001.-№6.- Б. 37-40
142. Олзоева Г.К. О культуре чтения и массовой культуре // Библиотековедение.-2000.- № 4.- С. 67-68
143. Понамарева Л. И Психолог, и педагог, и ...дипломат // Библиотека.-2001.- № 2. - С. 23-25
144. Ражабов Н. Бола бошидан...: Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши хусусида // Мулоқот.-1999.- Б. 30-34
145. Рибар Н. Каким будет завтра наших библиотек // Труд.- 2006.- 13 янв.
146. Раҳмонов М. Инсоний фазилатлар талқини // Маърифат.- 1993. - 24 фев.
147. Турдиева К. Машаққатли янгиланиш // Бошланғич таълим.- 1992. - № 3-4.- Б. 58-60
148. Тўхтабоев Х. Болалар адабиётига чанқоқлик // Болалар олами: Тўшлам. К.2.- Т., 1989.- Б. 20-25
149. Тўхтабоев Х. Болаларга ишонинг, дўстлар! (Ўзбек адабиётининг янги дастур лойҳасига фикрлар) // Маърифат.- 1991.-10 дек.
150. Умаров А. Бекмуродов М. Ўзгараётган давр ва кутубхона тақдири.// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.- 2003.- № 2.- Б. 99-103
151. Умаров А. Китоб ва китобхон: анъаналар ва янгиликлар // Соғлом авлод учун.- 2003.- № 11.- Б. 16-20

152. Умумтаълим муассасаси ахборот-ресурс маркази ишيني режалаштириш: анъана ва инновациялар // Маърифат.-2006.- 20 дек.
153. Хузяхметов Р.Х. Информатизация детских библиотек России: Проблемы и тенденции // Школьная библиотека.-2006.- №4.- С. 29-30
154. Қаюмхўжаева Ё.М. Ўқувчи ёшларда ўқиш маданиятини шакллантиришнинг баъзи муаммолари // Маданият-миллий бирлик асоси.-Т.: Адолат, 2004.- б. 118-120
155. Ғаниева Д.А. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг мутолаа маданиятини шакллантириш муаммолари// Fan, ta'lim, madaniyat va biznes sohalarida internet va kutubxona-axborot resurslaridan foydalanish=Интернет и библиотечно-информационные ресурсы в науке, культуре, образовании и бизнесе=Internet and Library-informftion Resources in business. Central ASIA-2006/ Конференция материаллари.- Urganch, Xiva, 18-21.X.2006.- б. 97
156. Щепеткова Н. Психолог и библиотекарь: Пути сотрудничества. // Библиотека.- 2002.- № 4.- С. 51-53

4.Халқаро интернет тармоғи саҳифалари

157. www.chtenie-21.ru
158. www.strana-oz.ru
159. <http://festival1september.ru>

Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun anketa savollari

1. Ismi-sharifing _____
2. Nechanchi sinfda o'qiyasan? _____
3. Oying, dadangning kasblari nima? _____
4. Maktabda qaysi fanlarga ko'proq qiziqasan? _____
5. Katta bo'lganingda kim bolishni istaysan? Nima uchun? _____
6. Bo'sh vaqtingda qanday mashg'ulotlar bilan shug'ullanasan?
 - Kitob o'qiyman
 - Televizor ko'raman
 - Kompyuter o'ynayman
 - Sport bilan shug'ullanaman
 - Boshqa mashg'ulotlar (qanday?) _____
7. Kitob o'qishni yoqtirasanmi? _____
 -Ha
 -Yoq (nima uchun?) _____
8. Darsliklardan tashqari qanday kitoblar o'qigansan? _____
9. Kutubxonaga a'zomisan? Qaysi kutubxonaga? _____
10. Seni kutubxonaga ilk bor kim olib borgan? _____
11. Kutubxonadan, kitobdan foydalanish qoidalarini bilasanmi? _____
12. Masalan qanday qoidalarni bilasan _____
13. Kutubxonadan olib o'qigan eng so'nggi kitobingni nomi nima? _____
14. Eng yaxshi ko'rgan kitobingni nomi va muallifi esingdami? _____
15. Kitob tanlashingda senga kim yordam beradi? _____
16. Seningcha kutubxonachi qanday bo'lishi kerak? _____
17. Kutubxonada qanday kitoblar ko'p bo'lishini xohlaysan? _____
18. Sening tasavvuringda kelajakda kutubxona qanday bo'lishi kerak? _____

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
Ахборот кутубхона тизимлари кафедраси
Ўқитувчилар учун савол varaқаси

Хурматли ўқитувчи!

Кутубхоналар ишини яхшилаш, ўқувчилар ўртасида китобхонликни юксалтириш, ўқиш маданиятини шакллантириш мақсадида илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Қуйидаги саволларга берган жавобларингиз кутубхоначилик ишини ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик билимлари тарғиботини йўлга қўйишга ёрдам беради.

1. Ўзингиз ҳақингизда маълумот _____
2. Туғилган йилингиз _____
3. Маълумотингиз _____
4. Қайси предметдан дарс берасиз? _____
5. Уйда шахсий кутубхонангиз борми? _____
6. Кутубхонага аъзомисиз? _____
 - а) Ҳа (Қайси кутубхонага) _____
 - б) йўқ (сабабини кўрсатинг)
 1. вақтнинг етишмаслиги
 2. кутубхонанинг иш жойидан узоқлиги
 3. кутубхоналарда керакли ахборотнинг йўқлиги
7. Қандай адабиётларга кўпроқ қизиқасиз? _____
бадий, соҳавий, методик ва ҳ.к.
8. Вақтли матбуот нашрларини мунтазам ўқиб борасизми? Қайси нашрлар сизни кўпроқ қизиқтиради? _____
9. Фанни ўқитиш жараёнида дарсликлардан ташқари қандай адабиётлардан фойдаланасиз? Номларини кўрсатинг _____
10. Ўқувчиларга мавзулар бўйича дарсликдан ташқари фойдаланадиган қўшимча адабиётлар рўйхатини берасизми? _____
11. Ўқувчилар қўшимча адабиётларни топиш, улардан фойдаланиш малакасига эгами? _____

12. Ўқувчилар китоб ва кутубхонадан фойдаланиш конун ва қоидалари билан танишмилар? _____
13. Фикрингизча, ўқувчиларни китоб ва кутубхонадан рационал фойдаланишни ўргатиш қимнинг вазифаси?
- а) ўқитувчиларнинг
 - б) кутубхоначиларнинг
 - в) ота-оналарнинг
14. Ўқувчиларни китоб ва кутубхоналардан фойдаланишга ўргатиш мақсадида кутубхоначилик дарсларини мактаб дастурига алоҳида фан сифатида киритилишига сиз қандай қарайсиз?
- а) махсус фан сифатида киритилиши керак
 - б) синфдан ташқари машғулотларда ўргатса бўлади
 - в) кутубхонада кутубхоначи таништиради ҳам бўлади
15. Ҳозирда мавжуд болалар кутубхоналарига, мактаб кутубхоналарига талаб ва истакларингиз? _____

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
Ахборот кутубхона тизимлари кафедраси
Ота-оналар учун савол варақаси

Хурматли Ота-оналар!

Кутубхоналар ишини яхшилаш, ўқувчилар ўртасида китобхонликни юксалтириш, ўқиш маданиятини шакллантиришда оила-мактаб-кутубхона ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Қуйидаги саволларга берган жавобларингиз кутубхоначилик ишини ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида кутубхоначилик билимлари тарғиботини йўлга қўйишга ёрдам беради.

1. Ўзингиз ҳақингизда маълумот _____
 - а) ота: маълумоти, касби, туғилган йили _____
 - б) она: маълумоти, касби, туғилган йили _____
2. Оила аъзоларининг сони (бола доим ким билан яшайди) _____
3. Шахсий кутубхонангиз борми? _____
4. Оилангизда китобга, мутолаага муносабат қандай?
5. Фарзандингиз бўш вақтида кўпроқ қандай иш билан машғул бўлади?
 - а) тўгарак ва секцияларга қатнайди
 - б) китоб ўқийди
 - в) телевизор кўради
 - г) кўчада ўртоқлари билан ўйнайди
6. Фарзандингиз кутубхонага аъзоми?
 - а) Ҳа
 - б) Йўқ
 - в) Билмадим
 (аъзо бўлса қайси кутубхонага кўрсатинг):
 - а) мактаб кутубхонаси,
 - б) болалар кутубхонаси _____
7. Фарзандингизга дарсликлардан ташқари китоблар харид қиласизми?
 - а) Ҳа (Охирги бир йилда қандай китоблар харид қилдингиз?) _____
 - б) Йўқ (сабабини кўрсатинг)
1. Иқтисодий томондан китоб харид қилгани имкониятим йўқ
2. Дарсликлардан ташқари китоб сотиб олиб бериш шарт эмас деб ҳисоблайман
3. Қандай китобларни сотиб олишни билмайман

8. Фарзандингиз дарсликлардан ташкари ёрдамчи адабиётлардан фойдаланадими?

9. Бундай адабиётларни кўпроқ ким тавсия қилади?

- | | | |
|----|-------------|----------------|
| 1. | Ўқитувчилар | 4. Ака-опалари |
| 2. | Кутубхоначи | 5. Дўстлари |
| 3. | Ота-онаси | |

10. Фарзандингиз китоб ва кутубхонадан фойдаланиш малакасига эгами? _____

11. Фикрингизча, бундай малакани фарзандингиз қаерда ўрганиши мумкин?

а) мактабда б) кутубхонада в) оилада

12. Мавжуд болалар ва мактаб кутубхоналари хусусида талаб ва истакларингиз

I. КУТУБХОНА

Синфдан ташқари ўқишга шароит яратади

Китобхонларни ёшига, руҳиятига мос келадиган хилма-хил ахборот манбаларини: китоблар, вақтли матбуот нашрлари, электрон ресурсларни тўплайди

Ахборот ресурсларини тартибли равишда жойлаштиради

Китобхонга керакли бўлган барча ахборотни тез ва қулай ҳолда етказиб беради

Мустақил равишда китоб танлаш ва ўқиш имкониятини яратади

II. КУТУБХОНАЧИ

Кутубхона ва ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этади

Китобхон ўқишини, кизиқишини, руҳиятини ва ўзига хос хусусиятларини ўрганади

Ўқувчилар орасида ўзига хос усул ва воситалар орқали кутубхона-библиографик билимларни тарғиб қилади

Китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилади, ўқиш маданияти, ахборот олиш маданиятини шакллантиради

Кутубхона ва китобхон ўртасидаги асосий воситачилик фаолиятини олиб боради

Китобхонга қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратади

III. КИТОВ

Китобхонни шахс сифатида шаклланишига кучли таъсир кўрсатади

Синфдан ташқари ўқиш орқали дарсларни ўзлаштиришга ёрдам беради

Мустақил фикрлаш, дунёқарашни, характерни шакллантиради

Маънавий баркамол, комил инсон бўлиб етишишда муҳим аҳамиятга эга

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Кутубхоналарда болалар китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг назарий – амалий асослари	
1.1. Ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ижтимоий – педагогик Моҳияти	11
1.2. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ва унинг ўқиш маданиятини тарбияланишига таъсири.	26
II боб. Кутубхоналарда кичик ёшдаги ўқувчилар китобхонлик маданиятини тарбиялашнинг педагогик асослари	
2.1. Кутубхоналарда ўқувчилар ўқиш маданиятини тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари	48
2.2. Ўқиш маданиятини тарбиялашнинг ўзига хос йўллари..	58
III боб. Кутубхоналарда китобхонлик маданиятини тарбиялаш жараёни ва унинг самарадорлик даражаси	
3.1. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини шакллантиришга йўналтирилган кутубхоначилик дарсларини ташкил этиш методлари	96
3.2. Кутубхоналарда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини тарбиялашга йўналтирилган илмий-услубий тавсияларнинг самарадорлиги	113
ХУЛОСА	125
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	129
ИЛОВАЛАР	140

ГАНИЕВА БАРНО ИЛҲОМОВНА

**АХБОРОТ КУТУБХОНА
МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАР
КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ
ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК
ИМКОНИАТЛАРИ**

(Монография)

Тошкент – «Aloqachi» – 2019

Мухаррир: М. Миркомиллов
Тех. муҳаррир: А. Тоғаев
Мусаввир: Б. Эсанов
Мусахҳиҳа: Ф. Тағаева
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш. Тўхтамурадов

Нашр. лиц. ii № 176, 11.06. 2010.
Босишга руҳсат этилди 26.03.2019.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси.
Шартли босма табағи 9,75. Нашр босма табағи 9,25.
Адади 60. Буюртма № 52.

«Nihol print» ОК да чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 99./101.